

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

Кўлёзма ҳуқуқида
УДК

Мадрахимов Жавлон Бахтиёрович

**Жаҳон молиявий иқтисодий инқироздан чиқиш жараёнида
инвестицияларнинг ролини ошириш**

5А 231102 – Ташқи иқтисодий фаолият

Магистр

**академик даражасини олиш учун ёзилган
диссертация**

Илмий раҳбар:
Доц. Х.Х.Имомов

ТОШКЕНТ – 2013

МУНДАРИЖА

| | |
|--|----|
| Кириш | 3 |
| 1-боб. Инвестицияларнинг илмий-назарий асослари | 9 |
| 1.1. Инвестицияларнинг иқтисодий моҳияти ва турлари | 9 |
| 1.2. Хорижий инвестицияларни жалб қилишнинг ташкилий-ҳуқуқий асослари | 13 |
| 1.3. Молиявий-иқтисодий инқирознинг моҳияти, сабаблари ва оқибатлари | 21 |
| 1-бобнинг қисқача хулосаси | 33 |
| 2-боб. Жаҳон молиявий иқтисодий инқироздан кейинги даврда Ўзбекистон иқтисодиётини модернизация қилиш жараёнида инвестицияларнинг ўрни таҳлили | 35 |
| 2.1. Жаҳон молиявий инқироздан кейинги даврда Ўзбекистон иқтисодиётида чет эл инвестицияларининг тутган ўрни | 35 |
| 2.2. Иқтисодиётни модернизация қилиш жараёнида фаол инвестиция сиёсатини амалга ошириш | 44 |
| 2.3. Мамлакат ҳудудларини ривожлантиришда хорижий инвестициялардан фойдаланиш | 53 |
| 2-бобнинг қисқача хулосаси | 60 |
| 3-БОБ. Ўзбекистонда жаҳон молиявий инқирозидан кейинги даврда инвестицияларнинг ролини ошириш масалалари | 62 |
| 3.1. Хорижий инвестицияларни жалб этиш учун яратилган шарт-шароитларни яхшилаш чора-тадбирлари | 62 |
| 3.2. Ҳудудларда инвестиция фаолиятини ривожлантиришнинг стратегик йўналишлари | 69 |
| 3.3. Инқироздан кейинги даврда Ўзбекистон иқтисодиётига чет эл инвестицияларини жалб қилиш йўналишлари ва истиқболлари | 76 |
| 3-бобнинг қисқача хулосаси | 82 |
| Хулоса | 85 |
| Фойдаланилган адабиётлар рўйхати | 93 |
| Иловалар | |

КИРИШ

Мавзунинг долзарблиги. Жаҳон иқтисодиёти тараққиётининг ҳозирги босқичи глобаллашув жараёнларининг жадал ривожланиши орқали тавсифланади. Жаҳон ҳамжамияти бугунги кунда бошидан кечираётган молиявий инқироз глобаллашув жараёнларининг салбий оқибати сифатида кўплаб ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларни тобора кенг ва чуқур камраб олмоқда ҳамда давлат ва компанияларнинг инвестицион фаолиятига салбий таъсир кўрсатмоқда. Хусусан, 2008 йилда жаҳон миқёсида бевосита хорижий инвестициялар оқими 20% гача пасайган. Инқирознинг салбий оқибатлари ханузгача давом этмоқда.

Шунга кўра, биз мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг жорий ва истикболдаги чора-тадбирларини белгилашда жаҳон молиявий инқирози оқибатларининг таъсирини ҳар томонлама ҳисобга олишимиз, иқтисодий ривожланиш дастурларини ушбу жараёнлар таъсири нуқтаи-назаридан шакллантиришимиз ва уларни изчил амалга оширишимиз тақозо этилади. Ўзбекистонда 2008 йилнинг ўзидаёқ Инқирозга қарши чоралар дастури ишлаб чиқилиб, унда белгиланган тадбирларни изчил равишда амалга оширишга киришилди. Президентимиз таъкидлаганларидек, “Бугунги куннинг энг долзарб муаммоси — бу 2008 йилда бошланган жаҳон молиявий инқирози, унинг таъсири ва салбий оқибатлари, юзага келаётган вазиятдан чиқиш йўлларини излашдан иборат.”¹

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқироз давом этаётган ҳозирги вазиятда “Фаол инвестиция сиёсати мамлакатимизни модернизация қилиш ва янгилаш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг энг муҳим шарти ва манбаи бўлмоғи керак. Ўзбекистонда сўнгги беш йил мобайнида инвестицияларнинг йиллик ўсиш суръати 9 фоиздан зиёдни ташкил этмоқда ва бу дунёдаги юқори, барқарор кўрсаткичлардан бири ҳисобланади. Жаҳон миқёсида глобал молиявий-иқтисодий инқироз давом этаётганини инобатга

¹ Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартаф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т.: Ўзбекистон, 2009.

оладиган бўлсак, бугунги мураккаб шароитда биз эришган бу натижанинг аҳамияти ва моҳияти янада яққол аён бўлади.”²

Чунки узоқ муддатли истиқболга мўлжалланган, мамлакатимизнинг салоҳияти, қудрати ва иқтисодийтимизнинг рақобатдошлигини ошириш, асосий етакчи соҳаларни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш, транспорт ва инфратузилма коммуникацияларини ривожлантиришга қаратилган стратегик аҳамиятга молик лойиҳаларни амалга ошириш вазифаларини хорижий инвестицияларни жалб қилмасдан туриб муваффақиятли амалга ошириш жуда мушкул.

Бу эса хорижий инвестицияларни миллий иқтисодиётга жалб қилишнинг оқилона йўллари танлаш, миллий иқтисодиётга хорижий инвестицияларни кенг жалб қилиш учун қулай инвестицион муҳит, кафолатлар ва рағбатлантирувчи иқтисодий омилларни кучайтиришни тақозо этади.

Шу жиҳатдан инқироздан кейинги даврда Ўзбекистон иқтисодиётини модернизация қилиш жараёнида хорижий инвестицияларни жалб этиш имкониятларини, инвестиция сиёсатини такомиллаштириш йўллари ўрганиш долзарб мавзулардан биридир.

Магистрлик диссертация мавзусининг ўрганилганлик даражаси. Жаҳон иқтисодиётида капитал миграцияси, хорижий инвестицияларни амалга ошириш жараёнлари кўплаб хорижлик ва ўзбекистонлик олимлар томонидан ўрганилган. Хорижлик олимлар Уильям Ф.Шарп, Гордон Дж.Александр, Джеффри В.Бэйли, россиялик олимлар Царев В.В., Шевчук Д.А., Э.Р.Орлова, В.В.Ковалев, В.В.Аладьин ва бошқа иқтисодчи олимлар инвестиция фаолияти ва унинг манбаларининг назарий ва амалий муаммолари, унинг иқтисодий тараққиётдаги роли ва аҳамияти, ривожланиш тенденцияларини ўрганишда ўзларининг салмоқли ҳиссаларини қўшганлар.

² Бош мақсадимиз – кенг қўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ҳамда 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. //Халқ сўзи. 2013 йил 21 январь.

Кейинги йилларда Ўзбекистонда ҳам инвестицион фаолиятнинг иқтисодий масалаларини ўрганиш бўйича жиддий илмий изланишлар олиб борилмоқда. Миллий иқтисодиёт тармоқларини инвестицияларни жалб этиш орқали ривожлантиришга бағишланган масалалар Президент И.Каримов асарларида, шунингдек, ва бошқаларнинг илмий ишларида ёритилган.

Ўзбекистонлик иқтисодчи олимлар Ғуломов С.С., Хикматов О.Х., Бекмурадов А.Ш., Расулев А.Ф., А.Ваҳобов, Н.Жумаев, Н.Ҳайдаров, М.Шарифхўжаев, Д.Ғозибеков, Н.Каримов ва бошқа иқтисодчи олимларнинг илмий ишларида жаҳон хўжалигининг глобаллашуви, миллий иқтисодиётга хорижий инвестицияларни жалб қилиш, уларнинг миллий иқтисодиётлар ривожига таъсири таҳлил этилган.

Магистрлик диссертациясининг мақсади. Илмий ишнинг мақсади Ўзбекистон иқтисодиётига хорижий инвестицияларни жалб қилишнинг устувор тармоқлари ва йўналишларини ўрганиш ва таҳлил қилиш асосида молиявий инқироздан кейинги даврда уларни фаол жалб қилиш бўйича илмий-амалий таклифлар ишлаб чиқишдан иборат.

Магистрлик диссертациясининг вазифалари. Мавзунинг долзарблиги ва мақсадларидан келиб чиққан ҳолда қуйидаги вазифаларни ўз ичига олади:

- инвестицияларнинг илмий-назарий асосларини ўрганиш;
- молиявий-иқтисодий инқирознинг моҳияти, сабаблари ва оқибатларини аниқлаш;
- жаҳон молиявий иқтисодий инқироздан кейинги даврда Ўзбекистон иқтисодиётини модернизация қилиш жараёнида чет эл инвестицияларининг тутган ўрнини таҳлил қилиш;
- иқтисодиётни модернизация қилиш жараёнида фаол инвестиция сиёсатининг аҳамиятини аниқлаш;
- мамлакат ҳудудларини ривожлантиришда хорижий инвестицияларнинг ўрнини таҳлил қилиш;
- Ўзбекистонда жаҳон молиявий иқтисодий инқироздан чиқиш жараёнида инвестицияларнинг ролини ошириш масалаларини ўрганиш

- инқироздан кейинги даврида Ўзбекистон иқтисодиётига чет эл инвестицияларини жалб қилишни кенгайтириш ва такомиллаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқот объекти ва предмети. Тадқиқот объекти бўлиб Ўзбекистон иқтисодиёти ҳисобланади. Ўзбекистоннинг иқтисодиётига хорижий инвестицияларни жалб қилиш сиёсати ва устувор йўналишлари эса тадқиқот предметиدير.

Тадқиқот услубияти ва услублари бўлиб, Ўзбекистон Республикасининг ташқи иқтисодий фаолиятга тегишли қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, Президент И.А.Каримов асарлари, жаҳон тажрибасида қўлланилаётган илмий ёндашувлар, иқтисодчи олимлар ҳамда мутахассисларнинг тадқиқ этилаётган муаммо юзасидан амалга оширган илмий тадқиқотлари хизмат қилади.

Тадқиқот олиб бориш жараёнида иқтисодий таҳлил, жадвал, график ҳамда тегишли маълумотларни илмий умумлаштириш усулларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти. Диссертация ишининг асосий натижаларидан мамлакатимизнинг инвестицион салоҳиятини ошириш орқали жаҳон хўжалик тизимига интеграциясида, республикамизга хорижий инвестицияларни жалб қилишда, шунингдек “Халқаро капитал бозори ва инвестициялар”, “Жаҳон иқтисодиётининг глобаллашуви”, “Хорижий инвестициялар” каби махсус фанлардан маъруза матнларини тайёрлашда фойдаланиш мумкин.

Магистрлик диссертациясининг илмий янгилиги. Диссертацияда Ўзбекистон иқтисодиётига хорижий инвестицияларни жалб қилиш сиёсати ва устувор йўналишларини таҳлил қилиш асосида жаҳон молиявий инқироз даврида уларни жалб қилиш йўналишлари ва истиқболлари кўриб чиқилган.

Диссертация ишининг илмий жиҳатдан янгилиги қуйидагилардан иборат:

- жаҳон молиявий иқтисодий инқироздан кейинги даврда Ўзбекистон иқтисодиётини модернизация қилиш жараёнида чет эл инвестицияларини жалб қилиш сиёсатининг устувор йўналишлари аниқланган;

- мамлакат ҳудудларини ривожлантиришда хорижий инвестицияларни жалб қилиш хусусиятлари таҳлил қилинган;

- хорижий инвестицияларни жалб этиш учун яратилган шарт-шароитларни яхшилаш чора-тадбирлари бўйича хулоса ва таклифлар берилган;

- ҳудудларда инвестиция фаолиятини ривожлантириш муаммолари ва уларни ҳал қилиш йўллари кўрсатиб берилган.

Илмий ишнинг таркиби. Диссертация таркибан кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат.

Магистрлик диссертациянинг «Инвестицияларнинг илмий-назарий асослари» деб номланган биринчи бобида инвестицияларнинг иқтисодий моҳияти ва турлари, хорижий инвестицияларни жалб қилишнинг ташкилий-ҳуқуқий асослари, молиявий-иқтисодий инқирознинг моҳияти, сабаблари ва оқибатлари ўрганилган.

Диссертациянинг иккинчи боби “Жаҳон молиявий иқтисодий инқироздан кейинги даврда Ўзбекистон иқтисодиётини модернизация қилиш жараёнида инвестицияларнинг роли” деб номланган бўлиб, унда жаҳон молиявий инқироздан кейинги даврда Ўзбекистон иқтисодиётида чет эл инвестицияларининг тутган ўрни, иқтисодиётни модернизация қилиш жараёнида фаол инвестиция сиёсатининг аҳамияти, мамлакат ҳудудларини ривожлантиришда хорижий инвестицияларнинг ўрни таҳлил этилган.

Ишнинг “Ўзбекистонда жаҳон молиявий иқтисодий инқироздан чиқиш жараёнида инвестицияларнинг ролини ошириш масалалари” номли учинчи бобида хорижий инвестицияларни жалб этиш учун яратилган шарт-шароитларни яхшилаш чора-тадбирлари, ҳудудларда инвестиция фаолиятини ривожлантиришнинг стратегик йўналишлари, инқироздан кейинги даврда

Ўзбекистон иқтисодиётига чет эл инвестицияларини жалб қилиш йўналишлари ва истиқболлари кўриб чиқилган.

Хулоса ва таклифларнинг қисқача умумлаштирилган ифодаси.
Жаҳон молиявий-иқтисодий инқироздан кейинги даврда исталган мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиёти унинг хорижий инвестицияларни фаол жалб қилишни қанчалик самарали олиб боришига боғлиқ. Бунда давлат томонидан ишлаб чиқилган инвестиция сиёсати хал қилувчи аҳамиятга эга дейиш мумкин. Мазкур сиёсат энг аввало иқтисодиётнинг устувор тармоқларига хорижий инвестицияларни жалб қилишга қаратилган бўлиши лозим.

1-БОБ. ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИНГ ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

1.1. Инвестицияларнинг иқтисодий моҳияти ва турлари

Ҳар қандай жамиятнинг яшаши учун ишлаб чиқариш узлуксиз давом этиши шарт. Унда узилиш юз берса кишиларнинг ҳаётий эҳтиёжлари кондирилмайди. Ишлаб чиқаришнинг доимий такрорланиб туриши ва умуман иқтисодиётнинг аҳволи инвестицияларнинг ҳолатидан келиб чиқади.

Узоқ йиллар мобайнида режали иқтисодиёт даврининг иқтисодий адабиётларида «инвестиция» ва «капитал қўйилмалар» тушунчалари тор маънода ва бир хил мазмунда талқин қилиниб келинган. Аслида эса, «инвестиция» тушунчаси ўз мазмуни жиҳатидан анча кенгрокдир.

«Инвестициялар» аслида латинча «investio» сўзидан олинган бўлиб, асосан, ишлаб чиқаришга узоқ муддатли қўйилмалар сарфи, яъни харажатлар йиғиндиси деб талқин этилган.

«Инвестиция» деганда келгуси фойда (даромад) олиш ёки ижтимоий самарага эришиш мақсадида иқтисодиётнинг турли тармоқларига инвесторлар томонидан узоқ муддатга қўйиладиган барча турдаги мулкӣ, молиявий ва интеллектуал бойликлар тушунилади.

«Капитал қўйилмалар» деганда эса, янги объектларни қуриш, амалда фаолият юритаётган корхоналарни таъмирлаш, техник қайта жихозлаш ва кенгайтириш ҳамда машина ва ускуналар, инструменлар сотиб олиш, лойиҳа-қидирув ишлари билан боғлиқ харажатлар йиғиндиси тушунилади.

Капитал қўйилмалар орқали асосий фондлари янгиланишига, корхонанинг меҳнат унумдорлиги ошишига эришиш мумкин. Капитал қўйилмалар тушунчаси инвестиция тушунчасига нисбатан торроқ тушунча, капитал қурилиш тушунчасига нисбатан эса кенгрокдир. Капитал қўйилмалар фақат қурилишга сарфланмасдан балки янги технологиялар, яъни асосий воситалар сотиб олиш учун ҳам йўналтирилади. Капитал қўйилмалар инвестицияни таркибий қисми бўлиб, тўғридан-тўғри асосий

фондларни такрор ишлаб чиқариш учун йўналтирилган қисмини ташкил этади.

Капитал қўйилманинг тармоқ, ҳудудий, техник ва такрор ишлаб чиқариш таркиблари мавжуд.

Капитал қўйилманинг тармоқ таркиби уларнинг тармоқлар бўйича тақсимланишини англатади. Ҳудудий таркиби эса капитал қўйилмани алоҳида ҳудудлар бўйича тақсимотини белгилайди. Техник таркиби капитал қўйилмани харажат элементи бўйича тақсимланиши англатади. Улар қирилиш-монтаж ишлари учун ёки технология сотиб олиши учун ва бошқа харажатларга тақсимланиши мумкин. Такрор ишлаб чиқариш таркиби эса капитал қўйилмани янги объектларини қуришга, техник қайта жихозлашга ёки таъмирлашга йўналтирилишини билдиради.

Асосий фондлар ва айланма маблағларга инвесторлар томонидан қўйиладиган барча турдаги бойликлар **реал инвестиция** деб тушунилади.

Реал инвестициялар орқали ишлаб чиқариш корхоналари қурилади, ҳаракатдаги корхоналар техник қайта қуроллантирилади ва умуман асосий фондлар такрор ишлаб чиқарилади.

Молиявий инвестициялар деб, қимматли қоғозлар (акция, облигация) сотиб олишга ва банк депозитларига узоқ муддатга жалб қилинган қўйилмалар тушунилади.

Инвестор портфелли (молиявий) инвестицияни амалга ошириш орқали қимматли қоғозларидан (акция, облигациялар) даромад (дивиденд) олиб, ўз молиявий капиталини ўсишига эришади.

Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнининг ривожланиб бориши билан қимматли қоғозлар бозори тараққий этиб, молиявий инвестициялар қўйиш жараёни фаоллашади. Шунингдек, мулкни хусусийлаштириш ва молиявий бозорнинг ривожланиши республикамизга чет эл инвестицияларнинг катта ҳажмда кириб келишига имконият яратади.

Интеллектуал инвестицияларга мутахассисларни тайёрлаш, тажриба, илмий текшириш, лизенция ва ноу-хоу бериш, авторлик ҳуқуқи ва бошқалар киради.

Швед иқтисодчи-олими К.Эклунд инвестиция тушунчаси таркибига таълим ва илмий текширишдаги харажатларни ҳам қўшиш керак, деган фикрни илгари суриб, у интеллектуал инвестициялар аҳамиятини юқори баҳолайди. Умуман олганда ишлаб чиқаришда фан ва техниканинг таъсири кучайиб бориши билан интеллектуал инвестициянинг аҳамияти янада ошиб боради.

Инвестициялар ким томонидан киритилишига қараб 2 турга бўлинади:

1. Ички инвестициялар.
2. Ташқи инвестициялар.

Ички инвестициялар – бу мамлакат ҳудудида ички инвесторлар томонидан амалга ошириладиган инвестициялар ҳисобланади.

Ташқи инвестициялар – бу фойда олиш мақсадида чет эл инвесторлари томонидан бошқа давлат иқтисодиётига қўйиладиган инвестициялардир.

Инвестициялар иқтисодий категория сифатида қатор функцияларни бажарадики, уларсиз ҳар қандай давлатнинг иқтисодиётини нормал ривожлантириш мумкин эмас.

Макродаражада инвестициялар:

1. Ишлаб чиқаришни кенгайтириш сиёсатини амалга оширишда;
2. Илмий-техника тараққиётини жадаллаштириш, миллий маҳсулотларни рақобатбардошлигини таъминлаш ва унинг сифатини оширишда;
3. Соғлиқни сақлаш, маданият, таълимни янада ривожлантириш ва бошқа ижтимоий муаммоларни ечишда;
4. Ишсизлик муаммосини ечиш ёки енгиллаштиришда;
5. Ҳарбий-саноат комплексини конверсия қилишда;

6. Давлатнинг ҳарбий қудратини таъминлашда ва бошқа муаммоларини ечишда асос бўлиб хизмат қилади.

Микродаражада инвестициялар:

1. Ишлаб-чиқаришни ривожлантириш ва кенгайтириш;
2. Асосий фондларни жисмоний ва маънавий эскиришига йўл қўймаслик;
3. Ишлаб чиқаришнинг техник даражасини ошириш;
4. Корхона мақсулотини рақобатбардошлигини таъминлаш ва унинг сифатини ошириш;
5. Қимматли қоғозлар сотиб олиш ва бошқа корхона активларига ўз маблағини сарфлаш мақсадларига эришиш учун зарурдир.

Демак, юқоридагилардан кўриниб турибдики, инвестициялар иқтисодий категория сифатида макро ва микродаражада муҳим роль ўйнайди.

Инвестиция атамаси жамиятнинг реал маблағларини оширишга қаратилган, ишлаб чиқаришни замонавийлаштириш ва ишлаб чиқариш ҳажмини оширишга қаратилган барча умумиқтисодий ресурсларни англатади. Яъни, инвестиция пировард натижада капитални кўпайтириш мақсадида ишлаб чиқаришда асосий фондларга сарфланган моддий, меҳнат ва пул ресурсларига кетган барча харажатларни, капитал сарфининг ҳажми, таркиби ва унинг асосий йўналишларини англатади. Қайта ишлаб чиқариш тизимида инвестиция ишлаб чиқариш ресурсларидан самарали фойдаланиш ва умумиқтисодий ривожланишни таъминлашда муҳим ўрин эгаллайди. Инвестиция маҳсулот ишлаб чиқариш жараёнининг тақсимланишида, айрибошланишида ва истеъмол қилинишида асосий ўринни эгаллаши билан бирга, унинг моддий асосини ташкил қилади. Бу янги технология яратиш, янги бино-иншоотлар, йўллар, кўприклар ва бошқа муҳандислик иншоотларини қуришга, янгилашга кетган барча харажатларни ўз ичига олади. Шунингдек, бунга таълим, илмий-тадқиқот ва кадрлар тайёрлашга кетадиган харажатларни ҳам киритиш лозим. Иқтисодий ривожланишнинг

ҳозирги босқичида ўзига хос ўринга эга бўлган “инсон омилига инвестиция”, пировардида инсон фаолиятининг натижаси ўлароқ янги бино, иншоот, технология, ускуналарнинг ўзлаштирилишига ва энг муҳими замонавий иқтисодий ривожланишнинг асосий омили бўлган интеллектуал маҳсулот яратилишига тurtки бўлади. Зеро, интеллектуал маҳсулот давлатнинг иқтисодий ва сиёсий аҳволини яхшиланишига катта таъсир кўрсатади.

Мамлакатда инвестиция фаолияти аҳволини қуйидаги кўрсаткичлар динамикаси характерлайди:

1. Инвестицияларнинг умумий ҳажми;
2. Ялпи ички маҳсулотда (ЯИМ) инвестицияларнинг улуши;
3. Инвестицияларнинг умумий ҳажмида реал инвестицияларнинг улуши;
4. Реал инвестицияларнинг умумий ўсиши;
5. Асосий капиталга йўналтирилган реал инвестицияларнинг улуши ва бошқалар.

Бундан ташқари, инвестиция фаолиятининг қандай ҳолатда эканлиги асосий макроиқтисодий кўрсаткичларнинг ўсиш даражаси билан ҳам характерланади:

1. Миллий даромад;
2. ЯИМ ва ялпи миллий маҳсулот (ЯММ);
3. Саноат ишлаб чиқариш ҳажми;
4. Саноат маҳсулотларининг алоҳида турларини ишлаб чиқариш;
5. Ишлаб ҳажми ва бошқалар.

Айрим экспертларнинг баҳолашларга кўра, ҳар 3% инвестиция миқдорининг тушиши 1% ЯИМни камайишини билдиради.

1.2. Хорижий инвестицияларни жалб қилишнинг ташкилий-ҳуқуқий асослари

Ўзбекистон давлат мустақиллигига эришган дастлабки йиллардан бошлаб миллий иқтисодиётни ривожлантиришнинг ўзига хос йўналишини

белгилаб олди. У иқтисодиётнинг ривожланиши ва барқарорлигида инвестицияларнинг беқиёс ўрни тутишини ўз вақтида тўғри англаб етганлигининг натижасида инвестицияларга, хусусан, чет эл инвестицияларига бўлган эътиборнинг кучайиши юз бердики, бу эса бугунги кунга келиб мамлакатимиздаги инвестиция фаолиятининг ривожлантирилишига олиб келди. Бугунги кунда ривожланган инвестицион фаолиятнинг йўлга қўйилишини ҳукуматимизнинг юритаётган оқилона инвестиция сиёсатининг маҳсули эканлигини таъкидлаш лозим. Зеро, Республика Президенти И.Каримовнинг «Инвестициялар базасини ривожлантириш ва чуқурлаштириш бизнинг ислохотлар стратегиямизнинг энг муҳим шартларидан биридир. Фақат кучли инвестиция сиёсати туфайлигина иқтисодиётда таркибий қайта қуришни амалга ошириш, экспорт салоҳиятини кенгайтириш, илғор технологияларга ўтиш ва рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ўзлаштириш мумкин»³, - деган кўрсатмалари муҳим амалий аҳамиятга эгадир.

Бугунги кунда мамлакатимизда ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг барча жабҳаларини қамраб олувчи ҳукуматимиз томонидан ишлаб чиқилган сиёсатлар оқилона бир тарзда юритилмоқда, унинг натижаси ўлароқ республикамиз иқтисодий тараққиёт йўлини эркин босиб ўтиш силсиласида ҳаракат қилмоқда. Бундай оқилона яратилаётган сиёсатлар сафига бугунги кунда давлатнинг бош мақсади ва сиёсатларидан бирига айланган инвестиция сиёсатини киритиш мумкин.

Ривожланган мамлакатлар тажрибаси уларнинг иқтисодий юксалишида фаол инвестиция сиёсати марказий ўринни эгаллашини тасдиқлайди. Шу боис Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш мақсадлари унинг инвестиция сиёсатида тўлиқ акс эттирилишини тақозо этади.

Ўзбекистонда хорижий инвестицияларни жалб қилиш ва тартибга солишда Ўзбекистон Республикасининг «Чет эл инвестициялари тўғрисида», «Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш

³ И. Каримов. Ўзбекистон иқтисодий сиёсатидаги устуворликлар ҳақида. Т.: Ўзбекистон. 1993, 17-б.

чоралари тўғрисида», «Инвестиция фаолияти тўғрисида»ги қонунлар ва бошқа қонун ҳужжатлари унинг ҳуқуқий асоси бўлиб хизмат қилади.

Мулкчиликнинг турли шакллари таркиб топиши инвестицияларнинг ривожланишига катта туртки бўлди. Мулкчиликнинг турли шакллари унинг вужудга келиши муносабати билан капиталнинг соҳалардаги ўзгарувчанлиги, унинг оқими, ҳудудларга тақсимланиши тезлашади. Бу жараёнда «инвестициялар» атамасига тўғри таъриф бериш муҳим аҳамият касб этади.

Чет эл инвесторлари асосан даромад (фойда) олиш мақсадида тадбиркорлик фаолияти ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа турдаги фаолият объектларига қўшадиган барча турдаги моддий ва номоддий бойликлар ва уларга доир ҳуқуқлар, шу жумладан интеллектуал мулкка доир ҳуқуқлар, чет эл инвестицияларидан олинган ҳар қандай даромад Ўзбекистон Республикаси ҳудудида чет эл инвестициялари деб эътироф этилади⁴.

Фикримизча, хорижий инвестициялар – бу чет эл инвесторлари томонидан юқори даражада даромад олиш, самарага эришиш мақсадида мутлоқ бошқа давлат иқтисодиётининг, тадбиркорлик ва бошқа фаолиятларига сафарбар этадиган барча мулквий, молиявий, интеллектуал бойликларидир. Чет эл инвестициялари ички инвестициялардан фарқли ҳолда ташқи молиялаштириш манбаига киради. Улар миллий иқтисодиётга четдан, уларнинг келишини рағбатлантирган ҳолда жалб қилинади. Лекин чет эл капиталини жалб қилишнинг ҳамма шакллари ҳам молиялаштиришнинг ташқи манбаи бўлмаслиги мумкин. Бу биринчи навбатда фоиз тўловлари билан қайтаришни талаб этадиган кредитлар ва қарзларга тааллуқли. Чунки, чет эл кредитлари ва халқаро молия институтлари қарзлари маълум вақт ўтгач асосий қарз билан бирга белгиланган фоизларининг қайтарилишини талаб этади. Четдан жалб этиладиган хорижий инвестициялар билан чет элдан киритиладиган кредитларнинг ўзига хос фарқлари мавжуддир. Бу борада хорижий

⁴ Ўзбекистон Республикасининг «Чет эл инвестициялари тўғрисида»ги Қонуни. 1998 йил, 30 апрел. «Халқ сўзи» газетаси. 1998 йил 4 март. 3-модда, 2-бет.

инвестициялар қалтисликлар доираси чет эл кредитлари қалтисликларидан кенглиги билан фарқланади.

Чет эл инвестициялари капитал экспорт қилувчи мамлакатларнинг импортёр мамлакатлар иқтисодий субъектлари ҳамда қўшма корхоналар реал ва молиявий активларига киритган маблағларидир. Чет элдан инвестициялаш капитал оқимининг бир иқтисодиётдан бошқасига чиқиб кетишини билдиради, бойликларни янада фойдалироқ шартларда жойлаштириш ва инвестициялар чет элликка – капитал эгасига қайтишига қадар нисбатан узок вақт давомида маблағлар оқимини таъминлаш мақсадларини назарда тутди. Уларга оқиб кетиш, қочиш, яъни мамлакатлараро кўчиб юриш хос. Чет эл инвестициялари моҳият жиҳатидан ўз миллий инвестиция муҳитини ўзга муҳитга алмаштиради. Хавфсизлик, даромадлилик, капиталлашув ва ликвидликдан ташқари чет эл инвестицияларининг ўзига хос муҳим белгиси – аниқ мақсадларни кўзлаши ҳисобланади ⁵. Уларнинг эътиборини тортувчи иқтисодиёт ҳам ўз мақсадларига эришишга интилади. Бу мақсадлар самарадорлик, ишлаб чиқаришни ўстириш, бозорларга кириб бориш ёки ноиқтисодий мазмундаги вазифалар бўлиши мумкин. Шу сабабли, ўзаро манфаатларнинг мос тушиши, ишончли муносабатлар, кириб бориш шароитларини ҳисобга олиш инвестицияларнинг бир мамлакатдан бошқасига кўчишининг асоси ҳисобланади. Чет эл инвестициялари ички инвестициялардан фарқли равишда мамлакат, валюта, миллийлаштириш, реквизиция каби қўшимча рискларга тўқнашиш эҳтимолига эга бўлади.

«Чет эл инвестициялари тўғрисида»га қонунга кўра Ўзбекистон Республикасида чет эллик инвесторлар қуйидагилар бўлиши мумкин:

- чет эл давлатлари, чет эл давлатларининг маъмурий ёки ҳудудий органлари;

- давлатлараро битимлар ёки бошқа шартномаларга мувофиқ ташкил топган ёки халқаро оммавий ҳуқуқ субъектлари бўлган халқаро ташкилотлар;

⁵ Ғозибеков Д.Ғ. Инвестицияларни молиялаштириш масалалари. – Т.: «Молия» нашриёти, 2003. 32-бет.

- чет эл давлатларининг қонун ҳужжатларига мувофиқ ташкил топган ва фаолият кўрсатиб келаётган юридик шахслар бошқа ҳар қандай ширкатларлар, ташкилотлар ёки уюшмалар;

- чет эл давлати фуқаролари бўлмиш жисмоний шахслар, фуқаролиги бўлмаган шахслар ва чет элларда доимий яшайдиган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари.

Ўзбекистон ҳукумати мустақилликнинг бошлариданоқ хорижий инвестицияларни жалб қилиш бўйича илдам қадамларни ташлади. Президент Ислон Каримов бу соҳага жиддий эътибор қаратиб, «Бизнинг доимий эътиборимизни, тинимсиз саъй-ҳаракатларимизни талаб қилувчи масалалардан яна бири – иқтисодиётимизга хорижий инвестицияларни жалб этиш масаласидир»⁶, - деб таъкидлаб ўтдилар. Ҳеч муболағасиз айтиш мумкинки, мамлакатимизда бу борада тегишли шарт-шароитлар яратилган.

Иқтисодиёт назариясидан бизга маълумки, иқтисодиётнинг ўсиши жамғариш даражасига боғлиқ бўлади. Жамғарилган маблағ эса бу инвестиция манбаидир. Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида миллий даромаднинг катта қисми мамлакат аҳолисининг турмуш шароитини маълум даражада сақлаб туришга ва уларни ижтимоий ҳимоялашга сарфланмоқда, бу эса, ўз навбатида, иқтисодиётнинг ўсиши учун йўналтирадиган маблағларнинг ҳажмини камайтиради. Ривожланган давлатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, бир йилда 6 фоиздан ортиқ иқтисодий ўсишни таъминлаш учун миллий жамғармалар ЯИМнинг камида 25 фоизини, инвестициялар эса 30 фоизни ташкил этиши керак.⁷

Республикада сиёсий, иқтисодий шароитнинг мавжудлиги, яъни қулай инвестиция муҳитининг яратилганлиги ва хорижий капитални қабул қилиш тизимининг самарали эканлиги хорижий инвестицияларни жалб қилишнинг зарурий шарти ҳисобланади. Шуни таъкидлаш жоизки, айрим қонунларнинг

⁶ Президент Ислон Каримовнинг 2001 йилда республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари, иқтисодий ислохотларнинг боришини баҳолаш ҳамда 2002 йилги вазифаларга бағишланган Вазирлар Маҳкамаси йиғилишида сўзлаган нутқи. «Халқ сўзи», 2002 йил, №34,1-бет.

⁷ Фаттохова Ж. «Ўзбекистон молия бозорининг ҳозирги аҳволи». //«Бозор, пул ва кредит», 1998, 1-сон. 17-бет.

ёки меъёрий ҳужжатларнинг тўлақонли бўлмаслиги ҳам инвестиция муҳитига салбий таъсир этади. Бундай камчиликларнинг бўлиши инвесторнинг ўз истиқболини белгилаш, қўйилманинг фойдалилик даражасини аниқлаш борасидаги қобилиятини камайтиради.

Хорижий инвестор учун юқорида қайд қилинган барча омиллар муҳимдир. Шунинг учун ҳам ривожланган кўпгина давлатларда махсус инвестиция лойиҳаларини баҳолайдиган, инвестициялар қўйилишига талабгор бўлган давлатларнинг инвестиция муҳитини ўрганадиган ва инвесторлар учун аниқ хулосаларни берадиган фирмалар, ташкилотлар мавжуддир. Масалан: Германиядаги «БЕРИ» хизмати бу борада катта обрў қозонган ташкилотдир. Бу каби хизматларни ташкил этишда кўпроқ инвестицияга талаби бўлган давлатларнинг таклифи бўлиши зарур. Шунинг учун бизнингча бу тарздаги ташкилотларни Ўзбекистонда ҳам ташкил қилиш хорижий инвесторлар учун ҳам, ички инвесторлар учун ҳам муҳим бўларди.

Республика иқтисодиётига хорижий инвестицияларни жалб қилишнинг зарурлиги ишлаб чиқариш қувватларининг жисмоний ва маънавий эскирганлиги, уларнинг қайта тиклашга ёки техник жиҳатдан қайта жиҳозлашга ёки умуман, янгилашга оид бўлиб қолганлиги; саноат тармоғида моддий техника базасининг ўта пастлиги ва кўпгина зарар кўриб ишлайдиган корхоналарнинг мавжудлиги; республика миллий даромадида жамғариш билан истеъмол ўртасидаги нисбатнинг истеъмол томонга кўплаб сарфланаётгани ва жамғаришнинг инвестиция манбаи сифатида камайиб бораётганлиги; Ўзбекистоннинг табиий ресурсларга бойлиги ва бу ерда кўплаб қайта ишловчи корхоналарни қуриш имкониятининг мавжудлиги; аҳоли сонининг ўсиб бораётганлиги ва кичик замонавий ихчам корхоналарни барпо этиш, уларни меҳнат ресурсларининг манбаи бўлмиш қишлоққа яқинлаштириш зарурлиги; республика экспортида хом ашё салмоғини камайтириш ва кўплаб тайёр маҳсулотлар чиқариш имкониятига эга бўлишлиги билан изоҳланади.

Агар республикада хорижий капитални қўйишнинг айрим шароитларини бошқа давлатлар шароити билан таққосласак, қуйидаги хулосага эга бўламиз (1-жадвал).

1-жадвал. Ўзбекистон Республикаси ва айрим давлатлар иқтисодиётига хорижий капитални қўйиш шароитларининг қиёсий тавсифи

| Давлатлар | Хорижий инвестиция иштирокида барпо этилган корхона устав фондида хорижий инвестиция иштирокининг чегараси | Солиқдан бутунлай ёки қисман озод қилиш муддати (йил) | Иш ҳафтасининг давомийлиги (соатда) |
|---------------|--|---|-------------------------------------|
| 1 | 2 | 3 | 5 |
| Ўзбекистон | 30%дан кам бўлмаган | 2-7 | 48 |
| Россия | Чегараланмаган | 2 | 47-49 |
| Хитой | 25%дан кам бўлмаган | 2-5 | 4 |
| Сингапур | Чегараланмаган | 5-10 | 48 |
| Жанубий Корея | 50%дан кам бўлмаган | 5 | 47-49 |
| Малайзия | 70%дан кам бўлмаган | 2-5 | 50-60 |
| Таиланд | 49%дан кам бўлмаган | 3-8 | 45-50 |
| Индонезия | Чегараланмаган | 2-6 | 47-51 |

Жадвал маълумотларидан кўришиб турибдики, хорижий инвестиция иштирокида барпо этилган корхона устав фондида хорижий инвестиция улуши буйича энг кам миқдор Хитой (25%)да бўлса, энг юқори миқдор Малайзия (70%)да кузатилади. Ҳатто баъзи бир давлатларда (Индонезия, Россия, Сингапур) бундай энг кам миқдор белгиланмаган ҳам.

Хорижий инвестициялар оқимини моддийлаштиришда банклар айниқса муҳим роль ўйнайди. 2012 йилда бу инвестициялар мамлакатимиз иқтисодиётига киритилган инвестициялар умумий ҳажмининг 22 %дан ортиғини ёки 2 миллиард 500 миллион доллардан ортиғини ташкил қилди ⁸. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки

⁸ Бош мақсадимиз – кенг қўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ҳамда 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси // “Халқ сўзи” газетаси, 2013 йил 19 январь.

иқтисодийни қайта қуришга қаратилган лойиҳаларни, йирик инвестиция лойиҳаларини ҳам, республикада кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга қаратилган лойиҳаларни ҳам молиялашни ташкил этаётган етакчи банклардан биридир. Лойиҳаларни молиялаш иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқлик ва ўзини оқлаш тамойилларига асосланган бўлиб, банкнинг ўз ресурслари ҳисобидан ҳам, АҚШ, Германия, Франция, Англия, Япония ва бошқа мамлакатлардаги йирик молия институтлари ва банкларнинг ресурсларини жалб этиш йўли билан ҳам амалга оширолмоқда. 2-жадвалда Ўзбекистонда хорижий инвестицияларни тартибга солиш ва жалб этиш билан шуғулланадиган ташкилотлар келтирилган.

2-жадвал. Ўзбекистон Республикасида чет эл инвестицияларини тартибга солиш ва жалб этиш билан шуғулланадиган расмий муассасалар

| | |
|--|---|
| Вазирлар Маҳкамасининг ташқи иқтисодий фаолиятни мувофиқлаштириш департаменти | Қуйидаги жорий жараёнларни мувофиқлаштиради: -инвестиция фаолиятини, биринчи навбатда чет эл инвестициялари билан амалга ошириладиган лойиҳаларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш бўйича зарур ҳукумат қарорларини ишлаб чиқиш; -давлат бошқаруви идоралари, вазирликлар ва идоралар ишини ташкил этиш. |
| «Ўзистикболстат» | Инвестиция сиёсатини ва дастурларини ишлаб чиқиш |
| Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги | Корхоналарни ташқи иқтисодий фаолият иштирокчилари тарзида рўйхатга олиш ва хорижий компаниялар ваколатхоналарини аккредитациялаш |
| Давлат мулки қўмитаси | Давлатга тегишли мулкни хусусийлаштириш ва тасарруф этиш жараёнларида чет эл инвестицияларини тартибга солиш. |
| Молия Вазирлиги | Қарз сиёсати ва ҳукумат кафолатларини бериш. |
| Адлия Вазирлиги | Чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналарни рўйхатга олиш. |
| Ташқи ишлар вазирлиги | Хорижий инвесторларга ва Ўзбекистонда ишлаётган ажнабий фуқароларга визалар бериш. |
| Ички ишлар вазирлиги | Хорижий инвесторларни ва Ўзбекистонда ишлаётган ажнабий фуқароларни турар жойи бўйича рўйхатга олиш. |
| Давлат солиқ қўмитаси | Чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналарни солиққа тортиш ва уларнинг боғхона билан боғлиқ фаолиятини тартибга солиш |
| Марказий банк | Конвертация тартиб-қоидаларини, шунингдек, унинг ўтказилишини, валюта маблағларидан фойдаланишни тартибга солиш, қарз сиёсати. |
| Ташқи иқтисодий фаолият миллий банк | Ташқи иқтисодий фаолиятга банк хизмати кўрсатиш ва лойиҳани молиялашни амалга ошириш. |
| Хорижий инвестициялар бўйича | -Мамлакат ва хориж инвесторларининг инвестиция таклифлари тўғрисида маълумотлар банкини шакллантириш; |

| | |
|---|---|
| агентлик | -инвестиция муҳитини ўрганиш; -хорижий инвесторларга ахборот ва бошқа хизматлар кўрсатиш; -инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда мамлакат ва хориж инвесторларига ёрдам кўрсатиш; -чет эл капитали иштирокида амалга ошириладиган инвестиция лойиҳаларининг бажарилишини кузатиш (мониторинг); -хорижий инвесторларга давлат рўйхатидан ўтилганидан кейин юридик шахс сифатида фаолият кўрсатишида ёрдам бериш (товар ишлаб чиқарувчилар палатаси билан ҳамкорликда). |
| «Ўзбекинвест» давлат суғурта компанияси | Чет эл инвестицияларини инвестиция таваккалчилигидан суғурталаш |
| «Ўзбекинвестлойиҳа» миллий инжиниринг компанияси | Дастлабки техник-иқтисодий асосламани ва инвестиция лойиҳаларининг техник-иқтисодий асосламаларини тайёрлаш |
| Давлат мулки кўмитаси ҳузуридаги қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази | Қимматли қоғозлар бозорини шакллантириш, ривожлантириш, назорат қилиш ва тартибга солиш соҳаларида давлат сиёсатини амалга ошириш. Мамлакат ва хорижий эмитентларнинг қимматли қоғозларини сотиб олиш орқали мажмуа инвестицияларини амалга ошириш. |

1.3. Молиявий-иқтисодий инқирознинг моҳияти, сабаблари ва оқибатлари

Маълумки, ўзининг салбий таъсири билан инсониятга жиддий ташвишлар туғдираётган, жаҳон иқтисодиётининг барқарор ривожланишини издан чиқараётган молиявий-иқтисодий инқироз ўтган асрнинг сўнгги чорагидан эътиборан ривожланган мамлакатлар иқтисодиётидаги мутаносибликлар, хусусан реал ва молиявий сектор ўртасидаги нисбатнинг кескин бузилиши оқибатида вужудга кела бошлади. Бу мамлакатлардаги йирик молиявий муассасалар томонидан ўзининг хусусий корпоратив манфаатларини амалга ошириш мақсадида банк-молия соҳасидаги меъёр ва тартибларнинг қўпол тарзда бузилиши, жаҳондаги кўплаб давлатларнинг реал активларидан спекулятив тарзда фойдаланиш орқали катта даромад олишга интилиш ва шу тариқа глобал молиявий архитектурада жиддий нуқсонларга йўл қўйилиши, миллий иқтисодиётдаги ялпи талабни қўллаб-қувватлаш, тобора ўсиб бораётган ташқи қарзларни чеклаш учун “арзон пуллар” сиёсатининг қўлланиши каби хатти-ҳаракатлар юзага келаётган

номутаносибликларнинг янада кучайиши ва борган сари кескин, муқаррар равишда инқироз ҳолатини келтириб чиқарадиган даражада тус олишига сабаб бўлди. Айниқса, молиявий маблағлардан спекулятив мақсадларда фойдаланишда жаҳоннинг кўплаб мамлакатларидаги молиявий муассасалар билан бир қаторда аҳолининг ҳам ипотекали кредитлаш тизими орқали кенг жалб қилиниши мазкур жараёнларнинг жадаллашувига ва охир-оқибатда жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг бошланишига сабаб бўлди.

Президентимиз И.А.Каримов ўзининг “Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари” номли асарида биринчилардан бўлиб бу жараённинг юзага келиши сабабларини қуйидаги тарзда кенг асослаб берди: “Бу инқироз Америка Қўшма Штатларида ипотекали кредитлаш тизимида рўй берган танглик ҳолатидан бошланди. Сўнгра бу жараённинг миқёси кенгайиб, йирик банклар ва молиявий тузилмаларнинг ликвидлик, яъни тўлов қобилияти заифлашиб, молиявий инқирозга айланиб кетди. Дунёнинг етакчи фонд бозорларида энг йирик компаниялар индекслари ва акцияларининг бозор қиймати ҳалокатли даражада тушиб кетишига олиб келди. Буларнинг барчаси, ўз навбатида, кўплаб мамлакатларда ишлаб чиқариш ва иқтисодий ўсиш суръатларининг кескин пасайиб кетиши билан боғлиқ ишсизлик ва бошқа салбий оқибатларни келтириб чиқарди»⁹.

Президентимиз жаҳон молиявий инқирози рўй берган дастлабки палладаёқ унинг таъсир даражаси, кўлами ва келтириб чиқариши мумкин бўлган салбий оқибатларига етарли баҳо бериб, “жаҳон молиявий инқирозидан имкон қадар тез чиқиш, унинг оқибатларини енгиллаштириш кўп жиҳатдан ҳар қайси давлат доирасида ва умуман, дунё ҳамжамияти миқёсида қабул қилинаётган чора- тадбирларнинг қанчалик самарадорлигига, уларнинг бир-бири билан уйғунлигига боғлиқ”¹⁰, деб хулоса чиқарган эди. Бундай ҳаққоний хулосалар асосида Ўзбекистонда 2008 йилнинг ўзида

⁹ Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т.: Ўзбекистон, 2009, 4-б.

¹⁰ Ўша манба, 6-б.

Инқирозга қарши чоралар дастури ишлаб чиқилиб, унда белгиланган тадбирларни изчил равишда амалга оширишга киришилди¹¹.

Жаҳоннинг етакчи ривожланган мамлакатлари ҳам инқирознинг олдини олиш, унинг таъсир даражасини пасайтириш борасида турли кўриниш ва кўламлардаги ҳаракатларни бошлаб юборди. Жумладан, ушбу чора-тадбирларнинг ўзаро мувофиқлигини таъминлаш мақсадида жаҳондаги ривожланган мамлакатларнинг “Катта йигирмалик” гуруҳи¹² доирасида бир неча бор саммитлар ўтказилиб, тегишли чора-тадбирлар амалга оширилиб келинмоқда (3-жадвал).

3-жадвал. “Катта йигирмалик - G20” саммитлари ва уларда кўриб чиқилган асосий муаммолар¹³

| Саммит рақами | Ўтказилган санаси | Ўтказилган жойи | Кўриб чиқилган муаммолар ва қабул қилинган ечимларнинг қисқача мазмуни |
|---------------|-----------------------|------------------------|---|
| 1 | 2008 йил 14-16 ноябрь | Вашингтон (АҚШ) | Саммит қатнашчиларининг қўшма баёнотида молиявий бозорлар ҳамда кегусидаги инқирозларнинг олдини олиш учун тартибга солувчи режимларни мустаҳкамлашга қаратилган ислохотларнинг бешта тамойилини тасдиқладилар. |
| 2 | 2009 йил 2 апрель | Лондон (Буюк Британия) | Жаҳон молия тизимини жиддий ислоҳ қилиш бўйича олти асосий жиҳатдан иборат келишув қабул қилинди: 1) ХВЖ ресурсларини кўпайтириш ва инқироздан энг кўп азият чеккан мамлакатларга ёрдам кўрсатиш учун маблағ ажратиш; 2) “солиқ оазис”ларига қарши курашиш; 3) компаниялар ва банкларнинг менежменти учун бонус тўловларини тартибга солиш; 4) конъюнктурага оид чора-тадбирларнинг миллий пакетлари; 5) молиявий бозорлар устидан назоратни кучайтириш; 6) миллий иқтисодиётларнинг барқарорлигини таъминлаш. Асосий яқун – бир ярим йил ичида G20 қатнашчилари 5 трлн. долл. миқдоридagi маблағни иқтисодий муаммоларни ҳал этишга йўналтирадилар. Мазкур маблағнинг 1/5 қисми |

¹¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг 2011 йилнинг асосий яқунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги “2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади” мавзусидаги маърузасини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма. – Т.: “O‘qituvchi” НМИУ, 2012, 6-7-б.

¹² “Катта йигирмалик” гуруҳи (G-20) расман 1999 йилда глобал иқтисодиётдаги асосий муаммоларни муҳокама қилиш мақсадида ташкил этилган. Ушбу гуруҳ таркибига ЯИМ жаҳон ЯИМнинг 90 фоизини ташкил этадиган қуйидаги 20 та ривожланган ва ривожланаётган йирик давлат киради: Аргентина, Австралия, Бразилия, Буюк Британия, Германия, Ҳиндистон, Индонезия, Италия, Канада, Мексика, Хитой, Россия, Саудия Арабистони, АҚШ, Туркия, Франция, ЖАР, Жанубий Корея, Япония, Европа Иттифоқи.

¹³ “Группа двадцати” (G20): состав, цели и хроника встреч // <http://ria.ru> асосида тайёрланди

| | | | |
|---|-------------------------------|----------------------------|---|
| | | | Халқаро Валюта Жамғармасига ўтказилади. |
| 3 | 2009 йил 24-25 сентябрь | Питтсбург (АҚШ) | G20 глобал иқтисодиёт муаммоларини ҳал этиш учун асосий формат бўлиб қолиши ҳақида қарор қабул қилинди. Компанияларнинг топ-менежерлари учун бонусларни чеклаш ҳамда жаҳон молиявий институтлари квоталарини ривожланаётган мамлакатлар фойдасига қайта тақсимлаш тўғрисида келишиб олинди. |
| 4 | 2010 йил 26-27 июль | Торонто (Канада) | G20 аъзолари 2013 йилнинг охиригача савдо ва инвестициялар соҳасидаги протекционистик чораларни, шунингдек, янги экспорт чекловларини киритишни тақиқлаш тўғрисида келишиб олдилар. 2011 йилдан бошлаб бюджет тақчиллигини қисқартириш жараёнларига киришиш, натижада икки йилдан сўнг бюджет тақчиллигини 2 баравар камайтиришга келишилди. Молия институтлари банкротлиги ҳамда банкротлик чоғида солиқ тўловчиларни ҳимоя қилиш тамойиллари қабул қилинди. Коррупция ва унинг жаҳон иқтисодиётига салбий таъсирига қарши курашиш бўйича чоратadbирлар ишлаб чиқишга оид ишчи гуруҳ тузилди. |
| 5 | 2010 йил 11-12 ноябрь | Сеул (Жанубий Корея) | “Валюта урушлари”га қарши чоралар ишлаб чиқилди. Валюта курсларини ҳаддан ортиқ тебранишларига йўл қўймаслик, шунингдек, иқтисодий ўсишни рағбатлантиришга йўналтирилган валюталарнинг рақобатлашув асосидаги девальвациясидан ўзини тийиш тўғрисида қарор қабул қилинди. Савдо ва молиявий протекционизмга йўл қўймаслик борасида келишиб олинди. |
| 6 | 2011 йил 3-4 ноябрь | Канна (Франция) | Жаҳон иқтисодиёти ҳолати, жаҳон валюта-молия тизимини ислоҳ қилиш ва молия бозорларини тартибга солиш, шунингдек, хомашё товарлари нархларининг тебраниши муаммоси кўриб чиқилди. Бандликни таъминлаш, ижтимоий ҳимоя ва коррупцияга қарши курашишни кучайтириш муаммоларига эътибор қаратилди. Грецияни Европа Иттифоқининг кредит бўйича кўмаги юзасидан референдум ўтказишдан воз кечишга мажбур қилиниб, ХВЖ ресурслари ҳажмини кўпайтиришга қарор қилинди. |
| 7 | 2012 йил 18-19 июнь | Лос-Кабос (Мексика) | Молиявий барқарорликни таъминлаш ва иқтисодий инкироз оқибатларини бартараф этиш мақсадида ишлатилиши мумкин бўлган ХВЖ захирасини кўпайтириш учун қўшимча 450 млрд. долл. ажратишга қарор қилинди. |

Манба: Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 2012 йилнинг асосий якунлари ва 2013 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги “Бош мақсадимиз – кенг қўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш” мавзусидаги маърузасини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма. – Т.: “O’qituvchi” НМИУ. - 2013.


Дастлаб бу чора-тадбирлар 2009-2010 йилларда маълум натижа бергандек бўлди. Хусусан, жаҳон иқтисодиётида ўсиш суръатларининг пасайиши тўхтатилди, айрим мамлакатларда ишлаб чиқариш ўсди, инвестицион фаоллик жонланди. Бирок, ушбу чора-тадбирлардаги ўзаро муносиблик даражасининг пастлиги, инқирозга қарши курашиш йўллари ва воситаларини қўллашдаги изчилликнинг йўқлиги уларнинг самарасини кескин пасайтириб юборди, аксарият ҳолларда кўзланган натижаларга эришиш имконини бермади.

2011 йил инқирознинг иккинчи тўлқини бошланиши эҳтимоли билан боғлиқ бозор ваҳималарининг қайтадан кучайиш даври бўлди. Айниқса, евроҳудуддаги қарздорлик инқироzi чуқурлашиб, унинг банк тизими ва иқтисодиётнинг реал секторига тарқалиши кузатилди. Европа сиёсатчилари яқдил бир қарорга келишда сусткашлик ва лаёқатсизликни намоён этишда давом этдилар.

Инвесторлар қарздорлик муаммоларини тартибга солиш мумкинлигига, банкларнинг барқарорлигига ва Европа иқтисодиётининг истиқболларига нисбатан ишончни йўқота бошлади. Ликвид маблағлар бозоридаги танглик ўсиб, борган сари янги мамлакатлар “муаммоли”лар қаторига қўшила бошлади. Ва ниҳоят, Европадаги умумий иқтисодий ўсишдаги пасайиш реал таҳдидга айлана бошлади.

Европа Иттифоқи томонидан ҳудуддаги молиявий инқироз келтириб чиқараётган турли оқибатларни бартараф этишга йўналтирилган институционал механизмларни яратиш борасидаги чора-тадбирларга қарамай 2012 йилда Жанубий Европанинг тўртта мамлакати – Италия, Испания, Португалия ва Грецияда ишлаб чиқаришнинг пасайиши кузатилади. Евроҳудуддаги ЯИМнинг пасайиши 0,3% ни, Европа Иттифоқи бўйича эса 0,2% ни ташкил этади ¹⁴. Ривожланган мамлакатлардаги ЯИМ ўсиш суръатларидаги беқарорлик ҳали жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг салбий таъсирлари давом этаётганлигини кўрсатади (1-расм).

¹⁴Перспективы развития мировой экономики в 2013 году // <http://www.webeconomy.ru>



1-расм. Айрим ривожланган мамлакатларда ЯИМнинг ўсиш суръатлари (олдинги йилга нисбатан фоизда)

Жаҳондаги етакчи мамлакатлар иқтисодий ўсиш суръатларининг беқарорлигига, бир томондан, инқирозга қарши курашиш чоралари бўйича мамлакатлар раҳбарлари ўртасидаги ўзаро яқдилликнинг бўлмаслиги, иқтисодий сиёсатдаги уйғунликка эришмаслик замин яратса, бошқа томондан, йирик иқтисодиётга эга мамлакатларнинг ички сиёсий беқарорлиги ҳам жиддий таъсир кўрсатмоқда. Айниқса, кейинги пайтда мамлакатдаги иқтисодий ўсишни рағбатлантириш мақсадида валюта курсларининг бозор механизмлари орқали эркин шаклланишига турли йўллар билан таъсир кўрсатиш, жумладан, “валюталарнинг рақобатга асосланган девальвацияси” сиёсатининг олиб борилиши оқибатида “валюта урушлари” хавфининг кучайиши каби ҳолатлар ҳам кўзга ташланмоқда. Масалан, 2012 йил ноябрь ойидан бошлаб Япония янги ҳукуматининг дефляция муаммосини ҳал этиш мақсадида ўз иқтисодиётига аҳамиятли даражадаги валюта маблағларининг киритиши иена қувватининг 20% га қадар пасайишига олиб келиб, ушбу ҳолат бошқа мамлакатлар раҳбарларининг норозилигини келтириб чиқарди¹⁵. Шунингдек, АҚШда юзага келиши мумкин бўлган “фискал жарлик” мамлакат бюджет сарфларининг кескин қисқаришига ҳамда ишлаб чиқаришнинг пасайиши

¹⁵ Финансовая G20 объявила перемирие на валютной войне // <http://ria.ru/economy>

эҳтимолини туғдирмоқда. АҚШ жаҳондаги йирик импорт қилувчи мамлакат ҳисобланиши сабабли, ушбу ҳолат жаҳондаги бошқа мамлакатлар иқтисодиётига ҳам салбий таъсир кўрсатиши мумкин¹⁶.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти “2013 йилда жаҳон иқтисодий ҳолати ва истиқболлари” (World Economic Situation and Prospects 2013) мавзусидаги навбатдаги йиллик маърузасини тақдим этди. Мазкур ташкилотнинг баҳосига кўра, МДҲ мамлакатлари иқтисодий кўрсаткичлари пасайиб бориб, бу узоқ муддатли тренд ҳисобланади.

2012 йилда МДҲ мамлакатлари ва Грузиянинг иқтисодий ўсиш суръатлари тахминан 3,8% ни ташкил этиб, бу потенциал кўрсаткичдан анча пастдир. Бунинг асосий сабаби – жаҳон иқтисодиётининг, айниқса, МДҲ мамлакатларининг асосий иқтисодий ҳамкори бўлган Европа мамлакатлари иқтисодиётининг беқарорлигидир¹⁷.

Маълумки, давлатнинг жамият ҳаётининг барча соҳаларидаги ролининг узлуксиз ўсиб бориши, унинг иқтисодий ва ижтимоий вазифаларининг кенгайиши давлат бюджети харажатларининг даромадларга нисбатан ортиб кетиши, яъни бюджет тақчиллигига олиб келади. Бюджет тақчиллигининг вужудга келишига қуйидагилар сабаб бўлади:


- ишлаб чиқаришнинг пасайиб кетиши;
- харажатларнинг ҳаддан ташқари ўсиб кетиши;
- товарлар билан таъминланмаган пул эмиссияси;
- ҳарбий саноат мажмуасини молиялаштириш бўйича сарф-харажатларнинг ўсиши;
- пинҳона иқтисодиёт, унумсиз харажатлар, йўқотишлар ҳажмининг ўсиб бориши ва бошқалар.

Бюджет тақчиллигининг ўзгариши хўжалик конъюнктурасидаги жорий тебранишлар, ишлаб чиқаришдаги даврий инқироз ва юксалишларни ҳам акс эттиради, инқирозлар даврида давлат бюджет маблағлари ҳисобидан иқтисодиётнинг маълум секторларини молиявий таъминлаб туришга,

¹⁶ Перспективы развития мировой экономики в 2013 году // <http://www.webeconomy.ru>

¹⁷ Шохина Е. Всеобщая вялость // <http://expert.ru/2013/01/22/vseobschaya-vyalosti/>

умуммиллий аҳамиятига эга бўлган тармоқларда инвестициялар ҳажмини сақлаб қолишга мажбур бўлади. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқироzi шароитида бюджет тақчиллигининг кучайиш ҳолати айниқса 2010 йилда Ирландия (32 фоиз), Греция (15,4 фоиз), Буюк Британия (11,1 фоиз) сингари мамлакатларда кескин намоён бўлган бўлса, мазкур кўрсаткичнинг 2012 йилда Япония (10 фоиз), АҚШ (8,7 фоиз), Буюк Британия (8,3 фоиз) ва бошқа мамлакатлардаги даражаси ҳамон юқорилигича қолмоқда (2-расм).



2-расм. Айрим мамлакатларда 2012 йил якунида давлат бюджети тақчиллиги даражаси ¹⁸

Бюджет тақчиллигининг кучайиши муқаррар равишда давлат қарзини келтириб чиқаради. Яъни, бюджет тақчиллиги асосан давлат қарзи ҳисобига қопланиб, у ички ва ташқи қарзлардан иборат бўлади. Ички қарз давлатнинг мамлакат ичида заёмлар ва бошқа қимматли қоғозларини чиқариш, бюджетдан ташқари турли фондлар (суғурта фонди, ишсизлик бўйича суғурталаш фонди, пенсия фонди) олинган қарзлардан иборат бўлса, ташқи қарз хорижий давлатлардан, улардаги жисмоний ва юридик шахслардан, шунингдек, халқаро молиявий ташкилотлардан олинган қарз ҳисобланади.

Ташқи қарзнинг меъёридан ошиб кетиши миллий иқтисодиёт ривожига салбий таъсир кўрсатади. Агар ташқи қарз бўйича тўловлар мамлакатнинг товар ва хизматлар экспортидан келадиган тушумнинг сезиларли қисми, масалан, 20-25 фоизидан ошиб кетса, бу ҳолат давлатнинг кредит бўйича

¹⁸ Қуйидаги манба асосида тайёрланди: Дефицит бюджета развитых стран составит 5,9% ВВП в 2012 году и 4,9% – в 2013 году – МВФ // <http://news.mail.ru/economics/10516847/>

рейтингини пасайтириб юборади. Натижада четдан янги қарз маблағларини жалб этиш мушкуллашади. Шунга кўра, давлатлар мунтазам равишда ташқи қарзни тартибга солиш чора-тадбирларини амалга ошириб боради.

Бундай чора-тадбирлар қаторига қуйидагиларни киритиш мумкин: мамлакатнинг олтин-валюта захираси ҳисобидан қарзларни тўлаб бориш; кредиторларнинг қарз тўлов муддатларини ўзгартиришлари, айрим ҳолларда уларнинг маълум қисмидан воз кечишларига эришиш; қарзларни мамлакатдаги кўчмас мулк, қимматли қоғозлар, капиталда иштирок этиш ва бошқа ҳуқуқларни сотиш ҳисобидан тўлаш; халқаро банклар ва бошқа молиявий ташкилотлардан ёрдам олиш ва х.к.

Жаҳондаги 50 та йирик давлатнинг ташқи қарзи 65 трлн. долл.га етди, бироқ бу ҳали сўнгги чегара эмас: Европа комиссиясининг маълумотиغا кўра евроҳудуддаги аксарият давлатларнинг ташқи қарзи фақат ўсиб бормоқда.

Хусусан, Испания, Франция, Греция, Португалия ва Ирландияда 2012-2013 йиллардаги ЯИМга нисбатан қарзнинг кўпайиши кутилмоқда.

Халқаро кредиторлар ташкилоти (WOC) таҳлилчилари ҳолатни ўрганган ҳолда, сўнгги йилларда йирик иқтисодиётга эга мамлакатларнинг ташқи қарзи қисқармай, балки ўсиб бораётганлиги тўғрисидаги хулосага келдилар. Шундай қилиб, ўсиш давлат томонидан иқтисодиётга маблағларнинг, жумладан, норезидентлардан қарз олиш ҳисобига киритилиши билан шартланган. Ташқи қарз ҳажми бўйича мамлакатлар рейтинги етакчилари аксарият ҳолларда ўтган йилги ўринларини сақлаб қолганлар (4-жадвал).

АҚШнинг ташқи қарзи 2011 йил якунлари бўйича ЯИМ ҳажмига тенг бўлди. Бироқ, мазкур кўрсаткич бўйича рейтингни кўриб чиқилса, АҚШ умуман етакчи ўринларда эмас. Ирландиянинг ташқи қарзи мамлакат ЯИМ ҳажмидан 10 баравардан зиёд, Буюк Британияники 4 баравар, Нидерландия ва Гонконгники 3 баравар кўпроқ.

4-жадвал. Ташқи қарз ҳажми бўйича мамлакатлар рейтингги ¹⁹

| 2011 йилдаги ўрни | Мамлакат | 2011 йилдаги ташқи қарз ҳажми, млрд.долл | Йил давомидаги ўзгариш | ЯИМга нисбатан фоизда |
|-------------------|--------------|--|------------------------|-----------------------|
| 1 | АҚШ | 15033 | 8% | 100% |
| 2 | Буюкбритания | 9836 | 10% | 407% |
| 3 | Франция | 5633 | 20% | 203% |
| 4 | Германия | 5624 | 19% | 157% |
| 5 | Япония | 2719 | 11% | 46% |
| 6 | Италия | 2684 | 21% | 122% |
| 7 | Нидерландия | 2655 | 12% | 316% |
| 8 | Испания | 2570 | 19% | 172% |
| 9 | Ирландия | 2352 | 3% | 1081% |
| 10 | Бельгия | 1399 | 13% | 272% |
| 11 | Австралия | 1377 | 9% | 93% |
| 12 | Швейцария | 1346 | 12% | 212% |
| 13 | Канада | 1181 | 17% | 68% |
| 14 | Швеция | 1016 | 19% | 189% |
| 15 | Гонконг | 903 | 20% | 371% |
| ... | | | | |
| 23 | Россия | 519,4 | 6% | 28% |


Фақат Японияда бу кўрсаткич 50% дан паст бўлиб, бироқ бу мазкур мамлакат учун қарз рейтингдаги ягона ижобий ҳолат ҳисобланади. Япониянинг давлат қарзи (ички қарздорликни ҳам ўз ичига олувчи) даражаси ЯИМга нисбатан 226% ни ташкил этади. Бундай юқори кўрсаткич мамлакатда цунами олиб келган талафотларга қарши кураш кўпроқ миллий валютадаги ички молиявий маблағлар ҳисобига олиб борилаётганлиги билан изоҳланади²⁰.

Жаҳоннинг етакчи мамлакатлари учун энг оғир муаммо – бу ишсизликдир. Жаҳон инқирози бошланиши билан замонавий иқтисодиётда бандлар ва ишсизлар ўртасидаги янги нисбатнинг вужудга келганлиги ҳамда юқори даражадаги ишсизлик унинг аломатига айланганлиги тўғрисидаги хулоса барча учун маълум ҳақиқатга айланди. Аслида, бу борадаги аҳвол бир

¹⁹ Манба: Рейтинг стран по объему внешнего долга <http://www.vestifinance.ru/articles/11572>

²⁰ Манба: ўша ерда

хилда эмас. Бир томондан, ишсизлик дастлабки инқироз ҳолатларидан кейин жуда секинлик билан пасаймоқда. Бошқа томондан, жаҳоннинг кўплаб мамлакатлари – Германия, Япония, Марказий ва Шимолий Европа мамлакатларида ишсизлик даражаси инқироздан олдинги даражасига қайтди. АҚШда ишсизлик даражаси жуда секинлик билан, бироқ барқарор равишда пасайиб бормоқда ва ҳозирда 7,7% га қадар тушди. Албатта, АҚШ иқтисодиёти учун “меъёрдаги” ҳисобланган 4-6% даражага тушишгача ҳали узок, бироқ энг юқори 10,1% дан сезиларли даражада фарқ қилади (3-расм).



3-расм. Ривожланган мамлакатларда ишсизлик даражаси

Ишсизлик жаҳондаги кўплаб мамлакатларда яқин бир неча йиллар ичида инқироздан олдинги ҳолатга қайтиши мумкин. Гап шундаки, мазкур инқироз жиддий таркибий силжишлар билан бир вақтда рўй берган бўлиб, унинг бартараф этилиши учун навбатдаги муҳим таркибий ислоҳотлар тақозо этилади. Бу, албатта, ишсизлик даражасининг пасайишини секинлаштиради. АҚШ учун 3-4%, Европа Иттифоқи учун 2,5-3,5% даражасидаги бир неча йиллик барқарор ўсиш ишсизликнинг аҳамиятли даражада пасайиши ҳамда бюджет муаммоларининг ҳал этилишини таъминлайди²¹.

Credit Suisse банки томонидан тайёрланган Global Wealth Report маърузасида жаҳон аҳолиси фаровонлигининг жамланма кўрсаткичи 2011 йилнинг ўрталаридан 2012 йилнинг ўртасига қадар 5,2%, яъни 223 трлн.

²¹Перспективы развития мировой экономики в 2013 году // <http://www.webeconomy.ru/>

долл. миқдорида қисқарганлигини таъкидлайди. Мазкур кўрсаткичнинг бу даражада пасайиши 2007-2008 йиллардан буён биринчи марта қайд этилган²².

ХВЖнинг “Жаҳон иқтисодиётининг ривожланиш истикболлари” маърузасида (2012 йил октябрь) глобал иқтисодиётнинг рецессияга учраши мумкинлиги хавфи ташвишли даражада юқори эканлиги қайд этилади²³.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг “2013 йилда бандликнинг глобал тенденциялари” (Global Employment Trends 2013) сўнгги маърузасига кўра 2012 йилда жаҳондаги ишчи кучининг 6% ишсиз қолди. Шундай қилиб, бутун дунёдаги ишсизлар сони 2012 йилда 4 млн. кишига ўсиб, ишсизларнинг умумий сони 197 млн. кишига етди.

Бу ўринда ёшлар энг кўп азият чекди: 24 ёшгача бўлганларнинг деярли 13% ўзига иш тополмаяпти. Ривожланган мамлакатлардаги барча ишсиз ёшларнинг тахминан 35% олти ой ва ундан кўпроқ муддат давомида ишсиз қолган, бу кўрсаткич 2007 йилда 28,5% эди. “Бу ёшларнинг умри ва истеъдодини беҳудага бой бериш, шунингдек, улар ва жамият учун фавқулодда ҳалокатли ҳолатдир”, дея баҳолайди ХМТ раҳбари Гай Райдер.

Аксарият мамлакатларда ишсизлик инқироздан олдинги даражада қайта тиклангани йўқ. ...Жаҳондаги ривожланган мамлакатлар молиявий инқирознинг маркази ҳисобланиб, энг кўп зарар кўрганлар қаторида бўлди. Инқироз бошлангандан буён ишсизлик умумий ўсишининг ярми – 28 млн. кишилиқ ишсизлар сони айнан шу мамлакатларга тўғри келади. Айни пайтда ривожланаётган мамлакатлар ривожланган мамлакатлардаги рецессияга қараганда икки баравар кўпроқ зарар кўрдилар. Агар ривожланган мамлакатлар 2012 йилда 1 млн.га яқин иш ўринларини йўқотган бўлса, бошқа минтақаларда деярли 3 млн.га яқин иш ўринлари йўқотилди. Айниқса Шарқий ва Жанубий Осиё давлатлари, шунингдек, Африка мамлакатлари ишсизликдан кучли талафот кўрди.

²² Благостояние населения мира снизилось за последний год, в России самое неравномерное распределение доходов — Газета. Ру | Финансы // <http://www.gazeta.ru/financial/2012/10/10/4807489.shtml>

²³ МВФ: мировой экономике грозит рецессия — Газета.Ру | Финансы // <http://www.gazeta.ru>

Шундай ҳолатда, ХМТнинг прогнозларига кўра, ишсизлик даражаси 2013 йилда бутун дунёда янада ошади. Ташкилот экспертларининг фикрича, 2013 йилда дунё бўйича тахминан 202 млн. киши ишсизлар қаторидан жой олади. 2013 йилда қўшимча равишда 5 млн. киши, 2014 йилда эса 3 млн. киши ишсиз қолиши мумкин.

Бу борада энг оғир аҳвол Европа жанубида – Греция, Испания, Португалия ва Италияда кузатилиб, ишсизлик даражаси 25% га, ёшлар ўртасидаги ишсизлик даражаси эса 50% га қадар етмоқда. Энг ёмони, ишсизлик тобора сурункали кўринишга ўтиб бормоқда, яъни кишилар кўплаб ойлар давомида иш тополмай қийналмоқдалар. Бу эса табиий ҳолда ижтимоий норозиликка олиб келмоқда. Бу борада курашнинг ягона усули – дастлаб иқтисодиётни давлатнинг рағбатлантириш дастурлари ҳамда бир вақтнинг ўзида таркибий ўзгартириш орқали жонлантириб олиш ҳисобланади. Рағбатлантириш дастурлари таркибий ислохотларни амалга ошириш даврида вақтинча “оғрикни пасайтирувчи” восита бўлиб хизмат қилади²⁴.

1-бобнинг қисқача хулосаси

«**Инвестициялар**» деганда келгуси фойда (даромад) олиш ёки ижтимоий самарага эришиш мақсадида иқтисодиётнинг турли тармоқларига инвесторлар томонидан узоқ муддатга қўйиладиган барча турдаги мулкӣ, молиявий ва интеллектуал бойликлар тушунилади.

Инвестициялар ким томонидан киритилишига қараб ички ва ташқи инвестицияларга бўлинади. **Ички инвестициялар** – бу мамлакат ҳудудида ички инвесторлар томонидан амалга ошириладиган инвестициялар ҳисобланади. **Ташқи инвестициялар** – бу фойда олиш мақсадида чет эл инвесторлари томонидан бошқа давлат иқтисодиётига қўйиладиган инвестициялардир.

²⁴ Королева А. Работы все меньше // <http://expert.ru/2013/01/23/rabotyi-vse-menshe/>

Инвестициялар иқтисодий категория сифатида катор функцияларни бажарадики, уларсиз ҳар қандай давлатнинг иқтисодиётини нормал ривожлантириш мумкин эмас.

Республикада сиёсий, иқтисодий шароитнинг мавжудлиги, яъни қулай инвестиция муҳитининг яратилганлиги ва хорижий капитални қабул қилиш тизимининг самарали эканлиги хорижий инвестицияларни жалб қилишнинг зарурий шарти ҳисобланади.


Республика иқтисодиётига хорижий инвестицияларни жалб қилишнинг зарурлиги ишлаб чиқариш қувватларининг жисмоний ва маънавий эскирганлиги, уларнинг қайта тиклашга ёки техник жиҳатдан қайта жиҳозлашга ёки умуман, янгилашга оид бўлиб қолганлиги; саноат тармоғида моддий техника базасининг ўта пастлиги ва кўпгина зарар кўриб ишлайдиган корхоналарнинг мавжудлиги; республика миллий даромадида жамғариш билан истеъмол ўртасидаги нисбатнинг истеъмол томонга кўплаб сарфланаётгани ва жамғаришнинг инвестиция манбаи сифатида камайиб бораётганлиги; Ўзбекистоннинг табиий ресурсларга бойлиги; аҳоли сонининг ўсиб бораётганлиги ва кичик замонавий ихчам корхоналарни барпо этиш ва уларни қишлоққа яқинлаштириш зарурлиги; республика экспортида хом ашё салмоғини камайтириш ва кўплаб тайёр маҳсулотлар чиқариш имкониятига эга бўлишлиги билан изоҳланади.

Президентимиз жаҳон молиявий инқирози рўй берган дастлабки палладаёқ унинг таъсир даражаси, кўлами ва келтириб чиқариши мумкин бўлган салбий оқибатларига етарли баҳо бериб, “жаҳон молиявий инқирозидан имкон қадар тез чиқиш, унинг оқибатларини енгиллаштириш кўп жиҳатдан ҳар қайси давлат доирасида ва умуман, дунё ҳамжамияти миқёсида қабул қилинаётган чора- тадбирларнинг қанчалик самарадорлигига, уларнинг бир-бири билан уйғунлигига боғлиқ” деб хулоса чиқарган эди. Бундай ҳаққоний хулосалар асосида Ўзбекистонда 2008 йилнинг ўзида Инқирозга қарши чоралар дастури ишлаб чиқилиб, унда белгиланган тадбирларни изчил равишда амалга оширишга киришилди.

2-БОБ. ЖАҲОН МОЛИЯВИЙ ИҚТИСОДИЙ ИНҚИРОЗДАН КЕЙИНГИ ДАВРДА ЎЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИЁТИНИ МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШ ЖАРАЁНИДА ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИНГ ЎРНИ ТАҲЛИЛИ

2.1. Жаҳон молиявий инқироздан кейинги даврда Ўзбекистон иқтисодиётида чет эл инвестицияларининг тутган ўрни

Юқорида баён этилган глобал жаҳон иқтисодиётидаги жиддий муаммолар ҳамда уларнинг дунёдаги кўплаб мамлакатлар қаторида бизнинг республикамиз иқтисодиётига ҳам кўрсатаётган салбий таъсирига қарамадан, 2012 йилда юқори ва барқарор ўсиш суръатларини сақлаб, макроиқтисодий барқарорлик ва мутаносибликни таъминланди (4-расм).



4-расм. Ўзбекистонда ялпи ички маҳсулотнинг йиллар давомида ўсиш динамикаси, фоизда ²⁵

Расмдан кўринадикки, агар мамлакатимизда ЯИМнинг ўсиш суръатлари 2000-2003 йилларда 3,8-4,2 фоиз, 2004-2006 йилларда 7-7,3 фоиз, 2007-2008 йилларда эса 9-9,5 фоиз даражасида кузатилган бўлса, кейинги йилларда жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози мазкур кўрсаткичга ҳам ўз таъсирини кўрсатиб, ўсиш суръатларида бир оз пасайиш рўй берди.

Ўтган йилда эришилган муҳим ижобий натижалар қаторида Президентимиз ташқи қарз даражасининг пастлигига алоҳида эътибор

²⁵ Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари

каратиб, жумладан, қуйидагиларни таъкидлади: “Бугунги кунда, дунёнинг кўплаб мамлакатларида давлат қарзининг ортиб бориши билан боғлиқ муаммолар сақланиб қолаётган бир шароитда, Ўзбекистонимиз четдан қарз олиш бўйича пухта ўйланган сиёсат олиб бориши натижасида давлатимиз қарз ҳажмининг улушини нисбатан паст даражада ушлаб қолишга ва ўз мажбуриятларига тўлиқ жавоб берадиган мамлакат сифатида барқарор обрў-эътиборини сақлаб қолишга эришди. 2013 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, Ўзбекистоннинг жами ташқи қарзлари миқдори ялпи ички маҳсулотга нисбатан 16,0 фоиздан ошмагани, бу кўрсаткич эса халқаро мезонлар бўйича “ўртачадан ҳам кам” даражада баҳолангани буни исботлаб бермоқда”²⁶.

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози ҳукм сураётган бир пайтда эришаётган ютуқларимизни таъминлашда корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш ҳамда замонавий, юксак технологияларга асосланган янги ишлаб чиқаришни ташкил этиш борасида фаол инвестиция сиёсатининг юритилаётганлиги муҳим омил бўлмоқда. 2012 йилда мамлакатимизнинг юқори суръатлар билан барқарор ўсишини таъкидлар эканмиз, бунинг боиси ва омилини авваламбор иқтисодиётимизга йўналтирилган капитал маблағлар, инвестициялар тобора ўсиб бораётганида, бу кўрсаткич ялпи ички маҳсулотга нисбатан 22,9 фоизни ташкил этганида, деб ҳисоблашимиз зарур.²⁷

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, Ўзбекистон иқтисодиётига жалб этилаётган турли шаклдаги инвестициялар оқими йилдан-йилга ошиб бормоқда (5-жадвал).

²⁶ Бош мақсадимиз – кенг қўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ҳамда 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси // “Халқ сўзи” газетаси, 2013 йил 19 январь.

²⁷ И.А. Каримов. Бош мақсадимиз – кенг қўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш. //Халқ сўзи. 19.01.2013.

5-жадвал. Ўзбекистонга киритилган хорижий инвестицияларнинг хажми

| Йиллар | Киритилаётган инвестициялар хажми, млн. АҚШ доллари |
|---------------|--|
| 2000 | 24,9 |
| 2001 | 96.5 |
| 2002 | 80.1 |
| 2003 | 166.7 |
| 2004 | 333.8 |
| 2005 | 545.5 |
| 2006 | 683.8 |
| 2007 | 768,4 |
| 2008 | 1258 |
| 2009 | 2264 |
| 2010 | 3107,9 |
| 2011 | 3832,4 |
| 2012 | 3718,65 |

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари

Молиялаштириш манбалари таркибига тўхталадиган бўлсак, инвестицияларнинг молиявий манбалари таркибий тузилишида ҳам сезиларли ўзгаришлар рўй берди (6-жадвал).

6-жадвал. 2005-2012 йилларда инвестициялар таркибининг ўзгариши (фоизда)

| Молиялаштириш манбалари | 2005 й. | 2006 й. | 2007 й. | 2008 й. | 2009 й. | 2010 й. | 2011 й. | 2012 й. |
|--------------------------------|----------------|----------------|----------------|----------------|----------------|----------------|----------------|----------------|
| Давлат бюджети | 12,7 | 10,7 | 9,0 | 9,0 | 8,1 | 7,4 | 5,1 | 4,5 |
| Чет эл инвестициялари | 19,2 | 19,0 | 22,8 | 25,8 | 32,4 | 28,8 | 25,3 | 25,5 |
| Корхоналар ва аҳоли маблағлари | 60,3 | 60,0 | 59,0 | 53,9 | 46,9 | 47,3 | 49,0 | 42,6 |
| Бошқа манбалар | 7,8 | 10,3 | 9,2 | 11,3 | 12,6 | 16,5 | 20,6 | 27,4 |

Манба: Ўзбекистон Республикаси ДСҚ маълумотлари

Жадвал маълумотларидан кўринадики, инвестицияларнинг молиявий манбалари таркибида давлат бюджетининг улуши 2005 йилдаги 12,7 фоиздан 2012 йилда 4,5 фоизга қадар пасайган. Чет эл инвестицияларининг улуши эса, аксинча, 19,2 фоиздан 25,5 фоизга қадар кўтарилган. 2012 йилда умумий

инвестициялар ҳажмида давлат бюджети маблағлари 4,5 фоиз; чет эл инвестициялари 25,5 фоиз; корхоналар ва аҳоли маблағлари 42,6 фоизни ташкил этган.

Давлатимизнинг иқтисодий сиёсати кўпроқ тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб қилишга ва уни рағбатлантиришга қаратилган. Чунки мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотлар доирасида айнан инвесторларнинг ўзлари бевосита иштирок этиши ҳисобга олинган ва бунинг учун етарлича шарт-шароитлар мавжуд. Айниқса, республика минтақаларидаги бой минерал-хомашё ресурслари, етарли миқдордаги малакали ишчи кучлари, соғлом атроф-муҳит, сиёсий, ижтимоий-иқтисодий барқарорлик шулар жумласига киради.

Иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни янада чуқурлаштириш, корхоналарнинг инвестиция фаолиятини жадаллаштириш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта қуроллантириш дастурларини амалга оширишда хорижий инвестициялар, аввало, тўғридан-тўғри инвестицияларнинг ўрни беқиёсдир. Бунда илғор технологияларни татбиқ этиш, янги иш ўринлари яратиш ва шу асосда мамлакатимиз иқтисодиётининг барқарор ва бир маромда ривожланишини таъминлаш имконияти яратилади.

2012 йилда иқтисодиётимизга 11 миллиард 700 миллион доллар миқдорида ички ва хорижий инвестициялар жалб этилди ёки бу борадаги кўрсаткич 2011 йилга нисбатан 14 фоизга ўсди. Жами инвестицияларнинг 22 фоиздан ёки 2 миллиард 500 миллион доллардан ортиғини хорижий инвестициялар ташкил этди, уларнинг 79 фоиздан кўпроғи тўғридан-тўғри хорижий инвестициялардир. Эътиборга сазовор томони шуки, жами инвестицияларнинг қарийб 74 фоизи ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва янгилашга қаратилган дастур ва лойиҳаларни амалга оширишга йўналтирилди.²⁸

²⁸ И.А. Каримов. Бош мақсадимиз – кенг қўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш. //Халқ сўзи. 19.01.2013.


7-жадвал. 2012 йил давомида республикамиз иқтисодиётига жалб қилинган хорижий инвестиция ва кредитлар

| | |
|--|---------|
| Жалб қилинган хорижий инвестициялар умумий миқдори (млн.долл): | 3718,65 |
| I. Давлат инвестиция дастури доирасида жами | 3277,55 |
| - Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар; | 2526,56 |
| - Хукумат кафолати остидаги хорижий кредитлар. | 750,99 |
| II. Худудий инвестиция дастури доирасида: (<i>тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар</i>) | 441,1 |

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари

Ривожланган давлатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, чет эл инвестицияси жалб қилиниши мазкур давлатларнинг юксак даражада тараққий этишида ҳал қилувчи омиллардан бири бўлган. Қуйида берилган диаграммада мамлакатимизга жалб қилинган ва жалб қилиниши режалаштирилаётган хорижий инвестициялар, шунингдек, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни йиллар бўйича ўзгариш суръати келтирилган (5-расм).

Расмдан кўриниб турибдики, 2011 йилда хорижий инвестициялар ҳажми 3832,4 миллион АҚШ долларни ташкил этган. Бу кўрсаткич 2010 йилдагидан қарийб 1074,97 миллион АҚШ доллар кўп эканини кузатиш мумкин. 2012 йилда хорижий инвестициялар ҳажми 3277,55 миллион АҚШ долларни ташкил этган бўлса, булардан 2526,56 миллион АҚШ доллари тўғридан-тўғри хорижий инвестициялардир, яъни 79 фоиздан кўпроғи демакдир.



5-расм. 2008-2013 йиллар давлат инвестиция дастурлари доирасида тўғридан-тўғри хорижий сармояларнинг ўзлаштириш динамикаси (млн. АҚШ долл.)²⁹

Бизга маълумки тўғридан тўғри инвестициялар асосан хорижий капитал иштирокидаги корхоналарни ташкил этиш орқали йўналтирилади. Шу сабабдан юртимизда хорижий инвестицияларни кенг кўламда жалб қилиш ва инвестицион фаолиятни рағбатлантириш орқали кўшма корхоналарни барпо этиш ҳамда улар фаолиятини ривожлантиришга иқтисодий ривожлантиришнинг асосий омили сифатида қаралмоқда.

Хорижий инвестициялар иштирокидаги янги корхоналар сонининг тобора ортиб бориши ва янгилари барпо этилаётгани давлатимизнинг бу соҳага бўлган катта эътибори ва уларга яратиб бераётган қулайликлари

²⁹ Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 2012 йилнинг асосий якунлари ва 2013 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги “Бош мақсадимиз – кенг кўламда ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш” мавзусидаги маърузасини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма. – Т.: “O’qituvchi” НМИУ. 2013.


натижасидир. Шу боисдан ҳам мамлакатимизга хорижий сармояларни жалб этаётган корхоналарни иқтисодий рағбатлантириш ва улар учун зарур шароитларни яратиб бериш ўта муҳим масалалардан бири ҳисобланади.

8-жадвал. Хорижий сармоялар иштирокидаги корхоналар

| | |
|--|---------|
| Жами корхоналар сони шу жумладан: | 4667 та |
| 2012 йилда янгидан ташкил этилган корхоналар сони | 486 та |
| Фаолият юритаётган корхоналар сони | 4283 та |
| Ташқи иқтисодий фаолият билан шуғулланаётган корхоналар сони | 1600 та |
| Фаолият кўрсатмаётган корхоналар сони | 384 та |

Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, кўпгина хорижий инвесторлар ўз сармояларини биринчи навбатда иқтисодиёти ўз ички имкониятлари асосида изчил ва барқарор ривожланаётган мамлакатларга йўналтиради. Давлатимизда эса ривожланишнинг айнан мана шундай йўналиши танланган бўлиб, сўнгги йилларда кириб келаётган хорижий сармояларнинг ортиб бораётганлиги бу борадаги ишларнинг барчаси тўғри йўлга қўйилганлигидан далолат беради.

Бугунги кунда фаолият кўрсатаётган хорижий сармоялар иштирокидаги корхоналарнинг энг кўп улуши саноат тармоқларига тўғри келади. Мамлакатимизда ташкил этилаётган қўшма корхоналарни салмоқли қисми асосан ёқилги энергетика, кимё, нефт ва газни қайта ишлаш, тўқимачилик ва енгил саноат, машинасозлик, металлургия, телекоммуникация, озиқ-овқат ва қурилиш материаллари саноатига тўғри келмоқда. Бугунги кунда улар ялпи ички маҳсулотимизнинг сезиларли қисмини ташкил этади. Бунини натижасида инвестицияларнинг ўсиш сурати ва уларнинг ЯИМдаги улуши ортиб бормоқда.



6-расм. Ўзбекистон Республикасида фаолият юритаётган хорижий сармоялар иштирокидаги корхоналар (соҳалар кесимида)

Сўнгги 10 йил мобайнида машинасозлик соҳасининг ишлаб чиқариш ҳажми бу корхоналарнинг умумий маҳсулотига 31%дан 39%гача ошган. Бунга сабаб мамлакатимизда автомобилсозлик ва унга хизмат қилувчи тармоқлар жадал суръатда ривожланиб бораётганлигидадир. Хусусан охириги ўн йилнинг ўзида енгил автомобиллар ишлаб чиқариш 7,1 баробар, автобуслар 2.6 баробар ва юк автомобиллари тайёрлаш 12.9 баробарга ошди. Қолаверса бу соҳада янги турларни жорий этиш, уларни экспорт қилиш имкониятини янада кенгайтириш ва бутловчи қисмларни етказиб бериш бўйича ташкил этилаётган хорижий сармоялар иштирокидаги корхоналар сони ҳамда бу соҳага киритилаётган хорижий инвестициялар ҳажми тобора ортиб бормоқда. Қолган ўринларда савдо, алоқа, транспорт ва турли фаолиятларни ўз ичига олган қўшма корхоналар бормоқда. Бу ҳолат хорижий сармоялар иштирокидаги корхоналарни ташкил этишда диверсификация кузатилиши эҳтимолини беради.

Чет эл инвестициялари иштирокида қўшма корхоналарни ташкил этилиши натижасида миллий иқтисодиётидаги бир қатор иқтисодий ижтимоий муаммолар ўз ечимини топмоқда. Жумладан:

- ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, янги илғор технологиялар билан жиҳозлаш асосида ишлаб чиқариш даражасини ўсиб бораётганлиги;

- ишлаб чиқарилган маҳсулот (кўрсатилган хизмат)ларнинг сифатини такомиллашиб, уларнинг жаҳон бозоридаги рақобатбардошлигини ошиб бораётганлиги;

- аҳолининг меҳнатга лаёқатли қисмини иш билан бандлигини таъминланиши ҳамда иқтисодий даромадларини кўпайиши;

- экспорт ҳажмини ошириш натижасида валюта тушумларини кўпайиб бораётганлиги;

- энг асосийси эса бюджетга тўлайдиган солиқлар, ижара мажбуриятлари ва бошқа тўловлар ҳисобига бюджет даромадларини оширишга эришилмоқда.

Мамлакатимиз эса йилдан йилга хомашё ва ресурслар экспортини камайтириб, уларни тайёр маҳсулот сифатида жаҳон бозорига олиб чиқиш суратини оширишга ҳаракат қилмоқда.

Хорижий инвестицияли корхоналар фаолиятига хос бўлган жихатлардан бири уларнинг ташқи иқтисодий фаолият билан фаол шуғулланиб келаётганлигидир. Ушбу корхоналарнинг ташқи савдо айланмаси ўтган давр мобайнида 6,5 баробарга яхшиланган. Шунингдек, улар томонидан рақобатбардош тайёр маҳсулот салмоғининг ўсиб, мамлакатимиз экспорт таркибида улуши ортиб бормоқда. Хусусан бугунги кунда 28.8% хорижий сармоялар иштирокидаги корхоналар ҳиссасига тўғри келади. Бу корхоналарнинг экспорт қилган маҳсулотлари таркиби асосан озиқ-овқат, саноат ва тўқимачилик маҳсулотларидан иборат.

Мамлакатимизга бу тарзда сармоя оқиб келаётганлиги эса хорижий инвесторлар республикамизда амалга оширилаётган кенг кўламдаги демократик ва бозор ислохотларининг тўғрилиги ва самарадорлигини тан олаётганлигининг тасдиғидир. Гарчи бу ҳолат миллий иқтисодиётимиз ривожланиши ва аҳоли турмуш фаровонлигининг ошишига мустаҳкам замин

яратаётган бўлсада, бу жараёни янада такомиллаштириш бугунги куннинг асосий вазифаси бўлиб қолмоқда.

Юқоридаги фикр-мулоҳазалардан хулоса қилиш мумкинки, кейинги йилларда глобал жаҳон иқтисодиётида ҳали-бери сақланиб қолаётган жиддий муаммоларга қарамасдан, Ўзбекистонда олиб борилаётган самарали иқтисодий сиёсат ҳамда халқимизнинг фидокорона меҳнати эвазига жуда катта ижобий натижалар қўлга киритилмоқда, иқтисодиётимизда жиддий таркибий ва сифат ўзгаришларига эришилмоқда. Буларнинг барчаси пировардида халқимиз турмуш фаровонлигининг ўсишига, мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятидаги ўз ўрни ва мавқеининг тобора мустаҳкамланиб боришига мустаҳкам замин яратмоқда.

2.2. Иқтисодиётни модернизация қилиш жараёнида фаол инвестиция сиёсатини амалга ошириш

Иқтисодиётни модернизация қилишга қаратилган инвестиция сиёсати 2009-2012 йилларга мўлжалланган Инқирозга қарши чоралар дастурининг муҳим қисми сифатида изчил амалга оширилмоқда. Президентимиз таъкидлаганидек, “Эндиликда барчамиз бир ўткир ҳақиқатни яхши англаб олмоқдамиз. Жаҳон бозорида рақобат тобора кескинлашиб бораётган ҳозирги шароитда мавжуд корхоналарни реконструкция қилмасдан, замонавий, илғор ва юксак технологик ускуналар билан жиҳозланган корхоналар ташкил қилмасдан туриб, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни мунтазам янгиламасдан туриб, иқтисодиётимиз келажагини, бинобарин, аҳоли фаровонлигини юксалтиришни таъминлаш мумкин эмас”.³⁰

Мамлакатимизда чуқур ўйланган ҳолда ишлаб чиқилган ҳамда изчил равишда олиб борилаётган самарали иқтисодий сиёсат натижасида шаклланган омиллар жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози рўй бераётган

³⁰ Каримов И.А. “Инсон манфаатлари устуворлигини таъминлаш – барча ислохот ва ўзгаришларимизнинг бош мақсадидир». «Халқ сўзи» газетаси, 2008 йил 9 феврал.

шундай мураккаб шароитда ҳам ЯИМнинг юқори ва барқарор ўсиш суръатларини сақланиб қолишини таъминламоқда (7-расм).



7-расм. Ўзбекистон иқтисодиётининг юқори ўсиш суръатларини таъминлаётган омиллар ³¹

Улар орасида корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш ҳамда замонавий, юксак технологияларга асосланган янги ишлаб чиқаришни ташкил этиш борасида фаол инвестиция сиёсатининг юритилаётганлиги муҳим омил бўлмоқда.

Миллий иқтисодиётга жалб қилинаётган хорижий инвестициялар иқтисодиётни модернизациялашда муҳим ҳисобланади. Чунки хорижий инвесторлар ўзлари билан нафақат валюта, балки юқори даражадаги технологияни ҳам олиб киради. Иқтисодиётнинг реал секторига инвестицияларни амалга ошириш орқали қуйидаги ижтимоий-иқтисодий самараларга эришилади:

- ❖ ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш миқдор ва сифат жиҳатдан ўсади;
- ❖ ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш миқдорининг ўсиши давлат бюджетига тушаётган солиқ тушумларининг кўпайишига олиб келади;

³¹ Қуйидаги манба асосида тайёрланди: ЎзР Марказий Банки расмий сайти – <http://www.cbu.uz/uzc/node/39959>

❖ ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш самарадорлигининг ошиши иш ҳақининг ортишига ва аҳоли фаровонлигининг юксалишига хизмат қилади;

❖ жаҳон талабларига жавоб берадиган рақобатбардош ишлаб чиқариш орқали мамлакатнинг экспорт салоҳияти ўсади³².

Юқорида қайд этилган омиллар таъсирида 2012 йилда мамлакатимизда ЯИМнинг реал ўсиши 2011 йилга нисбатан 8,2 фоизни ташкил қилиб, унинг мутлақ ҳажми 96,6 трлн. сўмга тенг бўлди. Мамлакатимиз ЯИМ ўсиш суръатларининг барқарорлигини таъминлашда иқтисодиётдаги етакчи тармоқларнинг юқори ўсиш суръатлари мустаҳкам замин тайёрламоқда (9-жадвал).

9-жадвал. Ўзбекистонда иқтисодиётнинг асосий тармоқ ва соҳаларидаги ўсиш суръатлари, фоизда

| Кўрсаткич | 2007 йил | 2008 йил | 2009 йил | 2010 йил | 2011 йил | 2012 йил |
|--|---------------------|---------------------|---------------------|---------------------|---------------------|---------------------|
| Саноат ишлаб чиқариши | 12,1 | 12,7 | 9,0 | 8,3 | 6,3 | 7,7 |
| Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш | 6,1 | 4,5 | 5,7 | 6,8 | 6,6 | 7,0 |
| Чакана савдо айланмаси | 21,0 | 7,2 | 16,6 | 14,7 | 16,4 | 13,9 |
| Аҳолига пуллик хизматлар кўрсатиш | 20,6 | 21,3 | 12,9 | 13,4 | 16,1 | 14,2 |

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси

Жадвалдан кўринадикки, юқорида баён этилган мураккаб ва қийин шароитда ҳам иқтисодиётнинг асосий тармоқ ва соҳаларида иқтисодий ўсишнинг юқори ва барқарор суръатлари сақланиб қолмоқда. Жумладан, 2012 йилда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш умумий ҳажми 2011 йилга нисбатан 7,7 фоизга ошди ва 50,7 трлн. сўмни ташкил этди. Қишлоқ

³²Қаландаров Р. “Биржа Эксперт” журнали. 2012 йил, № 6.

хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажми ўтган йилга нисбатан 7,0 фоизга ошиб, 24,4 трлн. сўмни ташкил қилди. Ўтган йилда кўрсатилган хизматлар ҳажми 14,2 фоизга ўсиб, унинг ЯИМ таркибидаги улуши 52,0 фоиздан зиёдни ташкил қилди. Ички талабни рағбатлантириш борасида амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида ўтган йилда чакана товар айланмасининг 2011 йилга нисбатан 13,9 фоизга ўсиши кузатилди.

Бугунги кунда юртимизда фаолият кўрсатаётган корхоналарни жадал модернизация қилиш ва техник қайта жиҳозлашни таъминлаш, юксак технологиялар асосида ишлайдиган автомобилсозлик ва газ-кимё, электр техникаси ва тўқимачилик, озиқ-овқат ва фармацевтика, ахборот ва телекоммуникациялар тармоғи ҳамда бошқа йўналишлардаги янги ва замонавий ишлаб чиқариш қувватларини ташкил этишга қаратилган фаол инвестиция сиёсатини юритишга устувор аҳамият берилмоқда.

Шу борада фақат 2012 йилнинг ўзида умумий қиймати 1 миллиард 600 миллион доллардан ортиқ бўлган капитал қўйилмалар ўзлаштирилиб, 205 та йирик инвестиция объекти куриб битказилди.

2012 йилда қурилиши ниҳоясига етказилган энг йирик объектлар ҳақида гапирганда, Навоий иссиқлик электр станциясида Япониянинг “Мицубиси” компанияси томонидан ишлаб чиқарилган 478 мегавольт қувватга эга бўлган буғ-газ қурилмасининг ишга туширилганини алоҳида қайд этиш лозим.³³

Ушбу лойиҳанинг амалга оширилиши йилига қўшимча равишда 2 миллиард 800 миллион киловатт соат электр энергияси ишлаб чиқариш имконини беради. Шунингдек, бу лойиҳа ҳисобидан шартли ёқилғи истеъмолини 1,8 марта камайтиришга, ҳар йили 400 миллион куб метр газни тежаш ёки 110 миллион доллардан ортиқ маблағни иқтисод қилишга эришамиз.

³³ Бош мақсадимиз – кенг қўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ҳамда 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси // “Халқ сўзи” газетаси, 2013 йил 19 январь.

Автомобиль саноатида Германиянинг дунёга машҳур “МАН” компанияси билан ҳамкорликда Самарқанд вилоятида йилига 3 мингта юк автомобили ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган янги комплексни бунёд этишнинг иккинчи босқичи якунланди.

Ушбу корхонада жаҳондаги энг юксак стандартлар асосида жиҳозланган юқори технологик ишлаб чиқариш ташкил этилди. Айтиш керакки, катта ҳажмдаги юкларни ташийдиган энг замонавий автомобиллар ишлаб чиқарадиган мазкур корхона нафақат мамлакатимиз эҳтиёжини қоплайди, балки бу машиналарни экспорт қилишни ҳам таъминлайди.

Муборак газни қайта ишлаш заводида 258 минг тонна суюлтирилган газ ва 125 минг тонна конденсат ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган заводнинг биринчи навбати фойдаланишга топширилди, “Шўртаннефтгаз” корхонасида эса пропан-бутан қоришмаси асосида 50 минг тонна суюлтирилган газ ишлаб чиқарадиган қурилма ўрнатилди.

Яна бир йирик лойиҳа – умумий қиймати 250 миллион доллардан ортиқ бўлган Деҳқонобод калийли ўғитлар заводининг иккинчи навбатини қуриш ишлари давом эттирилмоқда. Бу борадаги ишлар якунига етгач, корхонада йилига 600 минг тоннагача калийли ўғит ишлаб чиқариш имкони пайдо бўлади ва бу маҳсулотнинг 350 минг тоннадан кўпроғи экспорт қилинади.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, 2012 йилда Сурғил кони базасида ҳатто дунё мезонлари бўйича ҳам ноёб бўлган, қиймати 25 миллиард доллардан зиёдни ташкил этадиган Устюрт газ-кимё комплекси қурилиши бошланди. Мазкур объектнинг қурилиши 2016 йилда ниҳоясига етказилади ва бу корхона 4 миллиард 500 миллион куб метр табиий газни қайта ишлаш, 400 минг тонна полиэтилен ва 100 минг тонна полипропилен ишлаб чиқариш имконини беради.

Ушбу лойиҳа технологик жиҳатдан дунёдаги энг илғор лойиҳалардан бири бўлиб, энг юксак даражадаги газ-кимё технологияларини жорий этишни кўзда тутди. Бу, ўз навбатида, табиий газдан 97 фоизгача этан, пропан ва бошқа қимматбаҳо компонентларни ажратиб олишни таъминлайди.

Мазкур лойиҳада етакчи хорижий банклар консорциуми, давлат кафолатларини жалб этмаган ҳолда, лойиҳаларни молиялаштириш принциплари асосида иштирок этмоқда.

Дунёдаги йирик “Томсон Рейтер” бизнес-ахборот агентлигининг молия соҳасидаги жаҳонга машҳур “Прожект файненс интернешнл” журнали ушбу лойиҳанинг ноёблиги ва ишга новаторлик билан ёндашиш натижаси эканини қайд этиб, Устюрт газ-кимё комплекси қурилишини нефть-газкимё саноатидаги йилнинг энг яхши лойиҳаси, деб тан олди. Бу, ҳеч шубҳасиз, барчамизга катта мамнуният бағишлайди.


2012 йилда Жанубий Африканинг “Сосол” компанияси ва Малайзиянинг “Петронас” корпорацияси билан ҳамкорликда қиймати 4 миллиард доллардан зиёдни ташкил этадиган, тозаланган метан асосида синтетик суюқ ёқилғи ишлаб чиқариш бўйича катта истиқболга эга бўлган йирик лойиҳани амалга ошириш бошланди.

Ушбу лойиҳа асосида барпо этиладиган завод дунёдаги санокли корхоналардан бири бўлиб, у синтетик суюқ ёқилғи – суюлтирилган газ, авиакеросин ва “премиум класс” тоифасидаги, яъни евро-4 стандартидан кам бўлмаган дизель ёқилғиси ишлаб чиқаради.

2012 йил Давлат инвестиция дастури доирасида жалб қилинган хорижий инвестицияларнинг энг кўп улуши – 55,5 % нефт-газ тармоғига тўғри келади, кейинги ўринларда алоқа, ахборотлаштириш (7,4%), энергетика (5,0 %) тармоқлари туради (8-расм).

Иқтисодиётдаги таркибий ислохотларни янада чуқурлаштириш, корхоналарнинг инвестицион фаолиятини янада жонлантириш, хорижий инвестицияларни, аввало тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни кенг жалб этиш ва улардан самарали фойдаланиш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта қуроллантириш, янги иш ўринларини шакллантириш ва шу асосда миллий иқтисодиётимизни барқарор ва жадал ривожлантиришни таъминлаш мақсадида республика бюджетидан катта миқдорда маблағлар ажратилмоқда.

2012 йил Давлат инвестиция дастури доирасида ўзлаштирилган хорижий инвестициялар ва кредитлар тармоқ таркиби



4

8-расм. 2012 йил Давлат инвестиция дастури доирасида ўзлаштирилган хорижий инвестициялар ва кредитлар тармоқ таркиби ³⁴

2012 йилнинг инвестиция дастури прогноз кўрсаткичларини таҳлил қиладиган бўлсак, жами капитал қўйилмалар 23 679 70 миллион сўмни ташкил этиши режалаштирилган. Бу ўтган йилга нисбатан 14,2 фоизга кўп демакдир. Режа бўйича марказлашган инвестициялар умумий капитал қўйилмаларнинг 24,2 фоизини, марказлашмаган инвестициялар эса 75,8 фоизни ташкил қилиши белгилаб қўйилган. 2012 йилда сўм қийматида тўғридан-тўғри хорижий инвестиция ва кредитларнинг ажратилиши 4 340 656 миллион сўмни ташкил этиши режалаштирилган эди (10-жадвал).


³⁴ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари

10-жадвал. Ўзбекистон Республикасининг 2012 йилдаги инвестиция дастурида кўзда тутилган капитал қўйилмаларнинг асосий параметрлари

| № | Молиялаштириш манбаларининг номланиши | 2012 йил прогнози, миллион сўм |
|-----------|--|--|
| | Жами капитал қўйилмалар, шундан: | 23 679 701 |
| 1. | Марказлашган инвестициялар: | 5 740 892 |
| 1.1. | Бюджет маблағлари | 1 059 354,4 |
| 1.2. | Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси | 115 560 |
| 1.3. | Бюджетдан ташқари фонлардан, <i>жумладан:</i> - Республика йўл жамғармаси - Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси - Таълим муассасаларини реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармаси - Олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини ривожлантириш жамғармаси | 1 431 777 680 796 158 147 545 836 46 997,6 |
| 1.4. | Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси (сўм эквивалентида) | 1 432 400 |
| 1.5. | Давлат кафолати остидаги хорижий инвестициялар ва кредитлар (сўм эквивалентида), <i>шундан:</i> <i>Қишлоқ жойларда уй-жойларни қуриш (сўм эквивалентида)</i> | 1 701 901 301 564 |
| 2. | Марказлашмаган инвестициялар: | 17 938 809 |
| 2.1. | Корхона маблағлари | 6 835 725 |
| 2.2. | Тижорат банклари кредитлари ва бошқа қарз маблағлари, шу жумладан: <i>АТБ “Қишлоқ қурилиш банки”нинг қишлоқ жойларда уй-жойларни қуриш учун имтиёзли кредитлари</i> | 3 524 824 222 070 |
| 2.3. | Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ва кредитлар (сўм эквивалентида) | 4 340 656 |
| 2.4. | Аҳоли маблағлари | 3 237 604 |

Манба: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 27 декабрда “Ўзбекистон Республикасининг 2012 йилга мўлжалланган инвестицион дастури тўғрисида”ги 1668-сонли Қарори. 1-илова.


Олиб борилган иқтисодий сиёсат натижасида, Давлат инвестиция дастурлари доирасида жалб қилинган хорижий инвестициялар ҳажми 2012 йилда 2006 йилга қараганда тўрт баробарга кўпайган. 2012 йилда тўғридан-тўғри инвестициялар умумий хорижий инвестицияларнинг 79 фоиздан ортигини ташкил этган. Бу энг аввало Президентимиз томонидан мамлакатни модернизация қилиш ва иқтисодиётни диверсификация этиш жараёнининг тўғри ва аниқ олиб борилаётгани натижасидир.



- жами хорижий инвестициялар ва кредитлар
- Давлат Инвестиция дастури доирасида ўзлаштирилган тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар
- Давлат Инвестиция дастури доирасида ўзлаштирилган ҳукумат кафолати остидаги хорижий кредитлар
- ҳудудий инвестиция дастури доирасида ўзлаштирилган хорижий инвестициялар

9-расм. 2012 йилда ўзлаштирилган хорижий инвестициялар ва кредитлар таркиби, млн АҚШ долл. ³⁵

Чет эл инвестицияларини жалб қилиш географиясини таҳлил қилиш шунини кўрсатадики, 2012 йилда тўғридан тўғри хорижий сармояларнинг 35,6 % - Хитойга, 26,79 % - Россияга, 19,5 % - Жанубий Кореяга тўғри келади.



10-расм. 2012 йилда Давлат инвестиция дастури доирасида ўзлаштирилган тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар географияси ³⁶

³⁵ Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси

³⁶ Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси

Молиялаштириш ҳажмида Осиё тараққиёт банки, Жаҳон таъмирлаш ва тараққиёт банки, Ислом тараққиёт банки каби халқаро молиявий институтларнинг қарз маблағлари катта улушга эга.

2.3. Мамлакат ҳудудларини ривожлантиришда хорижий инвестициялардан фойдаланиш

Ҳудудларнинг жаҳон ва давлат миқёсида иқтисодий ривожланишини таъминлашда турли тармоқларнинг инновацион йўналиши ва шу борада ҳудудларнинг ишлаб чиққан дастурлари асос бўлиб хизмат қилади. Дунё мамлакатларини қамраб олган глобал молиявий-иқтисодий инқироз давлатларнинг миллий хавфсизлигини таъминлашга бўлган эътиборини, хусусан минтақа ва ҳудудлар иқтисодининг барқарорлигини таъминлаш, уларнинг бир текисда иқтисодий ларзаларсиз, кескин тафовутларсиз ривожланишини таъминлашдек, муҳим масалаларни ҳал этишни кун тартибига олиб чиқди. Бундай ҳолда мамлакатлар ва ҳудудларни талофатларсиз молиявий-иқтисодий инқироздан чиқиб кетишлари ёки инқирознинг салбий оқибатларини юмшатишга қаратилган стратегияси албатта, шу мамлакат ва ҳудуд инновацион-инвестицион салоҳиятининг нечоғли тўғри ва аниқ сафарбар этилганлиги билан белгиланади. Ҳудудларнинг барқарор иқтисодий ривожланишининг шарти айнан, инновацион-инновацион салоҳиятнинг ривожланиши ҳамда иқтисодий омиллардан оқилона фойдаланишга боғлиқ.³⁷

Минтақалар иқтисодиётини ривожлантиришда инвестиция лойиҳаларини амалга оширишнинг аҳамияти бениҳоя катта. Бунинг афзалликларига қуйидагиларни келтириш ўринли:

37 Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 2012 йилнингасосий якунлари ва 2013 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги “Бош мақсадимиз – кенг қўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш” мавзусидаги маърузасини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма. – Т.: “O’qituvchi” НМИУ. 2013.

биринчидан, хорижий инвестициялар кўмагида корхоналарга замонавий техник-технологиялар жорий қилиб, экспортга мўлжалланган маҳсулотлар ишлаб чиқариш ривожланади;

иккинчидан, импорт ўрнини босувчи ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, ва бунинг учун хорижий инвестицияларни иқтисодийнинг устувор соҳаларига йўналтириш ва пировардида аҳолининг турмуш даражасини ошириш имкони яратилади;

учинчидан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини жадаллаштириш орқали ўсиб бораётган аҳолини иш жойлари билан таъминлашга кўмаклашади;

тўртинчидан, корхоналарнинг эскирган ишлаб чиқариш қувватлари, моддий-техник базаси янгиланади ва техник қайта қуролланади;

бешинчидан, табиий ресурсларни қайта ишловчи корхоналар барпо этилади³⁸.

Мамлакатимиз мустақилликка эришган дастлабки йиллардан оқ, нафақат вилоят марказларида, балки, олис ҳудудларда ҳам ижтимоий-иқтисодий ривожланишга катта эътибор қаратилиб келинмоқда. Жумладан, ҳудудларда янги корхоналар ташкил этиш, уларда ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш ва бунинг натижасида аҳоли фаровонлигини янада юксалтириш ҳудудларнинг бош мақсадига айланиб бормоқда. Мазкур вазифаларни амалга оширишда ҳудудларга ички ва ташқи инвестицияларни жалб қилиш, уларнинг инвестицион салоҳиятини янада юксалтириш муҳим аҳамиятга эга.

Айни дамда ҳукуматимиз томонидан минтақаларда инвестицион лойиҳаларни молиялаштиришда ички ресурслардан самарали фойдаланиш мақсадида чора-тадбирлар амалга оширилиб келинмоқда (11-расм).

Хорижий инвестициялар ҳудудларнинг ташқи иқтисодий ва сиёсий алоқалари мустаҳкамланишига олиб келади, уларнинг ташқи савдо айланмаларини, ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтиради, иқтисодий ривожланишни жадаллаштиради, ишлаб чиқарилаётган товарларнинг жаҳон

³⁸ Алматова Д. Минтақаларда инвестициялар жалб этишнинг муҳим йўналишлари. “O’ZIA” - “ЭВУ” 1/2012.

бозоридаги рақобатдошлигини, техник салоҳиятини ўстиради ва бандликни оширади.



11-расм. Минтақаларда инвестицион лойиҳаларни молиялаштириш чора-тадбирлари


Биргина ўтган 2012 йилда иқтисодиёт тармоқлари ва соҳалари томонидан жами 18463,0 миллиард сўмлик sanoat mahsulotlari ishlab chiqarilgan бўлса, бунда хорижий компания ва корхоналарнинг ҳиссаси 36,4 фоизни ташкил қилган. Sanoat korxonalarini tomonidan ishlab chiqarilgan tovar va xizmatlarni eksport qilib natijasida 2661,9 million AQSH dollari hajmida valuta tushumi hosil qilingan бўлса, бунда хорижий компаниялар улуши mavjud бўлган корхоналарнинг ҳиссаси 18,8 фоизни ташкил этган. Sanoat mahsulotlari importi esa 5045,9 million dollarни ташкил этган. Ushbu kursatkichda хорижий компаниялар sarmoyasi evaziga tuzilgan qushma korxonalarining ulushi 42 фоизни ташкил қилди.

Мазкур кўрсаткичларни вилоятлар кесимида қараб чиқадиган бўлсак, Тошкент шаҳрининг улуши мос равишда 36,6; 36,2; 44,4 фоизларни ташкил қилади. Аммо Андижон вилоятида фаолият юритаётган қўшма корхоналар томонидан ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотлари вилоятда ишлаб чиқарилган умумий саноат маҳсулотларининг қарийб 79 фоизини ташкил қилиб, республикамиз вилоятлари ичида энг юқори кўрсаткични намоён этган. Саноат маҳсулотлари экспортдан келиб тушаётган маблағларнинг 89,1 фоизи, импортнинг 95 фоизи, айнан, хорижий сармоя улушига эга бўлган хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳиссасига тўғри келади.

Ушбу кўрсаткич Тошкент шаҳрида 63,2 фоизни ташкил этгани ҳолда, Андижон вилоятидан кейинги ўринларни эгаллайди. Энг паст кўрсаткичлар эса Навоий вилояти ҳиссасига тўғри келган. Нега деганда, мазкур вилоятда ишлаб чиқарилаётган аксарият саноат маҳсулотлари маҳаллий корхоналар томонидан ишлаб чиқарилади. Истеъмол маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича Андижон вилояти пешқадам вилоятлардан ҳисобланади. Таҳлил этилаётган 2012 йилда республикада ишлаб чиқарилган истеъмол товарларининг 25,2 фоизи мазкур вилоят ҳиссасига тўғри келган (4546,8 млрд.сўм).


12-расм

ҲУДУДЛАРДА ЖАМИ ФАОЛИЯТ ЮРИТАЁТГАН ХОРИЖИЙ САРМОЯЛАР ИШТИРОКИДАГИ КОРХОНАЛАР СОНИ (ҳудудлар кесимида) ЖАМИ: 4283та



Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида хорижий инвесторлар билан биргаликда фаолият олиб бораётган кўшма корхоналарнинг сони 4283 тани ташкил этмоқда. Шулардан катта қисми Тошкент шаҳрида ва Тошкент вилоятида ташкил этилган (12-расм).

– 2012 йилги Ҳудудий инвестиция Дастури доирасида жалб қилинган тўғридан тўғри хорижий инвестицияларни тармоқ тақсимоотида енгил саноат, хизматлар, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, кимё ва нефть-кимё, озиқ-овқат, металлни қайта ишлаш тармоқлари етакчилик қилиб келмоқда (13-расм).



13-расм. 2012 йилги Ҳудудий инвестиция Дастури доирасида тўғридан тўғри хорижий инвестицияларни тармоқ таркиби ³⁹

Масалан, 2012 йилда Ҳудудий инвестиция Дастури доирасида жалб қилинган энг кўп тўғридан тўғри хорижий инвестициялар қуйидаги тармоқларга киритилган:

- енгил саноат тармоғига умумий ўзлаштирилган инвестицияларнинг 18,9 % (83,3 млн долл.);
- хизматлар соҳасига – 15 % (217,51 млн. долл.);

³⁹ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари

- қурилиш материаллари ишлаб чиқариш тармоғига – 14,4 % (44,85 млн. долл.);
 - кимё ва нефть-кимё тармоғига – 11,7 % (44,85 млн. долл.);
 - озиқ-овқат саноатига – 10,0 % (44,85 млн. долл.);
- металлни қайта ишлаш тармоғига – 2,96 % (44,85 млн. долл.). Тўғридан тўғри хорижий инвестицияларнинг ҳудудий тақсимотини кўриб чиқадиган бўлсак, Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти, шунингдек Фарғона вилояти етакчилик қилиб келмоқда (14-расм).



14-расм. 2012 йилги Ҳудудий инвестиция Дастури доирасида тўғридан тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш ⁴⁰

2012 йилги Ҳудудий инвестиция Дастури доирасида жами 474 та хорижий инвестиция иштирокидаги лойиҳалар амалга оширилган бўлиб, уларнинг кўпчилиги анъанавий равишда Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти, шунингдек Фарғона вилоятига тўғри келади (11-жадвал).

⁴⁰ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари

11-жадвал. 2012 йилги Худудий инвестиция Дастури доирасида хорижий инвестиция иштирокидаги лойиҳалар

| Худудлар номи | Лойиҳалар сони (дона) | Жалб қилинган хорижий инвестициялар (млн.долл) |
|--------------------------|----------------------------------|---|
| Республика бўйича | 474 | 441,1 |
| Тошкент шаҳри | 221 | 183,1 |
| Тошкент вилояти | 64 | 75,5 |
| Фарғона вилояти | 35 | 31,0 |
| Қашқадарё вилояти | 10 | 25,9 |
| Андижон вилояти | 27 | 24,9 |
| Сирдарё вилояти | 13 | 23,7 |
| Самарқанд вилояти | 24 | 15,8 |
| Сурхондарё вилояти | 13 | 13,8 |
| Наманган вилояти | 14 | 12,5 |
| Қорақалпоғистон Рес. | 12 | 10,2 |
| Хоразм вилояти | 6 | 8,9 |
| Навоий вилояти | 11 | 7,1 |
| Бухоро вилояти | 12 | 4,8 |
| Жиззах вилояти | 12 | 4,0 |

Манба: Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги маълумотлари

Юқоридаги маълумотлар, фикр-мулоҳазалардан кўринадики, ўтган йилда инвестицияларни жалб этиш борасида эришилган натижалар билан биргаликда уларнинг худудий тақсимотида жиддий нотекислик мавжуд. Шу сабабли худудий инвестицион сиёсатни амалга ошириш механизми биринчи навбатда, минтақалар ривожланишидаги диспропорцияларни юмшатиши лозим. Шунингдек, минтақаларда инвестицион бозорни вужудга келтириш мақсадга мувофиқ. Ушбу механизм жумладан қуйидаги 3 та асосий қисмни ўзида қамраб олиши керак:

-бевосита таъсир этувчи чора-тадбирлар (молия-кредит, солиқ, маъмурий ва бошқалар);

-инвестиция кафолатлари;

-ахборот таъминоти.

Саноати нисбатан ривожланган минтақаларда инвестицион сиёсатнинг асосий вазифаси юқори технологияли ишлаб чиқаришни сақлаш ва ривожлантиришдан иборат бўлиши лозим. Уларга ёрдам беришнинг шакли масалан, давлат кафолати остида ёки давлат иштирокида конкурс асосида самарали натижалли инвестицион лойиҳаларни амалга ошириш бўлиши мумкин.

Истеъмол бозори учун тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш нисбатан ривожланган ҳудудларда инқирозли ҳолатларнинг олдини олиш нафақат кўшимча молиявий ресурсларни ажратишни, балки мақсадга мувофиқ протекционизм сиёсатини юритишни ва бозор инфратузилмаси институтлари ривожланишини рағбатлантиришни ҳам тақозо этади.

Экспортга ихтисослашган минтақаларда инвестицион фаолият учун кулай шарт-шароитлар мавжуд. Бу минтақаларда ҳам инвестицион фаолиятга давлат кўмаги жуда муҳим, чунки, улар иқтисодий ўсиш базасига ва экспорт потенциали ўсишига катта ҳисса қўшади.

Барча мулк шаклидаги хўжалик юритувчи субъектлар ва хусусий миллий капиталнинг инвестицион фаолиятини рағбатлантириш учун солиқ имтиёзларини жорий этиш қуйидагиларни назарда тутиши лозим деб ўйлаймиз:

-минтақаларнинг хусусиятидан келиб чиқиб имтиёзларни табақалаштириш;

-солиқ имтиёзларини беришда маҳаллий ҳокимият органлари ҳуқуқларини кенгайтириш.

2-бобнинг қисқача хулосаси

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози ҳукм сураётган бир пайтда эришаётган ютуқларимизни таъминлашда корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш ҳамда замонавий, юксак технологияларга асосланган янги ишлаб чиқаришни ташкил этиш борасида фаол инвестиция сиёсатининг юритилаётганлиги муҳим омил бўлмоқда. 2012

йилда иқтисодиётимизга йўналтирилган капитал маблағлар, инвестициялар ялпи ички маҳсулотга нисбатан 22,9 фоизни ташкил этди.

Ўзбекистон иқтисодиётига жалб этилаётган турли шаклдаги инвестициялар оқими йилдан-йилга ошиб бормоқда.

Иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни янада чуқурлаштириш, корхоналарнинг инвестиция фаолиятини жадаллаштириш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта қуроллантириш дастурларини амалга оширишда хорижий инвестициялар, аввало, тўғридан-тўғри инвестицияларнинг ўрни бекиёсдир. Бунда илғор технологияларни татбиқ этиш, янги иш ўринлари яратиш ва шу асосда мамлакатимиз иқтисодиётининг барқарор ва бир маромда ривожланишини таъминлаш имконияти яратилади.

2012 йилда иқтисодиётимизга 11 миллиард 700 миллион доллар миқдорида ички ва хорижий инвестициялар жалб этилди ёки бу борадаги кўрсаткич 2011 йилга нисбатан 14 фоизга ўсди. Жами инвестицияларнинг 22 фоиздан ёки 2 миллиард 500 миллион доллардан ортиғини хорижий инвестициялар ташкил этди, уларнинг 79 фоиздан кўпроғи тўғридан-тўғри хорижий инвестициялардир.

Эътиборга сазовор томони шуки, жами инвестицияларнинг қарийб 74 фоизи ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва янгилашга қаратилган дастур ва лойиҳаларни амалга оширишга йўналтирилди.

Бугунги кунда фаолият кўрсатаётган хорижий сармоялар иштирокидаги корхоналарнинг энг кўп улуши саноат тармоқларига тўғри келади. Мамлакатимизда ташкил этилаётган қўшма корхоналарни салмоқли қисми асосан ёқилги энергетика, кимё, нефт ва газни қайта ишлаш, тўқимачилик ва енгил саноат, машинасозлик, металлургия, телекоммуникация, озик-овқат ва қурилиш материаллари саноатига тўғри келмоқда.

2012 йилнинг ўзида умумий қиймати 1 миллиард 600 миллион доллардан ортиқ бўлган капитал қўйилмалар ўзлаштирилиб, 205 та йирик инвестиция объекти қуриб битказилди.

3-БОБ. ЎЗБЕКИСТОНДА ЖАҲОН МОЛИЯВИЙ ИНҚИРОЗИДАН КЕЙИНГИ ДАВРДА ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИНГ РОЛИНИ ОШИРИШ МАСАЛАЛАРИ

3.1. Хорижий инвестицияларни жалб этиш учун яратилган шарт- шароитларни яхшилаш чора-тадбирлари

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқироздан чиқиш даврида инвестиция сиёсати ҳар қандай давлатнинг иқтисодий ривожланиши ва унда ишлаб чиқаришни кенгайтиришнинг энг асосий йўналишларидан бири бўлиб қолади. Шундай экан, миллий иқтисодиётни ҳар томонлама ривожлантириш фаол инвестиция сиёсатини юргизишни талаб этади. Бу ўз навбатида республикада чуқур таркибий ўзгаришларни амалга оширишни таъминлайди. Миллий иқтисодиёт соҳаларига ташқи ва ички инвестициялар оқимини фаоллаштириш иқтисодий юксалишнинг янги босқичини бошлаб берадиган асосий омил ҳисобланади. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримов «Ватанимизнинг келажаги, унинг жаҳон иқтисодий алоқалари тизимидаги ўрни инвестицияларга боғлиқ бўлиб турибди»⁴¹, - деб бежиз таъкидламаган эди. Демак, инвестициялар ҳар қандай иқтисодиётни ҳаракатга келтирувчи ва унинг тараққиётини таъминловчи куч экан, барча имкониятларни ишга солиб иқтисодиётимизга йўналтириладиган инвестициялар ҳажмини ошириш лозим.

Бозор иқтисодиётида инвестиция сиёсатини амалга ошириш, инвестиция фаолиятининг ҳуқуқий асосини талаб қилади ва унинг амалга оширилиши давлат томонидан олиб борилади ҳамда бошқарилади. Ўзбекистонда инвестиция фаолияти билан боғлиқ бўлган муносабатлар 1991 йилнинг январидан кучга кирган «Инвестиция фаолияти»нинг қонуний асослари ҳозиргача бир қанча ҳужжатлар билан мувофиқлаштириб келинмоқда. Шулар жумласидан, Ўзбекистон Республикасининг «Инвестиция фаолияти

⁴¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 12 февралдаги маърузаси, «Халқ сўзи» газетаси, 13 февраль, -1 б.

тўғрисида»ги (1998 йил 24 декабрь, 719-1-сонли), Ўзбекистон Республикасининг «Чет эл инвестициялари тўғрисида»ги (1998 йил 30 апрель, 609-1-сонли), Ўзбекистон Республикасининг «Чет эл инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида»ги (1998 йил 30 апрелдаги 612-1-сонли) Қонунлари, «Чет эл инвестициялари ва хорижий инвесторлар фаолиятининг кафолатларини такомиллаштириш тўғрисида»ги 1998 йил 30 апрелдаги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Хорижий инвестицияли корхоналарни ташкил этиш ва фаолиятини рағбатлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 1996 йил 31 майдаги УП-1467 сонли Фармони, «Инвестиция лойиҳаларини амалга оширишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги, 1998 йил 19 январдаги Фармони, «Хорижий инвестициялар иштирокидаги лойиҳаларни амалга ошириш механизмини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 1998 йил 9 февралдаги Фармони, «Тўғридан-тўғри чет эл инвестицияларини жалб қилишни рағбатлантириш тўғрисида»ги 2005 йил 11 апрелдаги Қарори ва Фармонларини келтиришимиз мумкин.

Республика минтақаларига хорижий сармоялар ва замонавий технологиялар жалб этилиши рағбатлантирилишини кучайтириш, хорижий инвесторлар ҳамда хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар учун кафолатлар ва имтиёзлар тизимини янада мустаҳкамлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 апрелдаги «Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб этилишини рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-4434-сон Фармони қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг мазкур ПФ-4434-сонли Фармони билан хорижий инвесторнинг пул шаклидаги улуши 5 миллион АҚШ долларидан кам бўлмаган янгидан ташкил этилаётган хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар давлат рўйхатидан ўтган санадан бошлаб 10 йил мобайнида солиқ қонунчилигида ўзгаришлар юз берган ҳолларда, юридик шахслардан олинadиган фойда солиғи, қўшилган қиймат

солиғи, мол-мулк солиғи, ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи, ягона ижтимоий тўлов, ягона солиқ тўлови, шунингдек Республика йўл ҳамда Таълим ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармаларига мажбурий ажратмалар тўлашнинг мазкур корхоналар давлат рўйхатидан ўтиш санасида амал қилган меъёрлари ва қоидаларини қўллашга ҳақли эканликлари белгилаб берилди.

Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар учун кафолатлар, имтиёзлар ва афзалликлар тизими кўлами янада кенгайтирилди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 11 апрелдаги ПФ-3594-сон Фармонида кўзда тутилган солиқ имтиёзлари авваллари 8 та тармоқ фаолиятига тегишли бўлган бўлса, ушбу Фармон билан 2012 йилнинг II-чорагидан бошлаб, хорижий инвестициялар учун имтиёзлар 20 та йўналишдаги иқтисодиёт тармоқларида фаолият юритаётган чет эл инвестиция иштирокидаги корхоналарга татбиқ этиладиган бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 11 апрелдаги ПФ-3594-сонли Фармонида кўзда тутилган солиқ имтиёзлари: тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб этадиган иқтисодиёт тармоқлари корхоналари инвестициялар ҳажмидан келиб чиқиб, фойда солиғи, мулк солиғи, ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи, микрофирма ва кичик корхоналар учун белгиланган ягона солиқ тўлови, шунингдек Республика йўл жамғармасига мажбурий ажратмалар тўлашдан озод қилиш кўринишида солиқ имтиёзлари берилган.

Тўғридан-тўғри хусусий хорижий жалб қилинган инвестициялар ҳажми:

- 300 минг АҚШ долларидан 3 млн. АҚШ долларигача бўлганда - 3 йил муддатга;

- 3 миллиондан 10 млн. АҚШ долларигача бўлганда - 5 йил муддатга;

- 10 млн. АҚШ долларидан ортиқ бўлганда - 7 йил муддатга солиқ имтиёзларидан фойдаланиши мумкинлиги белгиланган.

Ўрни келганда шуни таъкидлаш жоизки, мазкур қонун, қарор ва фармонларнинг нечоғли ўз ўрнида қабул қилинганлиги ҳозирда дунё бўйлаб кенг миқёсида юз бераётган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг Ўзбекистонга таъсирини юмшатишга сабаб бўлмоқда. Албатта, бу борада ҳар бир мамлакатнинг инвестиция сиёсати ҳал қилувчи ролни ўйнайди. Инвестиция манбаларини ташкил этишда мамлакат иқтисодиётининг барқарорлиги, миллий валюта бирлиги конвертирланиши, ташқи иқтисодий муносабатларнинг ривожланиши, аҳоли эҳтиёжини ишлаб чиқариш ҳисобига кондирилиши ва бошқалар муҳим ўринга эга.

Жаҳон амалиётида давлат инвестицияларининг кескин қисқариши тижорат тизимлари капиталларини ноишлаб чиқариш соҳасида жалб қилиниши билан ҳам тавсифланади. Оқибатда чуқурлашиб бораётган инвестиция инқирозини бартараф этиш, давлат томонидан инвестиция фаолиятини ҳуқуқий мувофиқлаштиришни талаб этади.

Ўзбекистонда бугунги кунда давлат инвестиция сиёсати ўзига хос икки йўналишга таянади.

- солиқ юкини енгиллаштириш, маблағларни ишлаб чиқаришни ривожлантиришга қаратиш;

- маблағларни давлат бюджети орқали тўплаш ва инвестиция дастурларини амалга ошириш.

Бу борада олиб борилаётган сиёсатда давлат корхоналарига нисбатан амалда бўлган бюджетдан молиялаштириш тизими муайян даражада боқимандаликни келтириб чиқариши инобатга олинмоқда. Инвестиция фаолиятида нодавлат сектори субъектларига қараганда имтиёзли шароит яратиш учун катта эътибор берилмоқда. Ўзбекистонда давлат инвестиция сиёсатини амалга ошириш ва молиявий-иқтисодий соҳада масъул бўлган давлат ташкилоти бу молия вазирлиги ҳисобланади. Айнан молия вазирлиги бошқа давлат ташкилотлари, органлари, банклар ва компаниялар билан ҳамкорликда давлат инвестиция сиёсатини амалга оширади ва бошқариб боради. Давлат инвестицияларини тўғридан-тўғри бошқариш, инвестиция

фаолиятини давлат томонидан мувофиқлаштиришнинг яна бир шакли бўлиб ҳисобланади. Бунда, бошқариш бюджет маблағлари, бюджетдан ташқари фондлар, бошқа жалб қилинадиган маблағлар ҳисобига инвестицияларни башоратлаштириш, инвестициялаш шарт-шароитларини аниқлаш ва аниқ фаолиятларни амалга оширишни ўз ичига қамраб олади. Шунинг учун бугунги кунда инвестиция фаолиятини давлат томонидан мувофиқлаштиришни йўлга қўйиш, иқтисодиётимизни барқарорлаштиришда алоҳида эътибор талаб этилади. Бунда инвестиция фаолиятидаги субъектлар ҳуқуқларининг доимийлиги давлат томонидан қамраб олиниши зарурдир.

Ўзбекистон кескин бозор ўзгаришлари йўлига ўтган ҳар қандай давлат сингари хорижий капиталга нисбатан ўз стратегиясини ишлаб чиқиб, уни фаол амалга ошириб келмоқда. Қарийб барча ривожланган ва тез ривожланаётган давлатлар, айниқса, охириги 40 йил мобайнида, ўз иқтисодиётларига тўғридан-тўғри хусусий қўйилмалар ва кредитлар шаклидаги хорижий капитални фаол жалб қилдилар.

Мамлакатимизда инвестицион жозибадорликни ошириш билан боғлиқ қабул қилинган қонунлар, ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар, энг муҳими, минтақада ҳукм сураётган тинчлик-тотувлик, глобал молиявий-иқтисодий инқирознинг салбий оқибатларини олдини олиш бўйича амалга оширилиб келинаётган чора-тадбирлар ҳамда халқаро иқтисодий муносабатларнинг янги босқичга кўтарилиб бораётганлигини ҳам эътироф этиш мумкин.

Иқтисодиётни эркинлаштириш босқичида республикаимиз ҳукуматининг асосий эътибори инвестициялаш, даставвал чет эл инвестицияларини мамлакат иқтисодиётига жалб этишни фаоллаштиришга қаратилмоқда.

Бугунги кунда мамлакатимизда барқарор ва самарали иқтисодиётни шакллантириш борасида амалга ошириб келинаётган ислохотлар ўзининг натижаларини намоён этмоқда. Жумладан, қисқа вақт ичида иқтисодиётда чуқур таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, аҳоли даромадларининг ўсишини таъминлаш, самарали ташқи савдо ҳамда инвестиция жараёнларини кучайтиришда муҳим ютуқлар қўлга киритилди ва бу соҳаларда янада

самарали ва истиқболли натижаларга эришиш борасида қатор ишлар амалга оширилмоқда. Президентимиз И.Каримов таъкидлаганларидек, “Узоқ муддатли истиқболга мўлжалланган, мамлакатимизнинг салоҳияти, қудрати ва иқтисодиётимизнинг рақобатбардошлигини оширишда ҳал қилувчи аҳамият касб этадиган навбатдаги муҳим йўналиш – бу асосий етакчи соҳаларни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш, транспорт ва инфратузилма коммуникацияларини ривожлантиришга қаратилган стратегик аҳамиятга молик лойиҳаларни амалга ошириш учун фаол инвестиция сиёсатини олиб боришдан иборат”⁴².

Инвестицион жараёнларни фаоллаштириш шарт-шароитларини яратиш ва уларнинг самарадорлигини ошириш қулай инвестицион муҳит шакллантиришни билдириб, маблағларни узоқ муддатга қўйишни рағбатлантиришнинг барқарор механизмини ишга туширишни билдиради.

Инвестицион сиёсатни амалга ошириш механизми шаклланиши барча чора-тадбирлар мажмуасидан фойдаланишга боғлиқ бўлиб, улар аввало бозор характеридаги чора-тадбирлар ҳисобланади, сўнгра эса инвестицион фаолиятларни тартибга солиш мақсадли давлат сиёсатидан иборатдир.

Бугунги кунга келиб, Ўзбекистонда чет эл инвестицияларини жалб этишда қулай шарт-шароитларнинг яратилишига қарамай, уларни миллий иқтисодиётга жалб этиш имкониятларидан тўлиқ фойдаланилмаётганлиги кузатилмоқда.

Чет эл капиталини жалб қилиш ва ундан фойдаланишнинг самарадорлигини ошириш иқтисодиётнинг устивор соҳаларини кўпроқ ривожлантириш учун мамлакатимизнинг миллий манфаатлари ва чет эл инвесторларининг манфаатлари мос келишини таъминлаш, инвестицион фаолиятнинг ва преференциал тартибининг умумий қулай шароитларини яратиш мақсадида ташкилий, иқтисодий ва ҳуқуқий механизмларни такомиллаштиришни талаб этади.

⁴² Каримов И.А. Асосий вазифамиз – ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. – Тошкент: “Ўзбекистон”. 2010. 65-б.

Устувор инвестицион лойиҳаларни танлаб олиш механизмининг асосий камчилиги танлашнинг аниқ мезонлари ва ҳатто оддий мўлжаллари йўқлиги ҳисобланади. Кўпгина лойиҳалар иқтисодий самарадорлик, валюта билан қопланиши ва ички қарз олувчининг тўлов қобилияти нуқтаи назаридан етарли даражада асосланмаган.

Давлат рўйхатига киритилган устувор инвестицион лойиҳаларни амалга ошириш кредитларни ўзлаштиришнинг доимий мониторингини амалга оширишни ва қарзни ўз вақтида тўлашни талаб қилади.

Республика иқтисодиётини халқаро инвестициялашни рағбатлантирувчи муҳим омил сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва тижорий таваккалчиликни профессионал даражада ва тўлиқ суғурталаш ҳисобланади.

Хорижий инвесторлар ҳуқуқларининг муҳим кафолати республика қонунчилигидаги ўзгаришлар ва қўшимчалардан ҳимоялаш, шунингдек, чет эл инвестицияларини жалб қилиш ва фойдаланишнинг меъёрий-ҳуқуқий тартиби ўзгарганда битим шартларига ўзгаришлар киритиш имкониятини бериш.

Чет эл капиталини Республика иқтисодиётининг устивор соҳаларига жалб қилинишини рағбатлантириш учун молия-кредит, солиқ рағбатларидан ҳам, номолиявий услублардан ҳам фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Номолиявий услубларга чет эл капиталининг фаолият юритиши учун умумий қулай шароит яратишни, зарур саноат омиллари, ахборат, бошқариш хизматлари билан таъминлашни, транспортни ривожлантиришни, турли хил коммуникацияларни, банк хизматларини ўстиришни, бозор инфратузилмасининг бошқа элементларини яратишни киритиш мумкин.

Солиқ имтиёзлари ва рағбатларидан кенг фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Солиқ ва молия-кредит имтиёзларини тақдим этиш автоматик тарзда амалга оширилмай, балки босқичма босқич, амалга оширилаётган лойиҳанинг давлат аҳамиятига, корхона устав жамғармасидаги иштирок этиш улушига, капитални қўйиш соҳасига, унинг айланма тезлигига боғлиқ ҳолда амалга оширилиши керак.

Хусусийлаштириш жараёни доирасида чет эл капиталини жалб қилишни рағбатлантиришнинг таъсирчан механизмини яратиш учун қуйидагилар зарур: чет эл инвесторларининг валюта конвертацияси тамойилларини ишлаб чиқиш, халқаро савдо-сотик ишлари учун хусусийлаштириладиган объектлар доирасини аниқлаб олиш, хорижий инвесторларнинг мулкый ҳуқуқларга эга бўлишлари учун қимматли қоғозларнинг бирламчи ва иккиламчи бозорларини ривожлантириш.

Чет эл капиталини жалб қилиш бўйича давлат сиёсатини амалга ошириш учун қуйидаги вазифаларни бажариш мақсадга мувофиқ:

-лойиҳавий молиялаш ва маслаҳат-техник ёрдам кўрсатиш маркази, унинг зиммасига инвестициядан олдинги тадқиқотларни амалга ошириш, лойиҳаларни экспертизадан ўтказиш ва уларни амалга ошириш, маслаҳат-техник ёрдам кўрсатишни амалга ошириш фаолиятини мувофиқлаштириш вазифалари;

-чет эл капитали бўлган корхоналарни рўйхатдан ўтказиш ва хорижий фирмалар ҳамда компанияларни аккредитациялаш учун рўйхатдан ўтказиш;

-аниқ инвестицион дастурлар ва лойиҳалар, қонунчилик асоси, солиқ тизими, инвестицион сиёсат бўйича маълумотлар банкларини яратиш ва амалдаги чет эл инвесторларини бу маълумотлар билан таъминлаш мақсадида чет эл капитали бўйича Ахборот маркази тузиш.

Санаб ўтилган чора-тадбирлар чет эл капиталини жалб қилиш соҳасида барқарор давлат сиёсатини ўтказишга имкон беради, бу миллий манфаатларни чет эл инвесторлари манфаатлари билан қўшиб олиб бориш масаласини ҳал этишга ёрдам беради.

3.2. Худудларда инвестиция фаолиятини ривожлантиришнинг стратегик йўналишлари

Мамлакатимиз худудларининг барқарор иқтисодий ривожланишини таъминлаш республикаимизда юритилаётган иқтисодий сиёсатнинг муҳим йўналишларидан бири бўлмоқда. Худудларнинг ижтимоий-иқтисодий

жихатдан ривожланиши, турмуш шароитларининг яхшиланиши ҳам бевосита уларнинг иқтисодиёти ривожланиши билан боғлиқ. Мамлакат иқтисодиёти ҳудудлардан таркиб топган бир бутун тизимни ташкил этгани сабабли, унинг ҳар бир минтақасидаги ривожланишни таъминлаш мамлакатимизнинг узлуксиз тараққиётига замин яратади.

Шундай экан, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилишда мамлакат ва унинг минтақаларида яратилган инвестицион жозибадорлик ва нисбий афзалликлар муҳим ўрин тутаяди. Айнан ушбу омилларга инвесторлар томонидан алоҳида эътибор берилаяди. Ҳудудларнинг инвестицион жозибадорлигини аниқлашда турли услублардан фойдаланилади. Уларнинг бир-биридан фарқи инвестицион муҳитни белгиловчи кўрсаткич ва индикаторларни танлаб олишда намоён бўлади.

Юртимиз олимларининг тадқиқотларига кўра, минтақаларнинг инвестицион жозибадорлик индекси олтига элемент асосида ҳисобланади ва шу бўйича интеграл индекс аниқланади. Олинган маълумотларга кўра, минтақаларнинг инвестицион жозибадорлигини ўрта гуруҳга бўлиш мумкин (12-жадвал).

Биринчи гуруҳга Тошкент шаҳри, Тошкент, Қашқадарё, Андижон ва Фарғона вилоятлари киради ҳамда улар инвесторлар учун энг қулай ҳисобланади (индекс 0,755-0,347). Инвестицион жозибадорликнинг юқори бўлиши ушбу ҳудудларда табиий-иқтисодий салоҳият, инфратузилма, жумладан, транспорт ва ахборот коммуникацияларининг ривожланиш даражаси юқорилиги билан белгиланади.

Иккинчи гуруҳни Самарқанд, Бухоро, Навоий ва Наманган вилоятлари ташкил этади (индекс 0,322-0,288). Ушбу ҳудудлар хорижий инвесторларнинг мавжуд қазиб олувчи ва қайта ишлаш корхоналари фаолият кўрсатаётганига қизиқиши билан белгиланади.

Учинчи гуруҳга нисбатан кам ривожланган ҳудудлар – Хоразм, Сурхондарё, Жиззах, Сирдарё вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикаси

киради (0,284-0,234). Юқорида кайд этилган хуудларга хорижий инвестицияларни жалб қилишда давлатнинг иштироки юқори бўлиши лозим.

12-жадвал. Хуудларнинг инвестицион жозибаторлигини аниқлаш элементлари

| № | Хуудлар | Хууднинг умумий иқтисодий ривожланиш даражаси | Хууднинг молиявий ресурслар билан таъминоти | Инвестицион инфраструктура ривожланиш даражаси | Хууднинг демография кавсифи | Институционал ўзгаришлар ва ривожланиш даражаси | Хууднинг инвестицион фаолият хавфсизлиги даражаси | Мутлақ интеграл ранг кўрсаткичи |
|----|-----------------|---|---|--|-----------------------------|---|---|---------------------------------|
| 1 | Қорақалпоғистон | 0,0064 | 0,121 | 0,085 | 0,222 | 0,559 | 0,535 | 0,234 |
| 2 | Андижон | 0,341 | 0,151 | 0,276 | 0,426 | 0,560 | 0,594 | 0,367 |
| 3 | Бухоро | 0,304 | 0,144 | 0,165 | 0,413 | 0,509 | 0,511 | 0,315 |
| 4 | Жиззах | 0,198 | 0,049 | 0,075 | 0,388 | 0,496 | 0,506 | 0,151 |
| 5 | Қашқадарё | 0,362 | 0,542 | 0,266 | 0,382 | 0,370 | 0,386 | 0,382 |
| 6 | Навоий | 0,536 | 0,189 | 0,218 | 0,348 | 0,348 | 0,439 | 0,338 |
| 7 | Наманган | 0,141 | 0,118 | 0,183 | 0,374 | 0,531 | 0,554 | 0,285 |
| 8 | Самарқанд | 0,181 | 0,234 | 0,154 | 0,401 | 0,607 | 0,522 | 0,322 |
| 9 | Сурхондарё | 0,150 | 0,101 | 0,104 | 0,324 | 0,549 | 0,422 | 0,250 |
| 10 | Сирдарё | 0,185 | 0,037 | 0,147 | 0,320 | 0,317 | 0,723 | 0,247 |
| 11 | Тошкент | 0,434 | 0,197 | 0,366 | 0,493 | 0,611 | 0,362 | 0,404 |
| 12 | Фарғона | 0,317 | 0,241 | 0,331 | 0,470 | 0,289 | 0,573 | 0,347 |
| 13 | Хоразм | 0,171 | 0,113 | 0,199 | 0,310 | 0,529 | 0,535 | 0,284 |
| 14 | Тошкент ш. | 0,837 | 0,793 | 0,701 | 0,820 | 0,580 | 0,845 | 0,755 |

Манба: Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 2012 йилнингасосий яқунлари ва 2013 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги “Бош мақсадимиз – кенг қўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш” мавзусидаги маърузасини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма. – Т.: “O’qituvchi” НМИУ. 2013.

Хорижий сармояларнинг жалб этилишининг ҳал этувчи босқичи натижа ёки уларнинг халқ хўжалигимиз ривожига қўшаётган хиссаси бўлмоғи лозим. Бу борадаги ҳолатни биз ҳамма вақт ҳам ижобий деб баҳолай олмаймиз. Чунки, инвестицион муҳитга салбий таъсир этувчи омиллар ҳамон учраб турибди. Ушбу омиллар жумласига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- мамлакатимизда инвесторлар учун яратилган шарт – шароитлар, имтиёз ва афзалликлардан фойдаланиш борасидаги муаммолар;
- инвесторларга ер ажратиш билан боғлиқ бўлаётган муаммолар;
- жойларда мавжуд инфратузилмадан фойдаланиш борасидаги муаммолар;
- маҳаллий ҳокимликлар томонидан алоҳида олинган масалаларни ечишга оид қарорларни қабул қилишда тезкорликнинг етишмаслиги ва ҳоказо.

Шундай экан, бу борада инвесторлар учун яратилган шарт–шароитлардан ўз вақтида хабардор қилиш ишларини такомиллаштириш зарур. Бу ерда оммавий ахборот воситалари ролини янада ошириш, янгиликлар билан инвесторларни ўз вақтида таништириб бориш, тадбиркорликнинг барча субъектлари қошида «Янгиликлар доскаси»ни ташкил этиш орқали маълумотларни етказиш каналларини янада кенгайтириш муҳим аҳамият касб этади.

Юқоридаги муаммоларнинг икки асосий сабаблари мавжуд: биринчиси, молия – банк тизими, солиқ ва божхона ташкилотлари томонидан инвесторлар учун ўта расмийчиликни, асоссиз талабларни кучайтирилиб юборилганлиги; иккинчиси, инвесторларни ўзларига яратилган имтиёзларни тўла англай олмаслиги оқибатида юзага келаётган муаммолардир.

Бу ерда, бош ечим инвесторларни интилувчанлиги, таваккалчилиги ва ташаббускорлигини ошириш ҳисобланади. Зарур ҳолда, ҳуқуқий савиясини янада юксалтириш ҳам ўзининг ижобий самарасини беради.

Инвесторларга ер ажратиш билан боғлиқ муаммоларни хал этишда ҳокимлик тасарруфидаги захира ерлардан биринчи навбатда фойдаланиш,

хамда уч томонлама шартнома асосида муаммони хал этиш мумкин. Ижара усулларида фойдаланишда «Инвестор – Хокимлик – Ижарачи» тамойилига асосланиш зарур. Бунда хокимликлар воситачи (кафолатловчи) вазифасини бажариши шарт.

Яна бир мухим муаммо юқорида айтиб ўтилганидек, инфратузилма ташкилотлари билан инвесторлар орасидаги юзага келаётган келишмовчиликлардир. Бу муаммони хал этишда шартнома бош ролни ўйнамоғи лозим. Тўғри, хозирда хам улар орасида олдиндан шартномалар тузилади, лекин уларда инвесторларнинг талаблари тўла эътиборга олинмаслик ҳолатлари кўп учраб туради. Шу боисдан хам инвестор талабларини инобатга олишни устивор вазифа сифатида қараш керак. Чунки бугунги инвестор эртага мижоз (клиент) ҳисобланади. Улар билан тўғри муносабатда бўлиш келажакда ўзининг самарали натижасини беради.

Юқорида зикр этиб ўтган фикрларимиз инвесторлар учун яратилган шарт-шароитлар, имтиёз ва қулайликларни янада яхшилабгина қолмай, балки алоҳида олинган ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий имкониятларини янада ортишига, ялпи ҳудудий маҳсулотларнинг кўпайишига ва охириги натижада аҳолининг турмуш фаровонлигини яхшилашга хизмат қилади.

Инвестицияларни молиялаштириш шарт-шароитларини ҳисобга олиб, республика ҳудудларида инвестициялар ҳажмини ўстириш учун қуйидагиларни эътиборга олиш зарур деб ўйлаймиз:

- бозор муносабатлари тан олган йўналишларда асосий ишлаб чиқариш фондларини янгилаш, ресурслар ва такрор ишлаб чиқариш дастурини тузиш ва амалга ошириш;

- давлат томонидан инвестицион жараённи тартибга солишнинг мақбул ва такомиллашган механизмини танлаш ва қўллаш;

- инвестицион ресурсларнинг қўшимча ички манбаларини топиш ва капитал қўйилмаларни молиялаштириш манбаларининг оқилона нисбатини аниқлаш.

Худудлар стратегик бошқарувини такомиллаштиришда уларнинг инвестицион салоҳиятини юксалтириш узок муддатли ривожланишнинг асоси бўлиб, бундан кўзланган бош мақсад худудда самарали инвестицион фаолиятни ташкил этишдан иборат.

Инвестицион стратегиясини шакллантириш мураккаб жараён бўлиб, у худуд инвестиция бозори конъюктурасини башоратлашга асосланади ва инвестиция фаолияти шартларини амалга оширади. Бу жараёни мураккаблиги шундаки, бу даврда худуд инвестиция стратегияларини шакллантириш, инвестицион ресурсларни излаб топиш, муқобил инвестиция вариантларини баҳолаш билан бирга амалга оширилади ва у худуд корхоналарининг имиджини оширади ҳамда уни ривожланиши белгилашда муҳим аҳамият касб этади. Бундай инвестицион стратегия тезда ўзгармайди, у ушбу худуддаги корхоналар иқтисодий ўсишининг янги имкониятлари ва ташқи шартларини инобатга олган ҳолда даврий тартибга солишларни талаб этади.

Худудда инвестицион стратегияни шакллантириш шарт-шароитлари корхоналарнинг иқтисодий ривожланишининг стратегик асоси бўлиб хизмат қилади. Бундан кўриниб турибдики, худуд инвестиция стратегияси корхоналарнинг самарали ривожланишини таъминлайдиган бош омил бўлиб ҳисобланади ва у инвестицияларни самарали бошқаришга асосланади. Худуд корхоналарининг инвестицион стратегиясинини шакллантириш жараёни бир-неча босқичларни ўз ичига олади.

Бошланғич босқичда худуд инвестиция стратегияси ишлаб чиқилади ва уни шакллантиришни умумий даври аниқланади. Мазкур босқич иқтисодиётнинг ривожланишини башоратлаш, унинг даврийлигини баҳолаш, корхоналарнинг асосий стратегиясини шаклланиши учун умумий ечимни қабул қилиш, уларнинг тармоқлари ўлчами каби шартлар билан боғлиқ бўлади.

Худуддаги корхоналарнинг инвестицион фаолияти стратегик йўналишларини ишлаб чиқиш корхонадаги барча мақсадлар тизимиغا

асосланади. Бу жараёнда қуйидаги топшириқлар ишлаб чиқилиши кўзда тутилади: истиқболли даврнинг алоҳида босқичларида турли инвестициялаш шакллари, инвестицион фаолиятни тармоқ ҳамда инвестицион фаолиятни ҳудуд йўналишлари аниқланади.

Инвестиция ресурсларини шаклантириш стратегиясини ишлаб чиқиш корхоналарнинг нафақат инвестицион фаолиятининг унсури балки, энг муҳим молиявий стратегиясининг унсури ҳам ҳисобланади. У белгиланган ҳажмдаги инвестиция фаолиятини узлуксиз равишда рағбатлантиришни таъминлайди ҳамда шахсий молиявий воситалардан энг самаралисидан фойдаланади ва узок муддатли истиқболда ҳудуддаги корхоналарнинг молиявий барқарорлигини таъминлайди.

Ҳудудларда бу стратегияларни ишлаб чиқиш қуйидаги босқичлар бўйича амалга оширилади:

- ҳудуд инвестиция ресурсларини умумий ҳажмига бўлган эҳтиёжни башоратлаш;
- турли манбалар ҳисобидан инвестиция ресурсларини шаклланиш имкониятларини ўрганиш;
- ҳудудда алоҳида инвестицион дастурлар ва лойиҳаларни молиялаштириш усулларини аниқлаш;
- инвестицион ресурслар шаклланиш манбалари тузилишини мақбуллаштириш.

Ҳудуд инвестиция стратегияларини амалга ошириш жараёнида уларнинг аниқ мақсадларини ва стратегик вазифаларини белгиланган тартибда қайта кўриб чиқиш жараёнида ташқи ҳамда ички омилларни бир-бирига мослаштирилади. Бизнингча ҳудудда инвестиция стратегияларини амалга ошириш жараёнида кўплаб омиллар ҳисобга олиниши ва қуйидаги мезонлар асосида амалга оширилиши мақсадга мувофиқдир:

- ҳудудларнинг умумий стратегияси билан алоҳида корхоналарнинг инвестиция стратегиясини мувофиқлаштириш. Бу жараёнда стратегияни

амалга ошириш босқичлари, йўналишлари ҳамда мувофиқлик мақсадлари тадқиқ этилади;

– корхоналарда инвестиция стратегиясини ички мувозанатлашганлиги. Бу жараёнда инвестицион фаолият йўналишлари ва алоҳида стратегик мақсадлар ўртасидаги боғланишлар аниқланади ҳамда натижалари баҳоланади;

– инвестиция стратегияларини ташқи воситалар билан мувофиқлашганлиги. Бунда ҳудудда ишлаб чиқилган инвестицион стратегия билан мамлакатнинг инвестицион муҳитидаги ўзгаришлар мувофиқлиги баҳоланади ҳамда инвестиция бозори конъюктураси башоратланади;

– корхона инвестиция стратегияларини натижавийлиги. Инвестицион дастурларни натижавийлигини баҳолаш уларни иқтисодий самарадорлигини амалга ошириш билан баҳоланади.

Юқоридагилардан хулоса сифатида айтиш мумкинки, ҳудудларда инвестицион стратегияни шакллантириш орқали капиталнинг кўшимча ўсиш суръатларини таъминлашга, инвестицияларни самарадорлик даражасини ўсишига, молиявий инвестициялаш ва технологик ўзгаришларга бунинг натижасида ҳудудда иқтисодий ўсишга, аҳолининг турмуш даражасининг ошишига эришилади.

3.3. Инқироздан кейинги даврида Ўзбекистон иқтисодиётига чет эл инвестицияларини жалб қилиш йўналишлари ва истикболлари

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози ҳукм сураётган айти дамда, Ўзбекистонда иқтисодиётнинг реал сектор корхоналарини, шунинг билан бирга инфратузилма объектлари ривожланишини кўллаб-қувватлаш мақсадида инвестицион маблағларни топиш ва уларни мақсадли йўналтириш муҳим омиллардан бирига айланмоқда.

Фаол инвестиция сиёсати мамлакатимизни модернизация қилиш ва янгилаш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг энг муҳим шarti ва манбаи бўлмоғи керак. Ўзбекистонда сўнгги беш йил мобайнида

инвестицияларнинг йиллик ўсиш суръати 9 фоиздан зиёдни ташкил этмоқда ва бу дунёдаги юқори, барқарор кўрсаткичлардан бири ҳисобланади. Жаҳон миқёсида глобал молиявий-иқтисодий инқироз давом этаётганини инобатга оладиган бўлсак, бугунги мураккаб шароитда биз эришган бу натижанинг аҳамияти ва моҳияти янада яққол аён бўлади.⁴³

Ҳукумат томонидан амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижасида мамлакатимизга инвестициялар жалб қилиш ҳажми йилдан-йилга ортиб бормоқда. Кейинги 10 йилда мамлакатимиз иқтисодиётига киритилган инвестициялар ҳажми 3,2 баробар ошган бўлса, шу даврда тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳажми 20 баробардан зиёд ўсгани эътиборга сазовордир.⁴⁴

Стратегик хорижий инвесторларни жалб этиш мақсадида мамлакатимизда инвесторларнинг ўзи учун ҳам, хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар учун ҳам ноёб кафолатлар тизими яратилди.

Иқтисодиётдаги таркибий ислохотларни янада чуқурлаштириш, корхоналарнинг инвестицион фаолиятини янада жонлантириш, хорижий инвестицияларни, аввало тўғридан тўғри хорижий инвестицияларни кенг жалб қилиш ва улардан самарали фойдаланиш, ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик қайта қуроллантириш, янги иш ўринларини шакллантириш ва булар асосида миллий иқтисодиётимизни барқарор ва динамик ривожланишини таъминлаш мақсадида ҳар йили қабул қилинаётган Инвестиция дастурларининг аҳамияти юқори бўлмоқда.

Президентимиз томонидан алоҳида таъкидлаб ўтилганидек, “2013 йил ва яқин келажакка мўлжалланган дастуримизни амалга оширишда иқтисодиётимиз ва унинг етакчи тармоқларини модернизация қилиш, техник ҳамда технологик янгилашни жадаллаштириш ва унинг кўламини кенгайтириш, ишлаб чиқаришни диверсификация қилиш марказий ўрин


⁴³ Бош мақсадимиз – кенг кўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ҳамда 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси // “Халқ сўзи” газетаси, 2013 йил 19 январь.

⁴⁴ Ўша ерда

тутиши даркор. Бу борада 2013 йил учун ишлаб чиқилган ва 370 дан ортик стратегик муҳим лойиҳани амалга оширишни кўзда тутадиган Инвестиция дастури ғоят муҳим аҳамият касб этади⁴⁵.

Ўзбекистон Республикаси 2013 йилда умумий қиймати 3,085 млрд. доллар бўлган 115 та лойиҳани амалга оширишни режалаштирган.

14-расм




Ўзбекистон Республикасида иқтисодиётнинг устувор тармоқларини ривожлантириш учун хорижий инвестицияларни жалб қилиш сиёсати мавжуд маблағлардан, вақт ва имкониятдан самарали фойдаланишга, амалдаги шарт-шароитлардан келиб чиқиб, бойликларни самарали жойлаштириш ва шу йўл билан республика иқтисодиётини юксалтириш, унинг жаҳон иқтисодий тизимига қўшилишига рағбатлантириш йўли билан инвестицияларни иқтисодиётнинг устувор тармоқларига жалб қилишга ҳамда улардан самарали фойдаланишга қаратилган.

Мамлакатимизда 2013 йил учун амалга ошириш белгилаб олинган инвестиция дастурида молиялаштиришнинг сезиларли қисми корхона маблағлари (30 фоиз) ҳамда тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этиш (17 фоиз) орқали амалга оширилиши режалаштирилган (15-расм). Тижорат банклари кредитлари ва бошқа қарз маблағлари, аҳоли маблағлари, Тикланиш ва тараққиёт фонди маблағлари ҳисобига 2013 йилда жами инвестицион маблағларнинг 29 фоизи тўғри келиши назарда тутилган.

⁴⁵ Бош мақсадимиз – кенг кўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ҳамда 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. //Халқ сўзи. 2013 йил 21 январь.

Бундан кўриниб турибдики, асосий эътибор корхона маблағлари ва тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар кўламини ошириш ва бунинг натижасида ишлаб чиқаришнинг техник ва технологик қувватларини модернизация қилиш, меҳнат унумдорлигини ошириш орқали аҳолининг юқори даромад олишига эришиш, шу асосда халқимиз фаровонлигини ошириш мақсад этиб кўйилган.



15-расм. Ўзбекистон Республикаси инвестиция дастурининг 2013 йил учун белгиланган асосий кўрсаткичлари (миллиард сўм)

2013 йил учун ишлаб чиқилган Инвестиция дастурига кўра ушбу мақсадлар учун ажратилаётган 13 миллиард долларнинг 75 фоизини ички манбалар ҳисобидан молиялаштириладиган маблағлар, қолган қисмини жалб этиладиган хорижий инвестициялар ташкил этади.

Ушбу лойиҳалар асосан нефть-газ, кимё, машинасозлик, тўқимачилик ва фармацевтика тармоқларига тегишли бўлиб, унда янги корхоналар ташкил этиш, мавжуд ишлаб чиқариш қувватларини янгилаш, кенгайтириш, модернизация ва реконструкция қилиш асосида рақобатбардош, импорт ўрнини босувчи маҳаллий ҳамда сифатли рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ўзлаштириш, маҳаллий хом ашёни чуқур қайта ишлаш ва унда

истеъмол товарларини тайёрлаш, энг муҳими, аҳоли бандлигини таъминлаш ва турмуш фаровонлигини юксалтиришга йўналтирилган.

13-жадвал. 2013 йил давомида жалб қилиниши режалаштирилаётган хорижий инвестиция ва кредитлар (миллион АҚШ долл.)

| Кўрсаткичлар | 2013 йил |
|--|-----------------|
| Жалб қилиниши кўзда тутилган хорижий инвестициялар умумий миқдори: | 3016,7 |
| Давлат инвестиция дастури доирасида | 3233,8 |
| Худудий инвестиция дастурлари доирасида | 490,0 |
| шу жумладан, тўғридан-тўғри инвестициялар | 2180,2 |

Манба: Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 2012 йилнингасосий яқунлари ва 2013 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги “Бош мақсадимиз – кенг қўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш” мавзусидаги маърузасини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма. – Т.: “O’qituvchi” НМИУ. 2013.

2009-2014 йилларда амалга ошириш кўзда тутилган инвестицион лойиҳалар Дастурини тўлиқ амалга ошириш учун барча молиявий манбалар ҳисобидан жами 42,5 млрд. доллар миқдоридида маблағ ажратилиши кўзда тутилган. Уларнинг тармоқлар бўйича тақсимооти 14-жадвалда берилган.

14-жадвал. 2009-2014 йилларда амалга ошириш кўзда тутилган инвестицион лойиҳалар Дастури

| Тармоқлар | Лойиҳалар қиймати, млн долл |
|--|------------------------------------|
| Нефть ва газ тармоғи | 21536 |
| Транспорт ва инфратузилма | 5787 |
| Энергетика | 4517 |
| Кимё саноати | 3078 |
| Тоғ-кон ва металлургия саноати | 1876 |
| Машинасозлик | 1176 |
| Қурилиш молларини ишлаб чиқариш | 983 |
| Енгил саноат | 870 |
| “Навоий” эркин индустриал-иқтисодий зонаси | 596 |
| Бошқалар | 2101 |

Манба: Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 2012 йилнингасосий яқунлари ва 2013 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги “Бош мақсадимиз – кенг қўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш” мавзусидаги маърузасини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма. – Т.: “O’qituvchi” НМИУ. 2013.

Иқтисодиётнинг етакчи, авваламбор базавий тармоқларини модернизация қилиш ва техник қайта жиҳозлаш бўйича лойиҳаларни ва шунингдек, самарали таркибий ўзгаришлар ва инвестиция сиёсатини амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси Президенти ташаббуси билан 2006 йилда ташкил этилган, низом фонди бугунги кунда қарийб 7 миллиард доллардан иборат бўлган Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг роли тобора ортиб бормоқда, ушбу жамғарма маблағлари ҳисобидан 2013 йилда 1 632 833 сўм сарфланиши режалаштирилган.

Жамғарманинг энг асосий вазифаларидан бири – иқтисодиётнинг етакчи тармоқлари ривожини, биринчи навбатда, ишлаб чиқариш инфратузилмасининг шаклланиши билан боғлиқ устувор вазифаларни амалга оширишда ҳал қилувчи аҳамият касб этадиган стратегик инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришдан иборат.

Ҳозирги пайтда жамғарманинг инвестиция портфелида умумий қиймати 18,5 миллиард доллардан ортиқ 55 инвестиция лойиҳаси мавжуд. Шунинг 4,3 миллиард доллари жамғарма маблағлари ҳисобидан биргаликда молиялаштирилади.

Жамғарма фаолият юритаётган давр мобайнида умумий қиймати 1,7 миллиард долларни ташкил этадиган 16 та инвестиция лойиҳаси амалга оширилди. Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси ҳал этадиган яна бир муҳим вазифа хорижий инвесторлар, молия институтлари ва шерикларни инвестиция лойиҳаларини биргаликда молиялаштириш в амалга ошириш мақсадида мамлакатимизга кенг жалб этиш ҳисобланади. Жамғарманинг қўшма лойиҳаларда иштирок этиши Осий тараққиёт банки, Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги, Ислонд тараққиёт банки, Хитой экспорт-импорт банки, Хитой давлат тараққиёт банки, Корея тараққиёт банки ва бошқа хорижий молия институтлари, банк ва компанияларнинг маблағлари ҳисобидан 3,2

миллиард доллардан зиёд чет эл инвестицияси ва кредитларини жалб этиш имконини берди⁴⁶.

Бугунги кунда фақатгина мазкур жамғарма маблағлари эмас, балки тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар, халқаро молия институтлари ва корхоналарнинг маблағларини жалб қилиш йўли билан иқтисодиёт тармоқларини босқичма-босқич модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш ишлари ҳам амалга оширилмоқда.

Халқаро молия институтлари билан ҳамкорликнинг мунтазам равишда кенгайтириб борилиши, узоқ муддатли инвестициявий қарзларнинг ва тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг жалб этилиши Ўзбекистондаги Инкирозга қарши чоралар дастурида етакчи ўрин тутди. Бу шериклар орасида Осиё Тараққиёт банки (ОТБ), Жаҳон банки (ЖБ), Ислом Тараққиёт банки (ИТБ) ва бошқа халқаро молиявий институтлари алоҳида ўрин тутди. Узлуксиз макроиқтисодий барқарорлик, иқтисодий ўсишнинг юксак суръатларини таъминлаш, тузилмавий ўзгаришларни изчил амалга ошириб бориш, шунингдек, иқтисодиётни ҳамда унинг таянч ва ижтимоий инфратузилмаларини босқичма-босқич модернизациялаштириб боришни таъминлашга қаратилган Ўзбекистон иқтисодий стратегияси халқаро молиявий институтлар билан ҳамкорлик кўламининг янада жадал ўсиб боришига замин яратади.

Кенг миқёсдаги инвестициялар, ривожланиш мақсадларида халқаро молиявий институтлар билан ўрнатилган фаол ҳамкорлик, хорижий инвесторлар учун имкониятлар изчил равишда кенгайтирилиб борилиши анча мураккаб бўлган жорий йилда ҳам Ўзбекистондаги иқтисодий ўсишни камида 8,3 фоиз даражасида белгилаш ва унга эришиш имкониятини беради. Бундай мақсадларнинг асосли эканлиги энг обрўли халқаро молиявий институтлар томонидан бир неча бор тасдиқланган.

⁴⁶ Ўзбекистон Республикаси иқтисодий-ижтимоий тараққиётининг мустақиллик йилларидаги (1990-2010 йиллар) асосий тенденция ва кўрсаткичлари ҳамда 2011-2015 йилларга мўлжалланган прогнозлари: статистик тўплам. – Т.: “Ўзбекистон”, 2011. – 58-59 б.

3-бобнинг қисқача хулосаси

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқироздан чиқиш даврида инвестиция сиёсати ҳар қандай давлатнинг иқтисодий ривожланиши ва унда ишлаб чиқаришни кенгайтиришнинг энг асосий йўналишларидан бири бўлиб қолади. Шундай экан, миллий иқтисодиётни ҳар томонлама ривожлантириш фаол инвестиция сиёсатини юргизишни талаб этади. Бу ўз навбатида республикада чуқур таркибий ўзгаришларни амалга оширишни таъминлайди. Миллий иқтисодиёт соҳаларига ташқи ва ички инвестициялар оқимини фаоллаштириш иқтисодий юксалишнинг янги босқичини бошлаб берадиган асосий омил ҳисобланади.

Хорижий сармояларнинг жалб этилишининг ҳал этувчи босқичи натижа ёки уларнинг халқ хўжалигимиз ривожига қўшаётган хиссаси бўлмоғи лозим. Бу борадаги ҳолатни биз ҳамма вақт ҳам ижобий деб баҳолай олмаймиз. Чунки, инвестицион муҳитга салбий таъсир этувчи омиллар ҳамон учраб турибди. Ушбу омиллар жумласига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- мамлакатимизда инвесторлар учун яратилган шарт – шароитлар, имтиёз ва афзалликлардан фойдаланиш борасидаги муаммолар;
- инвесторларга ер ажратиш билан боғлиқ бўлаётган муаммолар;
- жойларда мавжуд инфратузилмадан фойдаланиш борасидаги муаммолар;
- маҳаллий ҳокимликлар томонидан алоҳида олинган масалаларни ечишга оид қарорларни қабул қилишда тезкорликнинг етишмаслиги ва ҳоказо.

Инвестицияларни молиялаштириш шарт-шароитларини ҳисобга олиб, республика ҳудудларида инвестициялар хажмини ўстириш учун қуйидагиларни эътиборга олиш зарур деб ўйлаймиз:

- бозор муносабатлари тан олган йўналишларда асосий ишлаб чиқариш фондларини янгилаш, ресурслар ва такрор ишлаб чиқариш дастурини тузиш ва амалга ошириш;

- давлат томонидан инвестицион жараённи тартибга солишнинг мақбул ва такомиллашган механизмини танлаш ва қўллаш;

- инвестицион ресурсларнинг қўшимча ички манбаларини топиш ва капитал қўйилмаларни молиялаштириш манбаларининг оқилона нисбатини аниқлаш.

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози ҳукм сураётган айти дамда, Ўзбекистонда иқтисодиётнинг реал сектор корхоналарини, шунинг билан бирга инфратузилма объектлари ривожланишини қўллаб-қувватлаш мақсадида инвестицион маблағларни топиш ва уларни мақсадли йўналтириш муҳим омиллардан бирига айланмоқда.

Ўзбекистонда сўнгги беш йил мобайнида инвестицияларнинг йиллик ўсиш суръати 9 фоиздан зиёдни ташкил этмоқда ва бу дунёдаги юқори, барқарор кўрсаткичлардан бири ҳисобланади.

ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

Замонавий жаҳон иқтисодиётида жаҳон капитал бозори доирасидан четда қолган мамлакат қолмади. Ҳар бир мамлакат, баъзи ҳолларни ҳисобга олмаганда, нафақат капитални олиб киради, балки уни чиқаради ҳам.

Ҳозирги шароитларда хорижий инвестициялар – бу янги иш ўринларини, замонавий технологияларни жорий қилиш имкониятини, кўшимча валюта маблағларини олиш имкониятини, мамлакатнинг жаҳон хўжалигига интеграциясини аниқлатади. Хорижий капитал мамлакатимизга бозор ислохотларини энг мураккаб қисми – иқтисодиёт тузилмасини қайта қуришга, барқарор талабга эга товарлар ишлаб чиқаришга ўтишга ёрдам беради. Бундан ташқари қўшма корхоналар рақобат муҳитини яратишга кўмаклашади. Бусиз эса ички истеъмол бозорини самарали тўлдириш мумкин эмас. Ўзбекистонда инвестициялар биринчи навбатда иқтисодиёт тузилмасини қайта қуришга, яъни республика учун энг истикболли ва фойдали ишлаб чиқариш тармоқларига йўналтирилмоқда. Қатор асосий соҳаларда маҳсулот ишлаб чиқаришнинг кўпайиши иқтисодиётда ўсиш руй бераётганини кўрсатувчи муҳим омил ҳисобланади. Ички иқтисодиётдаги муваффақият эса, ташқи иқтисодий фаолиятга, ташқи алоқалар тизимининг яхшиланишига ижобий таъсир кўрсатади.

Ўзбекистон Республикасининг мустақилликка эришгандан кейинги иқтисодий тараққиёти ва жаҳон хўжалигига интеграцияси хорижий мамлакатлар инвестицияларини жалб қилиш, уларнинг тўлақонли ишлашини таъминлаш билан чамбарчас боғлиқ бўлди. Бунинг натижасида Республиканинг ёқилғи-энергетика тармоқларини, машинасозлик, тоғ-кон металлургия саноат тармоқлари йирик монополистик уюшмалар таъсирида ривожланиш босқичига кирганлигини кўришимиз мумкин.

Ўзбекистонда яратилган қулай инвестиция муҳити, энг аввало, мамлакатдаги сиёсий ва иқтисодий барқарорлик билан тавсифланади. Шунингдек, Ўзбекистонда давлат мустақиллигининг қарор топишидаги қисқа давр ичида инвестиция фаолиятининг қонунчилик негизи яратилди. Бу

конун хужжатларида хорижий инвестицияларни жалб қилишнинг кенг ҳуқуқий кафолатлари ва имтиёзлари тизими ўз аксини топди. Хорижий инвестициялар оқимини рағбатлантириш мақсадларида қўшимча имтиёзлар берилиши назарда тутилган бир қанча конун хужжатлари қабул қилинган.

Хорижий инвестицияларни жалб қилиш айниқса жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозларни салбий оқибатларининг миллий иқтисодиётга таъсирини камайтиришда ва бартараф этишда муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда.

Президентимиз жаҳон молиявий инқирози рўй берган дастлабки палладаёқ унинг таъсир даражаси, кўлами ва келтириб чиқариши мумкин бўлган салбий оқибатларига етарли баҳо бериб, “жаҳон молиявий инқирозидан имкон қадар тез чиқиш, унинг оқибатларини енгиллаштириш кўп жиҳатдан ҳар қайси давлат доирасида ва умуман, дунё ҳамжамияти миқёсида қабул қилинаётган чора-тадбирларнинг қанчалик самарадорлигига, уларнинг бир-бири билан уйғунлигига боғлиқ” деб хулоса чиқарган эди. Бундай ҳаққоний хулосалар асосида Ўзбекистонда 2008 йилнинг ўзида Инқирозга қарши чоралар дастури ишлаб чиқилиб, унда белгиланган тадбирларни изчил равишда амалга оширишга киришилди.

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози ҳукм сураётган бир пайтда эришаётган ютуқларимизни таъминлашда корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш ҳамда замонавий, юксак технологияларга асосланган янги ишлаб чиқаришни ташкил этиш борасида фаол инвестиция сиёсатининг юритилаётганлиги муҳим омил бўлмоқда. 2012 йилда иқтисодиётимизга йўналтирилган капитал маблағлар, инвестициялар ялпи ички маҳсулотга нисбатан 22,9 фоизни ташкил этди.

Ўзбекистон иқтисодиётига жалб этилаётган турли шаклдаги инвестициялар оқими йилдан-йилга ошиб бормоқда. Инвестицияларнинг молиявий манбалари таркибий тузилишида ҳам сезиларли ўзгаришлар рўй берди.

Иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни янада чуқурлаштириш, корхоналарнинг инвестиция фаолиятини жадаллаштириш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта қуроллантириш дастурларини амалга оширишда хорижий инвестициялар, аввало, тўғридан-тўғри инвестицияларнинг ўрни бекиёсдир. Бунда илғор технологияларни татбиқ этиш, янги иш ўринлари яратиш ва шу асосда мамлакатимиз иқтисодиётининг барқарор ва бир маромда ривожланишини таъминлаш имконияти яратилади.

2012 йилда иқтисодиётимизга 11 миллиард 700 миллион доллар миқдорида ички ва хорижий инвестициялар жалб этилди ёки бу борадаги кўрсаткич 2011 йилга нисбатан 14 фоизга ўсди. Жами инвестицияларнинг 22 фоиздан ёки 2 миллиард 500 миллион доллардан ортиғини хорижий инвестициялар ташкил этди, уларнинг 79 фоиздан кўпроғи тўғридан-тўғри хорижий инвестициялардир.

Эътиборга сазовор томони шуки, жами инвестицияларнинг қарийб 74 фоизи ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва янгилашга қаратилган дастур ва лойиҳаларни амалга оширишга йўналтирилди.

2012 йилнинг ўзида умумий қиймати 1 миллиард 600 миллион доллардан ортиқ бўлган капитал қўйилмалар ўзлаштирилиб, 205 та йирик инвестиция объекти қуриб битказилди.

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқироздан чиқиш даврида инвестиция сиёсати ҳар қандай давлатнинг иқтисодий ривожланиши ва унда ишлаб чиқаришни кенгайтиришнинг энг асосий йўналишларидан бири бўлиб қолади. Шундай экан, миллий иқтисодиётни ҳар томонлама ривожлантириш фаол инвестиция сиёсатини юргизишни талаб этади. Бу ўз навбатида республикада чуқур таркибий ўзгаришларни амалга оширишни таъминлайди. Миллий иқтисодиёт соҳаларига ташқи ва ички инвестициялар оқимини фаоллаштириш иқтисодий юксалишнинг янги босқичини бошлаб берадиган асосий омил ҳисобланади.

Бугунги кунга келиб, Ўзбекистонда чет эл инвестицияларини жалб этишда қулай шарт-шароитларнинг яратилишига қарамай, уларни миллий иқтисодиётга жалб этиш имкониятларидан тўлиқ фойдаланилмаётганлиги кузатилмоқда.

Чет эл капиталини жалб қилиш ва ундан фойдаланишнинг самарадорлигини ошириш иқтисодиётнинг устивор соҳаларини кўпроқ ривожлантириш учун мамлакатимизнинг миллий манфаатлари ва чет эл инвесторларининг манфаатлари мос келишини таъминлаш, инвестицион фаолиятнинг ва преференциал тартибининг умумий қулай шароитларини яратиш мақсадида ташкилий, иқтисодий ва ҳуқуқий механизмларни такомиллаштиришни талаб этади.

Устувор инвестицион лойиҳаларни танлаб олиш механизмининг асосий камчилиги танлашнинг аниқ мезонлари ва ҳатто оддий мўлжаллари йўқлиги ҳисобланади. Кўпгина лойиҳалар иқтисодий самарадорлик, валюта билан қопланиши ва ички қарз олувчининг тўлов қобилияти нуқтаи назаридан етарли даражада асосланмаган.

Давлат рўйхатига киритилган устувор инвестицион лойиҳаларни амалга ошириш кредитларни ўзлаштиришнинг доимий мониторингини амалга оширишни ва қарзни ўз вақтида тўлашни талаб қилади.

Республика иқтисодиётини халқаро инвестициялашни рағбатлантирувчи муҳим омил сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва тижорий таваккалчиликни профессионал даражада ва тўлиқ суғурталаш ҳисобланади.

Хорижий инвесторлар ҳуқуқларининг муҳим кафолати республика қонунчилигидаги ўзгаришлар ва қўшимчалардан ҳимоялаш, шунингдек, чет эл инвестицияларини жалб қилиш ва фойдаланишнинг меъёрий-ҳуқуқий тартиби ўзгарганда битим шартларига ўзгаришлар киритиш имкониятини бериш.

Чет эл капиталини Республика иқтисодиётининг устивор соҳаларига жалб қилинишини рағбатлантириш учун молия-кредит, солиқ рағбатларидан ҳам, номолиявий услублардан ҳам фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Номолиявий услубларга чет эл капиталининг фаолият юритиши учун умумий кулай шароит яратишни, зарур саноат омиллари, ахборат, бошқариш хизматлари билан таъминлашни, транспортни ривожлантиришни, турли хил коммуникацияларни, банк хизматларини ўстиришни, бозор инфратузилмасининг бошқа элементларини яратишни киритиш мумкин.

Солиқ имтиёзлари ва рағбатларидан кенг фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Солиқ ва молия-кредит имтиёзларини тақдим этиш автоматик тарзда амалга оширилмай, балки босқичма босқич, амалга ошириладиган лойиҳанинг давлат аҳамиятига, корхона устав жамғармасидаги иштирок этиш улушига, капитални қўйиш соҳасига, унинг айланма тезлигига боғлиқ ҳолда амалга оширилиши керак.

Хусусийлаштириш жараёни доирасида чет эл капиталини жалб қилишни рағбатлантиришнинг таъсирчан механизмини яратиш учун қуйидагилар зарур: чет эл инвесторларининг валюта конвертацияси тамойилларини ишлаб чиқиш, халқаро савдо-сотиқ ишлари учун хусусийлаштириладиган объектлар доирасини аниқлаб олиш, хорижий инвесторларнинг мулкӣ ҳуқуқларга эга бўлишлари учун қимматли қоғозларнинг бирламчи ва иккиламчи бозорларини ривожлантириш.

Чет эл капиталини жалб қилиш бўйича давлат сиёсатини амалга ошириш учун қуйидаги вазифаларни бажариш мақсадга мувофиқ:

-лоийҳавий молиялаш ва маслаҳат-техник ёрдам кўрсатиш маркази, унинг зиммасига инвестициядан олдинги тадқиқотларни амалга ошириш, лойиҳаларни экспертизадан ўтказиш ва уларни амалга ошириш, маслаҳат-техник ёрдам кўрсатишни амалга ошириш фаолиятини мувофиқлаштириш вазифалари;

-чет эл капитали бўлган корхоналарни рўйхатдан ўтказиш ва хорижий фирмалар ҳамда компанияларни аккредитациялаш учун рўйхатдан ўтказиш;

-аниқ инвестицион дастурлар ва лойиҳалар, қонунчилик асоси, солиқ тизими, инвестицион сиёсат бўйича маълуматлар банкларини яратиш ва

амалдаги чет эл инвесторларини бу маълумотлар билан таъминлаш мақсадида чет эл капитали бўйича Ахборот маркази тузиш.

Санаб ўтилган чора-тадбирлар чет эл капиталини жалб қилиш соҳасида барқарор давлат сиёсатини ўтказишга имкон беради, бу миллий манфаатларни чет эл инвесторлари манфаатлари билан қўшиб олиб бориш масаласини ҳал этишга ёрдам беради.

Чет эл инвестицияларини жалб этишда, энг аввало, иқтисодийнинг ҳудудий таркиби хусусиятларини эътиборга олиш лозим. Республика ҳудудларининг иқтисодий, табиий ресурслар салоҳияти ва мавжуд ишлаб чиқариш ва ижтимоий ҳамда бозор инфратузилмаси шарт-шароитлари хорижий инвестицияларни жалб этишда тўла ҳисобга олиниши керак.

Хорижий сармояларнинг жалб этилишининг ҳал этувчи босқичи натижа ёки уларнинг халқ хўжалигимиз ривожига қўшаётган хиссаси бўлмоғи лозим. Бу борадаги ҳолатни биз ҳамма вақт ҳам ижобий деб баҳолай олмаймиз. Чунки, инвестицион муҳитга салбий таъсир этувчи омиллар ҳамон учраб турибди. Ушбу омиллар жумласига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- мамлакатимизда инвесторлар учун яратилган шарт – шароитлар, имтиёз ва афзалликлардан фойдаланиш борасидаги муаммолар;
- инвесторларга ер ажратиш билан боғлиқ бўлаётган муаммолар;
- жойларда мавжуд инфратузилмадан фойдаланиш борасидаги муаммолар;
- маҳаллий ҳокимликлар томонидан алоҳида олинган масалаларни ечишга оид қарорларни қабул қилишда тезкорликнинг етишмаслиги ва ҳоказо.

Шундай экан, бу борада инвесторлар учун яратилган шарт-шароитлардан ўз вақтида хабардор қилиш ишларини такомиллаштириш зарур. Бу ерда оммавий ахборот воситалари ролини янада ошириш, янгиликлар билан инвесторларни ўз вақтида таништириб бориш, тадбиркорликнинг барча субъектлари қошида «Янгиликлар доскаси»ни

ташкил этиш орқали маълумотларни етказиш каналларини янада кенгайтириш мухим ахамият касб этади.

Юқоридаги муаммоларнинг икки асосий сабаблари мавжуд: биринчиси, молия – банк тизими, солиқ ва божхона ташкилотлари томонидан инвесторлар учун ўта расмиятчиликни, асосиз талабларни кучайтирилиб юборилганлиги; иккинчиси, инвесторларни ўзларига яратилган имтиёзларни тўла англай олмаслиги оқибатида юзага келаётган муаммолардир.

Бу ерда, бош ечим инвесторларни интилувчанлиги, таваккалчилиги ва ташаббускорлигини ошириш хисобланади. Зарур холда, ҳуқуқий савиясини янада юксалтириш ҳам ўзининг ижобий самарасини беради.

Инвесторларга ер ажратиш билан боғлиқ муаммоларни хал этишда ҳокимлик тасарруфидаги захира ерлардан биринчи навбатда фойдаланиш, ҳамда уч томонлама шартнома асосида муаммони хал этиш мумкин. Ижара усулларида фойдаланишда «Инвестор – Ҳокимлик – Ижарачи» тамойилига асосланиш зарур. Бунда ҳокимликлар воситачи (кафолатловчи) вазифасини бажариши шарт.

Яна бир мухим муаммо юқорида айтиб ўтилганидек, инфратузилма ташкилотлари билан инвесторлар орасидаги юзага келаётган келишмовчиликлардир. Бу муаммони хал этишда шартнома бош ролни ўйнамоғи лозим. Тўғри, ҳозирда ҳам улар орасида олдиндан шартномалар тузилади, лекин уларда инвесторларнинг талаблари тўла эътиборга олинмаслик ҳолатлари кўп учраб туради. Шу боисдан ҳам инвестор талабларини инобатга олишни устивор вазифа сифатида қараш керак. Чунки бугунги инвестор эртага мижоз (клиент) хисобланади. Улар билан тўғри муносабатда бўлиш келажакда ўзининг самарали натижасини беради.

Инвестицияларни молиялаштириш шарт-шароитларини ҳисобга олиб, республика ҳудудларида инвестициялар хажмини ўстириш учун қуйидагиларни эътиборга олиш зарур деб ўйлаймиз:

- бозор муносабатлари тан олган йўналишларда асосий ишлаб чиқариш фондларини янгилаш, ресурслар ва такрор ишлаб чиқариш дастурини тузиш ва амалга ошириш;

- давлат томонидан инвестицион жараённи тартибга солишнинг мақбул ва такомиллашган механизмини танлаш ва қўллаш;

- инвестицион ресурсларнинг қўшимча ички манбаларини топиш ва капитал қўйилмаларни молиялаштириш манбаларининг оқилона нисбатини аниқлаш.

Юқорида зикр этиб ўтган фикрларимиз инвесторлар учун яратилган шарт-шароитлар, имтиёз ва қулайликларни янада яхшилабгина қолмай, балки алохида олинган ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий имкониятларини янада ортишига, ялпи ҳудудий маҳсулотларнинг кўпайишига ва охириги натижада аҳолининг турмуш фаровонлигини яхшилашга хизмат қилади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

I. Ўзбекистон Республикаси Қонунлари

1. Ўзбекистон Республикасининг “Инвестиция фаолияти тўғрисида”ги 1998 йил 24 декабрдаги Қонуни. № 719-1 Ўзбекистоннинг янги қонунлари, 1998.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Чет эл инвестициялари тўғрисида”ги 1998 йил 30 апрелдаги Қонуни. Ўзбекистоннинг янги қонунлари, 1998.
3. Ўзбекистон Республикасининг “Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида”ги 1998 йил 30 апрелдаги Қонуни. Ўзбекистоннинг янги қонунлари, 1998.
4. Ўзбекистон Республикасининг “Ташқи иқтисодий фаолияти тўғрисида”ги Қонуни (янги таҳрири) 2000 й.
5. Ўзбекистон Республикасининг “Хусусий корхона тўғрисида”ги 2003 йил 11 декабрдаги Қонуни. //”Солиқлар ва божхона хабарлари” газетаси, 2004 йил 10 февраль.

II. Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 13 апрелдаги «Ангрен махсус индустриал зонани барпо этиш тўғрисида»ги Фармони.
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 апрелдаги «Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб этилишини рағбатлантиришга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 21 ноябрда “Ўзбекистон Республикасининг 2013 йилга мўлжалланган инвестицион дастури тўғрисида”ги 1855-сонли Қарори.
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Навоий вилоятида эркин индустриал-иқтисодий зона ташкил этиш тўғрисида” Фармони 04.12.2008
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 29 декабрда

“Ўзбекистон Республикасининг 2011 йилга мўлжалланган инвестицион дастури тўғрисида”ги 1455-сонли Қарори.

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 27 декабрда “Ўзбекистон Республикасининг 2012 йилга мўлжалланган инвестицион дастури тўғрисида”ги 1668-сонли Қарори.

12. “2011-2015 йилларда Ўзбекистон Республикаси саноатини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 15 декабрдаги ПҚ–1442–сонли Қарори.

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 12 мартдаги «2009-2014 йилларда ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техникавий ва технологик қайта жиҳозлаш бўйича энг муҳим лойиҳаларни амалга ошириш чора-тадбирлари Дастури тўғрисида»ги қарори

III. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари

14. И.А. Каримов. Бош мақсадимиз – кенг кўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш. //Халқ сўзи. 19.01.2013.

15. И.А.Каримов. 2012-йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади. “Халқ сўзи” газетаси, 20 январ 2012 йил.

16. Каримов И.А. “Барча режа ва дастурларимиз ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади” //Халқ сўзи, 2011 йил 22 январь.

17. Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. //Халқ сўзи. 2010 йил 13 ноябрь.

18. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва янгилашни изчил давом эттириш – давр талаби. Президент Ислон Каримовнинг 2008 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2009 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор

йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи, 2009 йил 14 февраль.

19. Каримов И.А. Жамиятимизни эркинлаштириш, ислохотларни чуқурлаштириш, маънавиятимизни юксалтириш ва халқимизнинг ҳаёт даражасини ошириш – барча ишларимизнинг мезони ва мақсадидир. ШХТ давлат раҳбарлари кенгашининг кенгайтирилган таркибдаги мажлисида сўзланган нутқ. –Т.:”Ўзбекистон”, 2007.

20. И.Каримов. Ўзбекистон иқтисодий сиёсатидаги устуворликлар ҳақида. Т.: Ўзбекистон. 1993.

IV. Асосий адабиётлар

21. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 2012 йилнинг асосий якунлари ва 2013 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги “Бош мақсадимиз – кенг қўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш” мавзусидаги маърузасини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма. – Т.: “O’qituvchi” НМИУ. 2013.

22. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 2011 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2012 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги “2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади” мавзусидаги маърузасини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма. – “Ўқитувчи” НМИУ, 2012. – 282 б.

23. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг “Барча режа ва дастурларимиз ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади” мавзусидаги маърузасини ўрганиш бўйича ўқув-услубий мажмуа. – Т.: Иқтисодиёт. – 2011.

24. Ходиев Б.Ю., Бекмуродов А.Ш., Гафуров У.В. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг «Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир» ҳамда «Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир» номли маърузаларини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма – Т.: Иқтисодиёт. - 2010.

25. А.В.Вахабов, Ш.Х.Хажобакиев, Н.Г.Муминов “Хорижий инвестициялар”-Т “Молия”, 2010 й.

26. Маҳмудов Н.М, Маджидов Ш.А. Инвестицияларни ташкил этиш ва молиялаштириш. Ўқув қўлланма. – Т.: ТДИУ, 2010.

27. Юлдашев Р.З. Инвестиционное обеспечение приватизированных предприятий в Узбекистане: управленческий аспект. Монография. Т.: Иқтисодиёт, 2009. — 93-С.

28. Б.Зи, К.Алекс, М.Алан. Принципы инвестиций, 4-е издание: Пер с англ. «Вильямс», 2008. – 984 с.

29. Царев В.В. Оценка экономической эффективности инвестиций. – СПб.: Питер, 2008. - 482 с.

30. Шевчук Д.А. Организация и финансирование инвестиций. Ростов н/Д.: Феникс, 2008. – 272 с.

31. Рашидов О.Ю. “Инвестицион лойиҳаларни молиялаштириш”. – Т.: ТДИУ, 2007.

32. Шодиев Р.Х. “Жаҳон иқтисодиёти”. – Т.: “Ғофур Ғулом”, 2005.

33. Ўлмасов А., Ваҳобов А. Иқтисодиёт назарияси. Дарслик. – Т.: Шарқ, 2007.

V. Қўшимча адабиётлар

34. Миллий иқтисодиётни инновациялар асосида ривожлантиришнинг институционал муаммолари. Республика илмий-амалий анжумани маъруза тезислари тўплами (2012 йил 25 апрель). – Т.: ТДИУ, 2012. -284 бет.

35. «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни баргараф этишнинг йўллари ва чоралари» мавзусидаги Республика илмий-амалий анжуманидаги тақдимот материаллари. – Т., ТДИУ, 2009 йил 5 май.

36. Ўзбекистон – иқтисодиётни модернизациялаш ҳамда ислохотларни чуқурлаштиришнинг янги ва юксак босқичи йўлида. (Бекмуродов А.Ш., Гафуров У.В.) Т.: Иқтисодиёт, 2008. – 126 б.

37. Беренс В., Хавранек П. «Руководство по оценке эффективности инвестиций» М: Интерэкспорт, 2008.

38. Ваҳобов А. ва бошқалар. Халқаро молия муносабатлари: Дарслик. – Т.: «Шарк», 2003.

39. Ҳайдаров Н.Ҳ. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида корхоналар инвестицион фаолиятидаги молия-солиқ муносабатларини такомиллаштириш масалалари. Иқтисод фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. – Т.: 2003. 29 б.

VI. Даврий нашрлар, статистик тўпламлар ва ҳисоботлар

40. Алматова Д. Минтақаларда инвестициялар жалб этишнинг муҳим йўналишлари. “O’ZIA” - “ЭВУ” 1/2012.

41. Маматов М. Миллий иқтисодиётга хорижий инвестицияларни жалб қилишнинг назарий асослари. //Иқтисодиёт ва таълим. 2011 йил, 4-сон, 38-б.

42. Собиров А. Ўзбекистон Республикасига хорижлик инвесторларни жалб қилиш шакллари. /Иқтисодиёт ва таълим, 2011 й., 5-сон.

43. Чет эл инвестицияларини жалб этишнинг истиқболли йўналишлари. //Ҳамкор. Uz.2008, № 17.

44. Ҳикматов А. Иқтисодий ислохотларни эркинлаштириш ва инвестиция сиёсати. // Бозор пул ва кредит журн. 2000. №6. 49-40 б.

45. Фаттохова Ж. «Ўзбекистон молия бозорининг ҳозирги аҳволи». //«Бозор, пул ва кредит», 1998, 1-сон. 17-бет.

46. Экономическое обозрение. Деверюкс Д. и Робертс Б., Прямые иностранные инвестиции и благосостояние в странах с переходной экономикой: на примере Центральной Азии. 1998, 3 том, 49 стр.

47. Ўзбекистон Республикаси иқтисодий-ижтимоий тараққиётининг мустақиллик йилларидаги (1990-2010 йиллар) асосий тенденция ва кўрсаткичлари ҳамда 2011-2015 йилларга мўлжалланган прогнозлари: статистик тўплам. – Т.: “Ўзбекистон”, 2011.

48. Ўзбекистон Республикасининг статистик ахборотномаси. 2011.

VII. Интернет сайтлар

49. www.gov.uz

50. www.press-service.uz

51. www.mfer.uz

52. www.UzA.Uz.

53. www.review.uz

54. www.cer.uz

55. www.mfa.uz

56. [http:// www.stat.uz](http://www.stat.uz).

ИЛОВАЛАР

1-жадвал

Ўзбекистон Республикасининг 2011-2012 йилдаги Инвестиция
дастурида кўзда тутилган капитал қўйилмаларнинг асосий параметрлари⁴⁷

млн. сўм

| № | Молиялаштириш манбаларининг номланиши | 2011 йил | 2012 йил |
|------|--|-----------------|-----------------|
| | Жами капитал қўйилмалар, <i>шундан:</i> | <u>20721845</u> | <u>23679701</u> |
| 1. | Марказлашган инвестициялар: | 4 969 491 | 5 740 892 |
| 1.1. | Бюджет маблағлари | 950 000 | 1 059 254,4 |
| 1.2. | Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси | 105 000 | 115 560 |
| 1.3. | Бюджетдан ташқари фонлардан, <i>жумладан,</i> | 911 834 | 1 431 777 |
| | - Республика йўл жамғармаси | 609800 | 680 796 |
| | - Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси | 139930 | 158 147 |
| | - Таълим муассасаларини реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармаси (2012 йилдан Таълим ва соғлиқни сақлаш муассасаларини реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармаси) | 162104 | 545 836 |
| | - Олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини ривожлантириш жамғармаси | | 46 997,6 |
| 1.4. | Тикланиш ва таракқиёт жамғармаси (<i>сўм эквивалентида</i>) | 1 353 527 | 1 432 400 |
| 1.5. | Давлат кафолати остидаги хорижий инвестициялар ва кредитлар (<i>сўм эквивалентида</i>), <i>шундан:</i> | 1 376 130 | 1 701 901 |
| | <i>қишлоқ жойларда уй-жойлар қуриш (сўм эквивалентида)</i> | <i>171 750</i> | <i>301 564</i> |
| 2. | Марказлашмаган инвестициялар: | 16 025 354 | 17 938809 |
| 2.1. | Корхона маблағлари | 7 536 261 | 6 835 725 |
| 2.2. | Тижорат банклари кредитлари ва бошқа қарз маблағлари, шу жумладан: | 2 069 185 | 3 524 824 |
| | <i>АТБ “Қишлоқ қурилиш банки”нинг қишлоқ жойларда уй-жойлар қуриш учун имтиёзли кредитлари</i> | <i>196 289</i> | <i>222 070</i> |
| 2.3. | Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ва кредитлар (<i>сўм эквивалентида</i>) | 3835109 | 4340656 |
| 2.4. | Аҳоли маблағлари | 2 584 800 | 3 237 604 |

⁴⁷Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 29 декабрдаги ПҚ-1455 ҳамда 2011 йил 27 декабрдаги ПҚ-1668-сонли қарорлари.

**Ўзбекистон Республикасининг 2013 йилдаги инвестиция дастурида
кўзда тутилган капитал қўйилмаларнинг асосий параметрлари⁴⁸**

| № | Молиялаштириш манбаларининг номланиши | 2013 йил прогнози, миллион сўм |
|-----------|--|---|
| | Жами капитал қўйилмалар, <i>шундан:</i> | 27 123 275 |
| 1. | Марказлашган инвестициялар: | 6 691366 |
| 1.1. | Бюджет маблағлари | 1 300 000 |
| 1.2. | Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси | 131000 |
| 1.3. | Бюджетдан ташқари фонлардан, <i>жумладан:</i> - Республика йўл жамғармаси - Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси - Таълим муассасалари ва соғлиқни сақлаш ташкилотларини реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармаси - Олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини ривожлантириш жамғармаси | 1 876 750 921572 218243 623 500* 113 435* |
| 1.4. | Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси (сўм эквивалентида) | 1 632 833 |
| 1.5. | Давлат кафолати остидаги хорижий инвестициялар ва кредитлар (сўм эквивалентида), <i>шундан:</i> <i>Қишлоқ жойларда уй-жойларни қуриш (сўм эквивалентида)</i> | 1 750783 250560** |
| 2. | Марказлашмаган инвестициялар: | 20 431910 |
| 2.1. | Корхона маблағлари | 8 150655 |
| 2.2. | Тижорат банклари кредитлари ва бошқа қарз маблағлари, шу жумладан: <i>АТБ “Қишлоқ қурилиш банки”нинг қишлоқ жойларда уй-жойларни қуриш учун имтиёзли кредитлари</i> | 3 236108 426300 |
| 2.3. | Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ва кредитлар (сўм эквивалентида) | 4 563159 |
| 2.4. | Аҳоли маблағлари | 4 481988 |

⁴⁸ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 21 ноябрда “Ўзбекистон Республикасининг 2013 йилга мўлжалланган инвестицион дастури тўғрисида”ги 1855-сонли Қарори.


**2012 йилда ишга туширилган 2013 йилда амалга оширилиши
кутилаётган йирик лойиҳалар⁴⁹**

| № | Лойиҳа номи | Лойиҳа куввати | Умумий қиймати (млн. долл.) |
|---|--|---|-----------------------------|
| 2012 йилда яқунланган йирик лойиҳалар | | | |
| “Ўзбекнефтегаз” МХК | | | |
| 1 | "Шуртаннефтегаз» негизида пропан-бутан аралашмаси қурилмасини барпо этиш (5 навбати) | 50,0 минг тонна | 74,2 |
| “Ўзбекэнерго” ДАК | | | |
| 2 | Навоий ИЭС негизида буғ-газ қурилмасини барпо этиш | 478 МВт | 529,78 |
| “Ўзкимёсаноат” ДАК | | | |
| 3 | Навоий вилоятида техник кремнийни ишлаб чиқариш нишга қилиш (1 босқич) | 12,0 минг тонна | 19,04 |
| “Ўзавтосаноат” АК | | | |
| 4 | Самарқанд вилоятида юк автомобиллари ва компонентларини ишлаб чиқарувчи янги комплексни барпо этиш (II босқич) | 3,0 минг дона | 29,38 |
| 2013 йилда яқунланиши мўлжалланган йирик лойиҳалар | | | |
| “Ўзбекнефтегаз” МХК | | | |
| 1 | Мавжуд ДКС -1,2,3,4 ўрнига Газли сиқувчи компрессор станциясини барпо этиш | 16 дан 25 МВтгача ошириш | 261,13 |
| “Ўзбекэнерго” ДАК | | | |
| 2 | «Тошкент ИЭС» ОАЖ негизида когенерацион буғ-газ технологиясини жорий этиш | 27 МВт | 62,99 |
| “Ўзкимёсаноат” ДАК | | | |
| 3 | Дехқонобод калилий ўғит заводини ишлаб чиқариш қувватларини кенгайтириш (2 босқич) | 200,0 минг тоннадан 600,0 минг тоннагача ошириш | 254,8 |
| “Ўзбекистон темир йўллари” ДАТК | | | |
| 4 | Жиззах-Янгиер икки йўналишли электрификация қилинган темир йўл линиясини барпо этиш (1 босқич) | 187 км | 320,74 |


⁴⁹ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги. Худудларда саноатни ривожлантиришнинг асосий омиллари, ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш, маҳаллийлаштириш дастурининг бажарилиши ҳамда ҳорижий инвестицияларни жалб этишда ҳокимликларнинг долзарб вазифалари. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг ўринбосарлари, маънавий-маърифий ишлар бўйича ёрдамчилари, туман ва шаҳарлар ҳокимлари иштирокидаги ўқув семинари, 2013 й.

Тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестициялар учун бериладиган имтиёзлар жорий этиладиган иқтисодиёт тармоқлари рўйхати:

1. Радиоэлектрон саноати буюмлари ҳамда компьютер ва ҳисоблаш техникаси бутловчи буюмларини ишлаб чиқариш.
2. Енгил саноат:
 - Тайёр ип газлама, жун газлама ва аралаш газламалар, шунингдек трикотаж газлама ишлаб чиқариш;
 - тайёр тикувчилик, трикотаж, пайпоқ маҳсулотлари ва тўқимачилик галантереяси ишлаб чиқариш;
 - табиий терилар ишлаб чиқариш, кўн-галантерея саноати, пойабзал саноати.
3. Ипакчилик саноати: шойи газламалар ва ипакдан тайёр буюмлар ишлаб чиқариш.
4. Қурилиш материаллари саноати: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 24 мартдаги ПФ-3586-сонли Фармони 1а-илоvasида кўрсатилган қурилиш материалларининг янги турларини ишлаб чиқариш.
5. Парранда гўшти ва тухумни саноат миқёсида етиштириш.
6. Озиқ-овқат саноати: маҳаллий хомашёдан саноат миқёсида қайта ишланган тайёр озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш (алкоголли, алкогольсиз ичимликлар ва тамаки маҳсулотлари бундан мустасно).
7. Гўшт-сут саноати: гўшт ва сут маҳсулотларининг тайёр турлари, пишлоқ ва сариёғ, шунингдек ҳайвонларнинг ички органларидан қайта ишланган маҳсулотлар ишлаб чиқариш.
8. Балиқ ва балиқ маҳсулотларини қайта ишлаш ҳамда консервалаш.
9. Кимё саноати.
10. Нефть-кимё саноати.
11. Тиббиёт саноати, шунингдек ветеринария учун дори воситаларини ишлаб чиқариш.
12. Қадоклаш материалларини ишлаб чиқариш.
13. Муқобил энергия манбалари негизда электр станциялари қуриш.
14. Кўмир саноати:
 - кўмирни бойитиш;
 - кўмир брикетларини ишлаб чиқариш;
 - сланец саноати.
15. Ишлаб чиқаришга мўлжалланган электроферросплав ва металл буюмларни ишлаб чиқариш.
16. Машинасозлик ва металлга ишлов бериш:
 - машинасозлик;
 - трактор ва қишлоқ хўжалик машинасозлиги;
 - қурилиш, йўл ва коммунал машинасозлик;
 - енгил ва озиқ-овқат саноати ҳамда маиший асбоблар машинасозлиги.
17. Станоксозлик ва асбобсозлик саноати.
18. Шиша ва чинни-фаянс саноати.
19. Микробиология саноати.
20. Ўйинчоқлар ишлаб чиқариш.



1-расм. 2012 йилда ишлаб чиқариш соҳаларига йўналтирилган инвестициялар миқдори, млрд. сўм.



2-расм. 2012 йилда ноишлаб чиқариш соҳаларига йўналтирилган инвестициялар миқдори, млрд. сўм.

1-Диаграмма



2-диаграмма
Ўзбекистон Республикасида фаолият юритаётган хорижий сармоялар иштирокидаги корхоналар (соҳалар кесимида)

